

## МАСИХ — ХУДОНИНГ ОШКОРА СИРИ

<sup>1</sup> Рахмат, Невилл ака. Раббий сени дуо қилсин. Ибодатга бошларимизни эгиб, яна бир дақиқа тик турамыз.

<sup>2</sup> Осмондаги меҳрибон Ота, бу тонг биз яна Сенга мурожаат қилиб Сенинг илтифотинг ва бугунги кириб келган кунга Муқаддас Рухнинг бошқарувини сўраймиз, токи бугун эрталаб йиғилиб Каломингни ўрганайлик ҳамда ҳозирги кунда қандай яшаш ва куннинг қайси вақтида яшаётганимизни билиб олайлик. Бугун биз билиб олишимиз керак бўлган ҳар бир Сўзга Сен бизни йўналтиришинг, бизга айтадиганларингни қабул қилишимиз учун Сен бизнинг оғзимиз, шунингдек юракларимизни ҳам монесиз очишинг ва барча нотўғри нарсаларга ёпишинг учун бизнинг фикрларимизга, юракларимизга Сенинг Муқаддас бошқарувингни сўраймиз; фақат Сен Худонинг Каломини оча олишингни биз биламиз.

<sup>3</sup> Энди эса, Раббим, модомики мен кўп ўтмай бу кичкина черковни қолдириб, дунёнинг бошқа тарафига жўнар эканман, мен уларни Сенга топшираман, улар эса менинг бир бўлагим, бир сўз билан айтганда, мен уларни жуда яхши кўраман. Ахир улар Сен учун Рухан ҳамда Ҳақиқат Каломи билан тўлганлар. Ва мен ўтинаман, Сен уларни дуо қилгин, Раббим, Масихнинг севги ришталари билан бирдамликда сақлагин.

<sup>4</sup> Бизнинг кадрдон севимли чўпонимизни дуо қилгин. Биз ёлворамиз, Сен уни Каломни Муқаддас Рухи ила мойлагин, улар учун очгин ва бу подани озиклантиргин.

<sup>5</sup> Ва бир куни, яқинда, Сен бу кичик черковни, Озуқа ғамлаш кераклигини ва шундай вақт келади буни барчаси керак бўлишини, ваҳийда кўрсатдинг. Сотманн ака ва Вудс ака бошқа жойга ўтишга тайёр бўлганларини кўрганимизда... Бироқ Сен: “Ўша вақт учун бу Озуқани шу ерда жамла”, — дединг. Раббим, мен Ҳурмат билан буни қилишга ҳаракат қилдим.

<sup>6</sup> Ва мана бугун эрталаб, мана шу дарсимизда, қайсики ҳақида биз ўйлаган эдик, Раббим, ёлвораман, ҳаммасининг охирида Сен — бу Худо, ва бу Сенинг Сўзинг ва Сенинг Ҳақиқатинг эканлигини кўрсатгин. Худойим, худди аввалгидек халқ Худованднинг марҳаматида озикланиб ўсиши ва ушбу кунда бу бизга юборилган Унинг буюк инояти эканлигини улар кўра олишлари учун бергин буни. Ота, шу ерда турганларни ва шу ерда бўлмоқчи бўлганларни дуо қилгин. Барча шон-шуҳрат Сенга бўлсин, Исо Номидан сўраймиз. Омин.

Энди Раббим истисносиз, барчангизни дуо қилсин.

<sup>7</sup> Фақат бошлашимиздан олдин, менимча, бу ерда бизда Коллинзларни чақалоғи бор. Бир неча дақиқа аввал мен отаси билан учрашдим, ва...ва у чақалоқни бағишламоқчи эди. Шундай экан, биз буни ҳозир қилишни истаймиз: бу кичкинтойни бағшида қилиш хизматини ўтказишимиз учун ё Коллинз Ака ёки Опа болани олдинга олиб келишсин.

<sup>8</sup> Биласизми, жўнаб кетаётганимда, бундан менга, албатта... Модомики улар — содиқ аъзолар ёки...Масих Танасининг... Эътибор беринг мен “черков”ни эмас, балки “Масих Танасини”, — дедим, шу ерда мана шу Танани, Унинг Танасини қисмини.

<sup>9</sup> Улар ҳозир ўз кичкинтойларини бағишламоқчилар. Лекин, менинг назаримда, чақалоқни ушлаб бунақа иш билан шуғулланишимга доим хотинимни ҳаваси келади. Ҳм-ҳм. Невилл ака, марҳамат, олдинга ўт.

<sup>10</sup> Ака, исминг нима? [Отаси айтаяпти: “Клайд”.—Таҳр.] Бу бизнинг азиз биродаримиз, ҳурматли Коллинз Вилбарнинг туғишган акаси Клайд Коллинз ака ва унинг аёли. Коллинзлар оиласида тўлишиш бўлганини кўриб турибман, бу бола ҳам жуда ёқимтой экан.

<sup>11</sup> У қанчалик Коллинз Опа? [Онаси айтаяпти: “Деярли тўрт ойлик”.—Таҳр.] Қарийб тўрт ойлик. Унинг исми нима? [“Марк Давид Коллинз”.] Марк Давид. Бу жуда яхши исмлар. Кичкинтой шунақа хушрўй. Бола анча йириккина деган ҳам бўлар эдим.

<sup>12</sup> Мен биламан, бунда оналар бу болани муносиб тақдирлай оладилар. Наҳотки чиройли эмас? Ҳм-м. [Бранхам ака Марк Давидни кўтариб йиғилишга кўрсатаяпти—Таҳр.] яхши, энди бошимизни эгамиз.

<sup>13</sup> Осмондаги Ота, бу ёш ота-она Парвардигор Худованд учун асраб-авайлашга уларнинг қўлига, уларнинг бу итифоқига берилган шу кичкина азиз одамча билан бу ерга келишибди. Улар ҳурмат билан бу кичкина Марк Давидни Қудратли Худовандга бағишламоқ мақсадида олиб келишяптилар, Қайсики У бу бебаҳо болани соғ-саломат, кучли қилиб Худонинг улуғворлигига тарбия қилиш учун уларнинг қарамоғига берди.

<sup>14</sup> Ё Раббим, ота-онани дуо қилгин. Уйингиздаги хум ҳеч қачон бўшамасин ва кўзача ҳеч қачон қуримасин. Раббий, оиланинг отаси соғ-саломат ва бу боланинг озуқасига ишлаб топишга қодир бўлсин; онаси соғлом бўлиб уни пишира оладиган ва уларни юраклари, Раббим, болани ўргатишга, уни Худонинг танбеҳларида тарбиялашга тайёр бўлсин.

15 Энди улар ўз қўлларидан бу азиз болани, митти Марк Давидни менинг қўлларимга бердилар. Шу боис мен бу черков руҳонийси билан биргаликда уни Сенга Исо Масих Исми ҳақи фидоий ҳаёт учун бағишлайман. Бергин буни, Раббим. Унинг ҳаётида улуғлангин. Унинг умри узоқ бўлсин, агар Сенинг иродангда бўлса Раббий Исонинг Келишигача яшасин. Агар шундай бўлса, унда у келажакда Раббий Худованднинг Мактубини етказсин. Бергин буни. Уни соғлигини ва бахтини асра ва унинг юраги доимо Худонинг олдида тўғри ишлар қилишга мойил бўлсин. Исо Масих Исми ҳақи бу гўдакни бағишлаб Сенга келтирамиз. Омин.

16 Худо сизларни дуо қилсин. Худо сени дуо қилсин, Коллинз Опа, бу ажойиб ўғилчани ҳам, сени ҳам, Коллинз Ака. Худо сизларга ёр бўлсин.

“Уларни келтиринг”, ҳамма биргаликда:

*Олиб кел, олиб кел,*

*Уларни тез Масихга келтир,*

*Олиб кел, олиб кел,*

*Бу кичкинтойларни Исога.*

17 Бу менга ёқади. Шайтонда имконият бўлишидан олдин уларни Исога келтиринглар. Уларни ҳаёти Исога хизмат қилиш учун тақдим этилган.

18 Ким билади, бугун Даухлар оиласи келганми, улардан бирор киши келганми ё йўқми? Даух Опа? Браун Ака шу ерданми, Браун Ака? Ха, мен хурсандман. Ва... Даух ака биз биланми ҳали ҳам? Жуда соз! [Том Браун Ака Уилльям Даух Акани аҳволи тўғрисида айтиб бераяпди—Таҳр.] даух ака бизларни тарк этишига сал қолди. Тушунаяпсизми, бизлар жуда кўп гапира олмаймиз, аниқроғи, жуда кўп сўрай олмаймиз, Худо уни яшайди деб айганидан ҳам мана йигирма бир йил ўтиб кетди. Яъни у Худо яшаш учун ажратган одатдаги ҳаёт ёшини яшаб бўлди.

19 Бир куни эрталаб бизга у...у ўлаяби деб қўнғироқ қилишди ва бизлар у ерга югуриб бордик. Ва Раббим унга ҳақиқатан меҳрибон, уни сақлаб қолди. Мен уни тайёр ва у Раббимизни Келишини кутаяпти холос, деб ўйлайман. Аммо, биласизми, бизлар бир-биримизни ушлаб турибмиз. Биз шунчаки... Бу қария мен учун бу ерда худди...худди отамдек.

20 Эсимда, уни қандай шу ерда эски чодирда ўтирганини, эски бинода қачонки у... Исо Масих Исмида сувда чўмдирилишга Нур порлаганида у дарҳол келди, тахминан саксон етти ё саксон саккиз ёшида ҳассаси билан бу ерга чиқди ва: “Мен ҳозирни ўзидаёқ бориб чўмдирилишни хоҳлайман”, — деди. Кимдир бориб унга кийим олиб келди. У кейинги сафаргача кута олмади, у айнан ўша вақтда, ўша пайтни ўзида боришни истади. Менга ҳам...менга бунақаси ёқади.

21 Яқинда у (мен у билан гаплашган эдим): “Бранхам ака, нима деб ўйлайсан, ҳозир менда ҳаммаси жойидами?”, — деди.

22 Мен: “Сиз бирор марта шифокорга кўринганмисиз?”, — дедим.

“Бўлмасам-чи”, — деди у.

23 Мен: “Шифокор қулоғига стереоскоп тақади ва юрагингизга қўйиб юрак урушингизни текширади, электрокардиограмма қилади; сўнг қон босимингизни ўлчайди, ҳар хил асбоб-ускуналар билан сизнинг жисмоний аҳволингизни текшириб, пешоб ва шунга ўхшашларни таҳлил қилади. У буни мана бундай қилади: у китобга қарайди, қаерда мутахассислар турли мавзуларга ёзганлар: ‘Агар бу нарса юз бераётган бўлса, демак ана бу жойида эмас’, — деб”, — дедим.

24 Ва мен дедим: “Менда эса фақат битта стереоскоп бор — бу Инжил (тушунаяпсизми?), жон учун”. Ва мен: “Ҳозир мен сизни текшираман”, — дедим. Мен дедим: “Юҳанно 5:24 да: ‘Менинг Сўзларимни тинглаган’, — деб айтилган”. Мен дедим: “Бу шунчаки ўтириб Уларни эшитиш эмас. Бу — қабул қилиш демакдир (тушунаяпсизми?), Уларни қабул қилиш, Уларга ишониш. Сизнинг ичингизда нимадир бу тўғрилигини айтади. Сиз Уларни қабул қилдингиз, сиз Уларга ишонасиз, Улар — сизники. ‘Тинглаган, — бу энди сизники, — Менинг Сўзларимни ва Мени Юборганга ишонган...’ Сиз бунга ишонасизми?”

У: “Ишонаман”, — деди.

25 Мен дедим: “Унда мен сизга Бош Шифокор нима деганини айтаман: ‘У ўлимдан Ҳаётга ўтди ва энди ҳукмга келмайди.’” Дедим: “Менингча сиз Китобларга кўра, кўриқдан ўтдингиз”.

26 Шундай кекса одам, қарийб юз ёшдаги — черковга умуман келмаган, бироқ унинг йўлида биринчи бор Нур порлаганидаёқ — у Буни қабул қилди. Бу тақдир этиб солинган уруғни кўраяпсизми? Аҳа. Худди шундай. Кўраяпсизми, унга Нур тушиши билан шу заҳоти Ҳаётга келади.

27 Хуллас, бугунги кун иссиқлигини биламан ва сизларни шунақа тикилинча ўтириш керак бўлган йиғилишга чақирганимдан менга озгина ноқулай. Аммо, Худонинг инояти билан кетишимдан олдин яна бир йиғилишни ўтказишга қарор қилдим, умид қиламанки, узоқ вақт эмас.

Ва эртага тунда чоршанбадан бошлаш учун Чикагога боришим керак. Агар иложи бўлса, у ерга эрта боришга ва бир қатор йиғилишларни бошлашдан олдин бироз дам олишга қарор қилдим. Менимча, бу уларда... [Бранхам ака эълонни қўлига олаяпти—Таҳр.] Мана, худди шу ерда буни кўрдим. У ерда бу эълон бор унинг номи Мэринго...[Кимдир: “Мэриголд”, — деди.]...деган жой, ҳа, Мэриголд, Мэриголд, ҳа, шундай жой...арена. улар Мэриголд аренасида чоршанба кечкурун бошланиб якшанбагача давом этади. Шунингдек тўлиқ инжил тадбиркорлари ҳам шанба эрталабга нонушта ташкиллаштирадilar. Фақат айнан қайси жойни улар эълон қилганини мен аниқ билмайман. Йўқ. Демак шанба кечкурун Лейн-Текда, мен бу эълонда кўраяпман.

<sup>29</sup> Хуллас, агар сиз ўша ерда ёки ўша жойга яқинроқ бўсангиз, биз ҳар доимги ўтказадиган оддий Хушхабар бўлади. Ваъзларнинг аксарияти, асосан, бу ерда илгари ўргатилган нарсалар ҳақида бўлади, чунки биз буни шу ерда кассеталарга ёзамиз, тушунаяпсизми. У ерда улар эътироз билдиришлари мумкин, аммо агар улар бу ерда чиқарилган ленталарни олсалар, умуман тинглашни хоҳлайдиларми ёки йўқ, бу уларга ҳавола. Улар айнан шу ердан чиқарилади. Бу ерда минбар ўзимизники.

<sup>30</sup> Шундай қилиб, мен улар билан одатда жуда чуқур бўлмаган нарсаларга тегинишга ҳаракат қиламан, чунки уларнинг аксарияти юз бераётган воқеаларни юзаки тушунишади... Аммо бу ерда, айнан шу ердан гапириш учун Худо юрагимга солган ҳамма нарса гапиришга ҳақлиман деб ўйлайман. Шунинг учун бизнинг барча ленталаримиз айнан шу ердан чиқарилади. Тушунаяпсизми? Ва ҳозир ана у хонада, хира ойна ортида одамларнинг бошларини кўриб турибсиз, ўша ерда улар магнитофонлар билан ўтирибдилар.

<sup>31</sup> Шунақа, агар сиз йиғилишга келишни хоҳласангизлар биз жуда-жуда хурсанд бўламиз. Фақат сиз агар у ерга келиб айнан қаерга боришни билмасангиз, унда сиз шунчаки тўлиқ Хушхабар аъзолари билан боғланган ёки...ёки Карлсон ака билан, ва у...у сизга айтади... Сизларга у ёки “Филадельфия” черкови, ёки улардан бирор киши айтиб юборади; улар ўша ерга қандай етиб боришни аниқ тушунтира оладилар.

<sup>32</sup> Ундан кейин мен душанба кечкурун қайтаман, кундузи ё кечга. Сешанба куни болаларни мактабга жўнатиш учун Аризонага қайтиб кетамиз. Ва ундан кейин, мен аниқ билмайман яна қачон қайтиб келамиз, чунки Раббим...У менга кейин нима қилишимни кўрсатишини хоҳлайман.

<sup>33</sup> Жуда ғалати воқеа содир бўлди. Мен бемалол... Мен биламан бу лентага ёзилмоқда ва буни лентага ёзилиши ҳеч халақит қилмас эди. Шунинг учун мен айнан Рухнинг бошқаруви ҳамда ваҳий пайдо бўлган пайтда айнан У ҳаракатланаётган фурсатни бой бермасликни истайман. Бу... Хуллас охирги йил...менимча бу йил (бу охирги йил) менинг бутун хизматимнинг содир бўлажак нарсалар ҳақидаги ваҳийларга энг бой бўлганларидан бири эди; ва биласизки, бу содир бўлишидан олдин башорат қилинган эди ва ҳаммаси худди айтилганидек амалга ошди.

<sup>34</sup> Шундай қилиб биз яна бу ерга келдик ва...кўришга.бу ерни об-ҳавоси менга умуман ёқмайди, чунки мен...шу ерга келишим билан оёқдан қоламан. Ва мен шунчаки... мен шу тепаликдан ўтиб, шу водийга тушсам ва шу ерда ўн дақиқа бўлсам бас — менда қичитқи, (об-ҳаво туфайли) кўнгил айниши, бош айланиши бошланади, ҳамма нарса ғамгин, қоронғу туюлади ва мени бу ердан кетишимга тўғри келади. Тушунаяпсизми? Шу кунларда хотиним билан гаплашдим...

<sup>35</sup> Лекин нима мени тортади...биринчидан, мени бу ерга айнан сизлар тортасизлар, тушунаяпсизми, бу черков. Сизларни ишонтириб айтаманки, умримда бўлган ҳамма жойлардан кўпроқ шу ерга келишни ва Хушхабарни ваъз қилишни яхши кўраман. Қарабсизки, бу ерда биз ленталарни бошқа жойлардан ўн баравар яхшироқ чиқара оламиз. Тушунаяпсизми? Кўраяпсиз, мана нима учун мен: “Худо қаерда бирон бир нарса қилса — ўшани ушлаб ол”, дейман. Аммо менимча, ҳамма гап шундаки, У мени биринчи марта чақирганида бу ердан кетишдан бош тортдим ва шунинг учун келганимда У мени бу ерда беҳаловат бўлишимга йўл қўймайди. Итоат этиш қурбонлик қилишдан яхшироқдир.

<sup>36</sup> Шундай қилиб, мен ҳар доим у ерга ва ортга қайтиб, чодирда ваъз қиламан. Ва бу шаҳардан бўлмаган одамларни, сизларни хабардор қилишади. Билли Поль шу ерда бўлади, офисни ўзида, ва...ва исталган вақтда у билан боғланишингиз мумкин. Ва биз бу ерга ўтказиш учун яна келамиз... Ва шунда биз, агар Раббимиз хоҳиши бўлса, дарҳол Етти Карнайларни бошлаб юборамиз, охирги Етти Бало ҳамда Косалар, ва ҳоказолар, агар бўладиган бўлса; балки об-ҳаво бироз салқинлашар, ёки яна қачондир, Раббимиз қандай бошқарса.

<sup>37</sup> Шундай қилиб, яқинда мен келганимдан кейин...нимадир ҳақида савол кўтарилган эди...кимдир менга чек берган тўғрисида, ва у ерда “шаҳсан сизга”, яъни, айнан менга ва фақат менга, “солик тўланган, текин” ва ҳоказолар ёзилган эди. Биз бордик энди ва, умуман олганда, бу чек менга кераклигини Билли билар эди ва мен...

38 У бориб ҳуқуқшунослардан бу чек бўйича нақд пул олиш бизга мумкинмилигини сўради. У деди: “Албатта, ахир у — Америка фуқароси. Нега нақд пул ололмайдими? (Кўраяпсизми?) Бу ерда ‘солиқ тўланган’ ва бошқалар ёзилган, ‘текин’. Ҳар қандай фуқаро буни қила олади”.

39 Бироқ бу уни (Биллини) қониқтирмади, шунинг учун у молия инспекторига мурожаат қилди. У: “Албатта, у нақд пул ола олади”, деди. Деди: “У — Қўшма Штатлар фуқароси”.

40 Хуллас, бу ҳам унга камлик қилди, шу сабабдан у Мерл Миллерга (у Индианополисда солиқ кўмитаси бошлиғи) қўнғироқ қилди, ва мана...Айс ва Миллер, улар бизнинг ишончли вакилларимиз. Шундай қилиб: “Шубҳасиз, ҳаммаси жойида. (Кўраяпсизми?) Албатта, у бу чекни олиши мумкин. Бу...бу унга деб ёзилган ‘фақат имзо қўйилади’.” Фақат мен унга имзо қўя оламан ва ҳоказо, ва унга бизнинг муҳримизни қўйиш мумкин эмас эди.

41 Тушунапсизми, мен ҳеч қанақа чек бўйича пул олмайман. Ўша сафар худди шу нарсада мени тутган эдилар. Кимдир менга йиғилишга бир даста чекларни олиб келди: “Мана, Бранхам ака”, дейди. Мен ўқийман: “Уилльям Бранхам, Уилльям Бранхам...” Ҳукумат эса доимо бу нарса билан шуғулланиб келган. Ва мен уларни ўзимга имзолаганман ва қарзларни тўлаганман, лекин шунга қарамай улар менга солиқдан уч юз минг доллар тўланмаган қарзим борлигини айтдилар. Шундай қилиб...шунда шов-шув ҳам мана шундан бошланиб кетди.

42 Шундай қилиб, мен бу чекларни топширишим билан, вой онажоним! Яна ўша агент келди ва: “Энди биз яна сенга иш очамиз”, деди. шунинг учун аҳвол кескинлашди.

43 Ли Вейл ака ҳам, мана шу ерда утирибди, (агар буни айтсам ҳеч нима қилмайди деб ўйлайман), биз шунчаки... У келди, ва бу ажойиб, ўқиб чиққан баптист... Яқинда мен уни Исо Масих Номи билан сув ҳавзасида сувга чўмдирдим — Ли Вейл акани. У ҳақиқатан ҳам ажойиб одам, Масихдаги биродар. У бизга бу ерда ваъзлар ҳам қилган ва олий маълумотли зиёли, шунингдек Рух бошчилигидаги одам. Унинг устига Нур тушганида у қочишга ҳаракат қилганини айтди, бироқ у буни удралай олмади, шунинг учун бир куни эрталаб мен уни шу ерни ўзида сувга чўмдирдим. Бошқа чидай олмади, шунинг учун биз бу ерга пастга тушдик, кийиндик ва сувга кирдик ва у Исо Масих Номига сувда имон келтирди.

44 У бундай Рухий озукани олгандан кейин балки энди жисмоний озукани устида бир оз суҳбатлашишга тўғри келади деб ўйладим. Шунинг учун биз “Зангори Чўчка” кафесига бориб ўтирдик ва ҳангомалашиб қолдик, савол туғилди: “Қандай қилиб одамларни сиз ҳақингизда шундай гапиришларига йўл қўясиз?”

45 Шундай қилиб, Вейл ака — мен билган энг ажойиб одамлардан бири, лекин, биласизми, мен уни доим “тепкини жуда тез босади” деганман. Шундай қилиб, у... Хуллас мен дедим... Умид қиламан, сен қарши эмассан, Вейл ака. Шундай қилиб, у... Мен дедим: “Дарҳол қизишма. Оғир бўл. Ахир Худо қилаяптику буни ҳаммасини”.

46 У: “Ҳа-а, балки бунақа қилиш сени қўлингдан келар, келаяпти ҳам”, — деди...у деди... Лекин, нима десам, у...у... Мен уни жуда ақлли деб ҳисоблайман, шунинг учун унга шунақа ақлли, интеллектуал одамлар учрайди; шундай қилиб у гапга кўмиб ташлай олади, улар эса бирон нарса дея олмай қоладилар. Бор гап шу.

47 Шунинг учун мен: “Вейл ака, кулоқ сол” — дедим. Мен: “Бир куни Довуд, уни ўз ўғли тахтдан туширганида кўзғолон вақтида тахтни тарк этди, Исроил бўлинди ва Довудни тахтдан ўзини ўғли туширди, ва у шаҳардан чиқиб кета туриб йиғлади. Ва бир одам, кимгаки, билсанг, унинг охир замон мактуби ёқмас эди, унга буни фарқи йўқ эди; шунақа қари чол, чўлок, ўша ердан ўта туриб уни устидан кулар эди, ва Довудга тупураар эди. Соқчи эса қиличини қўлига олиб: ‘Наҳотки менинг шоҳимга тупураётган бу кўшпақни бошидан жудо қилмайман?’, деди. Довуд деди: ‘Кўявер уни, буни Раббим қил деди унга’. (Кўраяпсизми?) Унга тупуришни буюрди, унинг устидан кулишни, сўнг эса унга тупуришни?! Деди: ‘Раббим буни қил деди’.” Хуллас биз биламиз нима билан туганини бу воқеани. Вейл акани фикрича, бунақа бўлиш учун ўта раҳмдил бўлиш керак экан.

48 Шундай қилиб, биз қайтишга ва офисга киришга улгурмай, Билли Полга молия инспектори қўнғироқ қилди ва унга бу ҳақида айтиб берди. Шундай қилиб, Вейл ака мен билан уйга кирди. Уйга кирганимда мен хотинимга дедим (кеч тушган эди чоғи)... Биз хонага кирдик. Мен унга: “Мен сенга бир нарсани айтмоқчиман, азизам”, — дедим.

49 Айни чиқиб кетишимдан олдин гаплашган эдик. У деди: “Билл, мен сени Раббим у ерга жўнатганини биламан; биз ҳаммамиз буни биламиз, лекин У сени яна қайтишингни айтмаган”. У деди: “Мана нимадан мен хавотирдаман”, — деди.

50 Мен унга: “Бу сен ва болалар учун деб ўйлайман. Менга фарқи йўқ. Агар Раббим йўл қўйса қаерга бормай, мен ҳамма жойда Унга хизмат қиламан”, — дедим. Шунда мен орқага юрдим...ва шундай дедим унга. Мен шунчаки бурилиб шляпамни қўйдим.

51 Шунда кимдир нимадир деди: “Ох, бу солиқ йиғувчи! Ох, мен уни борку...” Қандайдир мана шунақа қизишди.

52 Вейл акага айтганларимни ўйламай туриб, мен: “Тинч қўй уни. Балки буни қилишни унга Раббий айтгандир”, — дедим.

53 Мен буни айтишга улгурмаган эдим ҳамки, деворда Нур порлади ва унга ёзди (у ерда Вейл ака ва хотиним ўтирган эди): “Аризонага қайт”. Деворга ҳарфлар билан: “Аризонага қайт”, деб ёзди. Рост. Шундай қилиб, мен ортга, омин, Аризонага қайтаяпман.

54 Шунақа, шу ҳафта дуоларга бой бўлди. Шу ҳафта бизда Етти Муҳрлардан бери кутаётган одамлар билан шахсий суҳбатлар бўлди. Ва шубҳам йўқки, баъзиларни, албатта, бутун мамлакат бўйлаб бошқа шаҳарлардан таклиф қилдик. Лекин ўша тонг, суҳбат бошланишидан олдин, хонада ўтирганимда Муқаддас Рух менга одамлар билган ҳамма нарсани, нимани сўрамоқчи бўлганини; саволларни улар истаган кетма-кетликда қўйишимга, ва уларнинг тушлари ҳамда таъбирини улар менга ўзлари айтиб беришидан олдин ҳаммасини аниқ қилиб ёзишимни кўрсатди.

55 Шундай қилиб, одамлар бу ерда хонада ўтиришибди, у ерда. Мен ҳам дарҳол уларга сўз бераман. Улар: “Бранхам ака, мен ана бу учун келдим”, — дейдилар.

56 Мен дедим: “Унутманглар, биз бу ерга ҳангома учун йиғилмадик. Биз бу ерга бир-биримиз билан суҳбатлашиш учун келмадик. Сизнинг фикрингизда, юрагингизда сизга дуч келган савол бор ва сиз у нима эканини билмайсиз. Шу боис, эҳтимол, мен Худони ёрдами билан унга жавоб бера оларман”.

57 Мен дедим: “Эсингиздами, жануб маликасида ҳам, Сулаймонга келганида, саволлари бор эди. Ва Каломда Сулаймон унга жавоб бера олмайдиган биронта очилмаган ёки яширин қолган ҳеч нима бўлмаган эди деб айтилган”. Ва мен дедим: “Бу ерда Сулаймондан ҳам буюкроғи турибди. (Тушунапсизми? Бу шундай.) Раббий Исо ваъда қилган: ‘Қаерда Менинг Номим билан икки ёки уч киши йиғилса, Мен ҳам ўша ерда улар орасидаман. (Кўраяпсизми?) Ва нимаики ўйласалар ёки истасалар, ва сўрасалар, уларга берилади’. Ва энди сизларда билмаганларингиз тўғрисида савол бор; шундай бир нарсаки, сиз унга қандай ёндашишни билмайсиз; у билан қандай иш тутишни ҳам билмайсиз”.

58 Ва мен дедим: “Яна Каломда айтилган, ‘Ундан кўрққанларни атрофини Худованднинг Ғаришталари қуршаб олади’. Хуллас, бу бешта туйғумиз кўрсатмайдиган бошқа оламда...”

59 Бешта сезгимиз фақат шу дунё билан алоқага эга. Агар сизда сезги туйғуси бўлмаганида, сиз ҳеч нимани сеза олмаган бўлардингиз. Сезги туйғуси сиз учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган бўларди ва дунё бошқача бўлар эди. Агар сизни кўриш қобилиятингиз бўлмаганида, сиз кўриб турган ҳамма нарса бошқа дунё бўлар эди, сиз бу ҳақида ҳеч нима билмаган бўлар эдингиз. Шунинг учун Худо бизга фақат шу бешта туйғуга имкон берди.

60 Шундай қилиб, яна бири бор [туйғу — Тарж.], имон деб номланувчи. Лекин имон орқали норвондан кўтариласан ва, ниҳоят, шунақа баланд кўтариласанки, ваҳий деб номланувчи дунёга ёриб кирасан. У ерда сен кўра оласан.

61 Худди бир сиз сезги туйғуси билан айнан нимани сезишингиз мумкинлигини ҳеч қачон билмаганингиздек, буни ҳеч қачон кўрмаганингиздек, кейин эса кўзларингиз очилганда ва сиз буни кўра олганингиздагидек. Бу у учун сир бўлар эди, ваҳоланки, бу шундай.

62 Ва бу ерда Раббим... Биз бу ердаги ҳар тарафдан — шимол, жануб, ғарбдан — бутун мамлакат бўйлаб мана шу суҳбат учун ушбу жойга келган одамлар билан бирга бўлишимиздан олдин... Ва улар ўз гапларини айтиб бўлишлари билан (улар бермоқчи бўлган айнан ўша саволлар, нимаики сўрамоқчи бўлган бўлса, ҳаммасини), мен: “Бунга қаранг”, — деб барча саволлар айнан улар берган тартибда...бермоқчи бўлган кетма-кетликда ёзиб қўйилганини, жавоблар ҳам, саволларга қандай жавоб берилган бўлса худди ўшандай ёзилган қоғоз парчасини кўтариб кўрсатардим. Раббий буюк. У ҳаммасини билади. Бироқ мени ўзимга келишим учун уч кун керак бўлди — бундай шунақа толиқиш бўлади. Ва мана, шундай бўлсада, буни кетишимиздан олдин қилишга қарор қилдим.

63 Ва ҳар бир одамга ўзига хос муомала мавжуд. Хуллас, шунақа деса ҳам бўлади...

64 Агарда одамлар бу ерда билганларида эди қанақа юрак сирлари ошкор бўлганини, унда бу бутунлай... Бу жуда ҳам даҳшатли бўлар, бу жинойтларга сабаб бўлар, бу нарса учун бири бошқа бирини отиб ташлаган ёки яна бошқа бир нарсалар бўлар эди, агарда буларни ҳаммаси шу ерни ўзида, минбарда, одамлар олдида...одамлар орасида мана шунақа аён бўлганида. Бу нарса қамоқ жазосига элтувчи жинойтлар ва бошқа нарсаларни келтириб чиқарар эди...

65 Лекин сиз мана шундай бирга ўтирганингизда, Муқаддас Рух...фақат икки киши. Аммо биз тушунамизки, улар менга ўта шахсий саволларини берганлар. Мен бу ҳақида ҳеч нима демайман. Ва уларга айтадиганларимни қилиб, бориб бу ҳақида айтадиларми ёки йўқ, бу уларни иши.

Тушунаяпсизми? Бироқ бу нарса бизни ўртамаздаги суҳбатда аён бўлади. Яъни битта-биттада одам таклиф қиламиз ва ҳаммаси Муқаддас Рух билан тўлиқ ҳал бўлмагунича у ерда ўтираемиз.

<sup>66</sup> Ундан кейин, қаранг-а, қанақанги иноят — Муқаддас Рух менга ҳар бири ҳақида (улар каттагина навбат эди) уларнинг келишидан олдин ҳаммасини айтиб берган эди: бутун мамлакатдан одамлар келишди, мен уларни ҳаётда сира кўрмаганман. Ва ҳаммасини ёзиб олдим, улар буни билишлари учун, саволларни айнан уларга жавоб бериладиган тартибида ёзиб олдим.

<sup>67</sup> Бир биродаримизда илон уруғи тўғрисида саволи бор эди, унга мен тўлиқ жавоб беришга улгурмаган эдим, чунки уларнинг ярим соати ўтиб бўлди. Умид қиламанки, у аллақачон уларга қоғозда жавоб олган. Мен... У саволларини ёзган эди ва у барча саволларига жавоб олмади, шунинг учун мен шунчаки қоғозда ёзма жавоб бердим. Агар уни олмаган бўлса, улар Билли Полда. Мен биламан у киши шу ерда ўтирибди, бир неча муддат олдин кўзим тушганди унга. Шундай қилиб агар у...агар у уларни топмоқчи бўлса, улар қоғоз варағига ёзилган — сенинг саволларинга жавоблар.

<sup>68</sup> Хуллас, о-о, биласизми, Раббий шундай меҳрибон. Умид қиламанки, ҳамма ўзини яхши ҳис қилапти. Аҳа.

<sup>69</sup> Шундай қилиб, келинлар эслаймиз (ҳозир мен мана бу рўмоллар учун ибодат қилганимда), Даух акани унутмаймиз. У қадрдон акамиз ва уни ҳам ибодатда эслашни хоҳлардим.

<sup>70</sup> Ва мен Ангрен акани кўраяпман, лекин Ангрен опани ҳеч қаерда кўрмаяпман, ҳаммаси яхшими у киши билан. Ҳа, мана унинг ёнгинасида ўтирган экан. Албатта. Ҳа. Мен хурсандман. Чунки бизга яқинда қўнғироқ қилиб... Опамиз ва уни қизи билан бахтсиз ҳодиса юз берди... Эслай олмаяпман... Даунин, Даунин. Йўлга югуриб чиққанлар, ва агарда Худони меҳрибонлиги бўлмаганда, уларнинг иккисини ҳам ўша ерни ўзида босиб кетар эди. Ва мана улар черковга келдилар — поездга ўтириб келдилар.

<sup>71</sup> Мен сизларни ҳаммангизни ҳеч қачон унутмайман. Мен сизларни яхши кўраман. Худо буни билади. Тушунаяпсизми? Мен сизларни яхши кўраман. Шунақа сирпанчиқ вақтда, бунақа об-ҳавода бутун мамлакатни кезиб!

<sup>72</sup> Бу ердаги баъзи бир Жоржия ва Алабамадан, турли жойлардан, Теннисидан, ҳар тарафдан келган акаларни кўрганимда, қандай улар ўз машиналарида музлаган йўллардан бу ерга ва отрга, битта йиғилиш учун, йўл босадилар.

<sup>73</sup> Яқинда менга Даух акага оид шошилишч қўнғироқ қилганларида, мен Огайо штатининг Лайма деган жойи шунчалик узоқдалигини билмаган эдим. Шунчаки... Мен у ер жуда яқин деб ўйлаган эдим. Аммо мен ўйлагандек бўлиб чиқмади: ўша куни эрталаб мен бу ердан жуда вақтли йўлга чиқдим ва соат бирга етиб бора олдим; йўл белгилари қанчагача руҳсат берган бўлса шуларнинг ҳаммасига юрдим... ундан ташқари йўл икки тарафлама эди. Ва мен ўйлаб қоламан — ахир бу бошқалар келадиган узоқ жанубдан яқинку; улар келадиган узоқ шимол ва ғарбдан.

<sup>74</sup> Мен сизларни яхши кўраман ва шунинг учун мен бу ерда иложи борича самимий бўлишга ҳаракат қиламан.

<sup>75</sup> Ва кекса қариялар! Мен ҳозир у ерда охирида ўтирган Крич ака ва бошқаларни ва яна бутун йиллар давомида мен билан бўлганларни кўриб турибман, ва биз қандай биргаликда улғайдик. Бир икки кун олдин менимча, Мери Жоуни суратига кўзим тушганди. Биз биринчи марта учрашганимизда у миттигина эди, энди эса, менимча у турмушга чиққан ва болалари бор. Крич ака ва Крич опа ёш, сочлари қора эдилар, Меда иккимиз ҳам, энди эса бизни сочларимиз оқариб букчайганмиз. Кўраяпсизми, бундай одамларда қандайдир бир нарса борки у сени ўзига тортаверади. Тушунаяпсизми, улар билан...улар билан бирга бўлгинг келади. Тушунаяпсизми? Уларни олдиларида негадир доимо ўтган кунлар ҳақидаги хотиралар ёдингга тушаверади. Мен шунчаки уларни бу ердаги ёш ва қарияларга намуна қилиб кўрсатаяпман. Биз сабрсизлик билан Раббийни Келишини кутаяпмиз.

<sup>76</sup> Шундай қилиб, бугун эрталаб мен... қўйдим... ишонаман, Худо бугун эрталаб бу ерда якшанба мактаби дарсини беришни юрагимга солди (агар Худо йўл берса), у кўп вақтни олади. Мен ҳаракат... Ва мен... Чунки қандайдир вақтга бу менинг сўнги хизматим бўлади, мени билишимча...

<sup>77</sup> Ва мен сизларни бу ерда Невилл ака Муқаддас Рух бошчилигида бу черковда бу чодирга жавобгар бўлиб қолаётганини унутмасликларингизни хоҳлардим; у бу ерда қолапти, ва у бу Мактубга ишонади ва Унга худди мен каби ўргатади. Тўғри. Ва ҳар қандай вақтда, истаган пайтингиз сиз Невилл акани келиб эшитсангиз, аминманки, албатта бу сизга фойдага бўлади. У — Масиҳнинг буюк хизматкори.

<sup>78</sup> Мен Орман Невиллни болалигидан бери биламан, ва у заррача ҳам ўзгаргани йўқ, фақат янада кўпроқ Худога яқинлашди. Мен биринчи марта уни қандай кўрганим ёдимда... мени унинг методистлар платформасига таклиф қилишганди. Ва бу ерга чодирга қайганимда: “Бир кун келиб мен уни Исо Масиҳ Номига сувда чўндираман” дедим. Ва мана у ҳозир шу ерда, Мактуб билан, олдинлаб кетаяпти, ҳақиқий жасур хизматчи.

79 Ва Невилл ака кучли босим ва азобни бошдан кечирмоқда, бу ерда, чодирда у буни билдирмайди. Лекин Раббим менга одамлар ҳаётига озроқ қарашимга йўл бераётгани туфайли у нималарни бошидан кечириётганини мен биламан, тушунаёпсизми, кўп нарсани бошдан кечирмоқда. Ва у катта юк, босимга ва бошқаларга дуч келмоқда, албатта. Ва сизлар, шу ерликлар, Нун ўғли Ёшуа ва Ҳолиб Мусо Каломни олиб бораётганда унинг қўлларини ушлаб турганлари каби, унга ёрдам беринглар.

80 Энг муҳими, бир-бирингизни севинглар. Бир-бирингизни яхши кўринглар. Иблисни нималар деяётганини аҳамияти йўқ, энди сизларнинг барингиз — бир катта қимматли гуруҳсиз. Бироқ менинг огоҳлантиришимни ёдингизда тутинг (тушунаёпсизми?): иблис ҳаммаси шундай қолаверишига йўл қўймайди. Асло! Агарда унга нишон бўла оладиган бирор кишини олиб кела олса, у ҳамма нарсани отиб ташлайди. Тушунаёпсизми? У ишонмаган ёки қандайдир бир танқидчини олиб келади, ўтқизади ва унга сиз билан тинч ва шунга ўхшаш мулоқот қилишга қўйиб беради, сўнгра уни бирор заҳарли нарса билан зарарлайди, ва у бутун черков бўйлаб буни тарқата бошлайди. Бу тараф бўлманглар. Бирор-бир бошқа нарса билан ҳеч қанақа умумийлигингиз бўлмасин. Бир-бирингизга меҳрибон, ёқимли ва севимли бўлинглар. [Бранхам ака минбарни икки марта тақиллатди—Таҳр.] Ўша эркак учун ибодат қилинлар, токи у ҳам қутқарилишга эга бўлсин, ёки аёл учун, ёки ким бўлишидан қатъий назар, улар учун ибодат қилинлар. Бир-бирингиз учун туринглар.

81 Ўз чўпонингиз билан биргаликда туринг. Тушунаёпсизми, у — чўпон ва унга ҳурмат кўрсатинглар. У сизларни олдинга етаклайди ва... чунки у бунга Худо томонидан қўйилган.

82 Унутмайсизларми? [Йиғилиш: “Омин” деди.—Таҳр.] Душман келади. Ва у келганида, шунчаки кучингиз борича бирлашинглар. Ва ўша шайтон душман қилиб ишлатган ё чиқади, ё киради ва сизлардан бирингизга айланади. Ана шу холос.

83 Ҳеч қачон ўзаро тўдалар тузманглар... ёки тўдаларингизда бирлашиб тил бириктирманглар. Биз — биттамыз. Мен: “Чап қўл, мен сендан хафаман, сен менга керак эмассан, чунки сен ўнг қўл эмассан”, деб айта олмайман. Бу менинг чап қўлим. Мен уни қаерда бўлса ўша жойида бўлишини хоҳлайман. Ҳатто бармоғимни учи ҳам жойида туришини хоҳлайман, танамни ҳам бир бўлакчаси ўз жойида қолишини хоҳлайман. Худованд ҳам бизни имонлилардан ташкил топган “тана” каби бир-биримиздан маҳкам ушлаб олишимизни хоҳлайди, айнан бир-биримиздан.

84 Шундай қилиб, бу ҳақида сизларда ленталар бор. Сизларда бизлар ишонган нарсалар тўғрисидаги ленталар бор. Сизларда черковдаги тартиб интизом, Худонинг черковида ўзимизни қандай тутаётганимиз, биз бу ерда қандай йиғилишимиз керак ва самовий жойларда биргаликда ўтиришимиз ҳақидаги кассета тасмаларингиз бор. Уйингизда қолманг. Агар Худо сизнинг юрагингизда бўлса, унда сиз бу ерга кириш ва биродарларингиз билан мулоқотда бўлиш учун ана у эшикларни очилишини сабрсизлик билан кутасиз. Агар сизда бўлмаса... сизда бунақа истак бўлмаса, унда сизларни ишонтириб айтаманки: сиз ибодатга туришингиз керак.

85 Чунки биз охири кунларда яшайпмиз, қачонки Калом “биз ўша кунни яқинлашаётганини кўриб турганимизда” бир-биримизни Масихни севгиси ва Илоҳий муҳаббат ила яхши кўришимизни, биргаликда Самовий жойларда ва... ва Исо Масихда йиғилишимизни ҳамда бир-биримизни севишимизни бизга янада кўпроқ хабар қилмоқда... насиҳат қилмоқда. “Бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлганингизда — Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма мана шундан билади”. Бу аниқ. Биргаликда туринглар.

86 Агар бирор ака ёки опа биров хато қилаяпти де ўйласанг: “Раббий, менда аламнинг ҳатто томири отишига йўл қўймагин, бу уни ранжитмасин ва менинг ҳаётимдан Масихни олиб ташламасин”, — дегин. Бу адоватнинг, ҳасад ва нафратнинг заҳарли кислотаси, у шундайгина сиздан Муқаддас Рухни қувиб юборади. У Уни бу ердан, чодирдан ҳайдайди. У Худонинг Рухини бўғиб қўяди ёки Уни бу ердан нарига ҳайдаб юборади, сизнинг чўпонингизга жабр қилади. У ҳамма нарса қилади. Тушунаёпсизми? Асло бунақа қилманг.

87 Шунчаки янада кучлироқ жипслашинглар. Тортинглар... Белбоғни олинглар, бу ерда бир ака, хизматдаги ака ваҳийда кўрган белбоғ ҳақида гувоҳлик берганидай. Шунчаки... Бу иплар Худонинг қурол-аслаҳалари: шунчаки ўзингизга кийиб, тортинг, бир-бирингизга яқинлашинглар. Нима бўлганида ҳам бир-бирингизни севингиз! Бир-бирингиз ҳақида ёқимли нарсаларни гапиринг, бир-бирингиз тўғрисида яхши нарсаларни сўзлаб беринг ва шунда Худо сизни дуо қилади.

88 Шундай қилиб, бугун эрталаб, агар Раббийнинг иродаси бўлса, Унинг кўмаги ва марҳамати ила, менда бу ерда етарли даражадаги кўп саволларим... тўғрироғи, Ёзудан жойлар бор. Ва энди, Уни бошлашдан олдин... У ерда магнитофонлар шақиллагандай бўлди менга. Энди Худонинг марҳамати билан Мактубга киришамиз.

Келинлар аввал ибодат қиламиз.

<sup>89</sup> Раббим Исо, мана мен шу Черков танасига улар биргаликда Худонинг садоқатли қўлидан, ўзларининг Абсолюти (бўлган) — Сўздан ушлаб туришлари учун гапираяпман; Павел ўз одамларини, уларнинг орасига “бўрилар киради”, — деб огоҳлантиргани каби мен ҳам уларни огоҳлантираяпман. Бугун Сен, ўшанда қандай бўлган бўлсанг, худди шундай Худосан, ва бу душман ҳам худди ўшандагидайди. Исо Масихдаги бу мулоқот ва севги ришталари шу одамлар орасида доимо бўлсин.

<sup>90</sup> Бу эрталаб, Раббим, Сўзни ўқиган пайтимизда бизга ёрдам бер. Уларни (муқаддас инсонларни) сақлаб қолиш учун “бир вақтлар муқаддасларга берилган Имон”да Черков тўлиқ тасдиқланиши учун Муқаддас Рух Уни бизларга очсин. Икки йил аввал Сен кўрсатган ваҳийда, “Озуқани ғамла”, — дея, яхши, кўринишидан фойдали сабзавотларни кўрсатган эдинг; мен ваҳийда уларни шу чодирда, шу ерда қандай йиғилганини кўрдим. Мана шу, биз яшаётган соатда, Исо Масих бизга тўлиқ очилиши учун, бугун бизга уларни бутун бочкаси билан (бергин буни, Раббим), ёки тўлиқ кассетасини олишимиз учун рухсат бергин; бизлар олдинда турган ишни бажаришимиз учун рухан бақувват, барқарор бўлишимизга куч бериши учун. Ота, буни ато эт.

<sup>91</sup> Уларни, Ўз болаларингни дуо қил. Бугун эрталаб улар бу ерга мамлакатнинг кўп турли томонларидан келганлар. Эрталабдан иссиқ ва нам, бироқ, шундай бўлсада, бизлар Муқаддас Рухнинг шу ерда Ҳозир бўлиб турганини сезиб турибмиз.

<sup>92</sup> Биз Жон Веслейни, Кальвинни, Сенкини, Финни ва бошқа кўпларни эслаймиз, ўшанда одамлар залда ҳатто электршамоллатгичларсиз ўтирганлар, ва юзларидан терлари оққан. Яхши, чиройли кийинган аёллар аудиторияда ўтирар ва шунақа терлаганларидан кийимлари хўл бўлиб кетар — жонларини озиқлантирган Худо Каломини тинглашар эдилар. Раббим, ҳозир улар Раббийни Келишини кутиб, ўша ерда, қаердадир, осойишта эканликларини англамоқдамиз.

<sup>93</sup> Ота, ҳаммамизни бирга асрагин. Муқаддас Рух бизни етакласин ва йўналтирсин. Сенга хизмат қилишда бизга узоқ умр бергин. Бугун эрталаб бизларга Сенинг Каломингдан ҳар биримизни юрагимизга тегиши учун, кутаётган бу буюк Мактубингни бергин. Гапирадиган оғизлар, Раббим, Ҳақиқатни гапирсин. Эшитаётган юраклар Ҳақиқатни қабул қилиш учун серҳосил бўлсин, ва барча одамзот томонидан ўқиладиган мактублар ва порлаб турувчи нур бўлишлари учун улар ўсиб, Абадий Ҳаётнинг буюк дарахтлари бўлсинлар; токи, улар Исо Масих ўликлардан тирилган ва орамизда яшаётганини билсинлар. Бизларни меҳр-муҳаббат ва Рухнинг мевалари билан шунчалик тўлдиргинки, бошқа эркаклар, аёллар, йигитлар ва қизлар ўша буюк воқеадан кейин икки минг йил ўтиб ҳам бизларда яшаётган Масих Ҳаётининг натижаларини кўрсинлар. Ўз шон-шуҳратинг учун бергин буни, Ота. Биз буни Исо Масих Номидан сўраймиз. Омин.

<sup>94</sup> Энди мен Ёзувлардан ўқимоқчиман. Ва мен умид қиламан, сизлар қоғоз ва қаламларингиз ва бошқаларни тайёрлагансизлар.

<sup>95</sup> Невилл ака, сен ўрнингдан турма. Мен костюмимни ечмоқчиман холос, агар мен... [Невилл ака: “Тўғри”, — деди.—Таҳр.] Бу... Костюмимни ечганим учун узр сўрайман, лекин бу ерда... бу ерда жуда иссиқ.

<sup>96</sup> Энди мен сизларни Колосияликларга юборилган Мактубни очишингизни хоҳлайман, Колосияликларга 1-боб. Ва биз буни ...бошлаб ўқиб бўлганимизда... Уйга келиб, Колосияликларга юборилган бу Мактубни бобини тўлиқ ўқиб чиқишингизни хоҳлайман. Лекин бу эрталаб мен билан 15-оятдан 28-гача (28-оятни ҳам) ўқишларингизни хоҳлайман.

<sup>97</sup> Энди эса фақат сабр-тоқат қилинглар, чунки мен сезиб турибман, шу ерда, агар Худо менга ёрдам берса, айнан шуни, мен чодир ташкил топганганидан бери гапирган барча нарсалар ҳақида сизларга очади ва эслатади: мен нима деган бўлсам, нима учун гапирганман, ва нима қилган бўлсам, нима учун қилганман. Мана нега.

<sup>98</sup> Энди 15-оятдан:

*Кўринмас Худонинг сурати Масихдир,  
У бутун борлиқнинг тўнғичидир\*.  
Худо бутун борлиқни Масих орқали яратган.  
Еру кўкдаги бор мавжудот,  
Кўринадиган ва кўринмайдиган ҳар бир нарса,  
Ғайритабиий кучлар, тахту салтанатлар,  
Буларнинг ҳаммаси Масих орқали,  
Унинг Ўзи учун яратилгандир.  
Масих бутун борлиқдан олдин мавжуд эди,  
Бутун борлиқ У туфайли мустаҳкам турибди.  
Масих жамоатнинг бошидир,  
Жамоат Масихнинг танасидир.*



*Ҳамма нарсанинг ибтидоси Масиҳдир,  
У ҳаммадан устун бўлиши учун  
Биринчи бўлиб ўликдан тирилтирилган.*

*Худо Ўз комиллигини*

*Исода жо қилишни маъқул кўрди.*

<sup>99</sup> Шу 19-оятни яна таъкидлаб ўтишга рухсат беринг:

*Худо Ўз комиллигини*

*Исода жо қилишни маъқул кўрди.*

*Еру кўкдаги борлиқ мавжудотни*

*Масиҳ орқали Худо Ўзи билан яраштириб,*

*Масиҳнинг хочда тўкилган қони орқали*

*Улар билан тинчлик ўрнатди.*

*Қаранг, кимга тегишли эди бу яраштириш.*

*Сизлар ҳам бир вақтлар Худога душман эдингизлар. Фикру зикрингиз Худодан узоқ бўлиб, ёмон ишлар қилардингизлар.*

*Масиҳнинг жисмоний танадаги ўлими орқали Худо сизларни Ўзи билан яраштирди. Энди сизлар*

*Худонинг олдида муқаддас, бенуқсон ва айбсиз турасизлар.*

*Шундай экан, ҳеч иккиланмай, имонингизда маҳкам туришингиз керак. Сизлар Хушхабарни эшитиб, умидга эга бўлдингиз. Ўша умидингизни йўқотманг. Бу Хушхабар ер юзидаги бутун жонзотга эълон қилинди. Мен — Павлус ўша Хушхабарнинг хизматчисиман.*

*Мен сизлар учун азоб чекаётганимдан хурсандман. Ахир, мен Масиҳ танаси, яъни жамоат учун азоб чекапман. Шундай қилиб, менинг азобларим Масиҳ чеккан азобларга қўшилади.*

*Худонинг хабарини сизларга тўлиқ эълон қилишим учун У мени жамоатнинг хизматчиси қилиб тайинлади.*

*Бу Хушхабар асрлару наслар давомида сир тутилган эди, энди эса у Худонинг азизларига ошкор қилинди.*

<sup>100</sup> Бу оятни ҳам яна бир бор ўқимоқчиман.

*Бу Хушхабар асрлару наслар давомида сир тутилган эди, энди эса у Худонинг азизларига ошкор қилинди.*

*Худо барча халқлар ҳам Масиҳ орқали бой улугворликка етишишларини ҳаммамизга кўрсатишни истади. Бу сирнинг моҳияти шудир: Масиҳ, яъни улугворликка етишиши умиди сизларнинг орангиздадир.*

*Ҳар бирингиз Масиҳ танасининг етук аъзоси сифатида Худонинг олдида туришингизни истаймиз.*

*Шунинг учун биз ҳаммани огоҳлантириб, донолик билан таълим бериб, Масиҳ ҳақида ўргатаямиз.*

*Мен ҳам ана шу мақсадда жон–жаҳдим билан хизмат қилар эканман, менга кучли таъсир қилаётган Масиҳнинг қудратига суянаман.*

<sup>101</sup> Энди мавзу сифатида... мен мавзу сифатида шу ердан олмоқчиман, уни бутун Каломга асослаган ҳолда, бироқ мен уни: “Масиҳ — Худонинг очилган сири”, — дея номламоқчиман. Масиҳ Худонинг чилган сиридир. Шундай қилиб, бизлар ҳаммамиз бираликда ўқиб, биргаликда бу мулоқотга эга бўлишимиз учун мен буни якшанба мактаби дарси тартибида тақсимладим.

<sup>102</sup> Шундай қилиб, Худонинг дунё яратилишидан ҳам олдин яширин бўлган сири бор эди. Хуллас, Худо фикрининг тубида У истаган ва амалга оширмакчи бўлган бир нарса бор эди, ва бунда Унинг мақсади бор эди — Ўз Ўзини ифодалаш. Чунки, биринчидан, ўшанда ҳатто ой ҳам, юлдузлар ҳам, атом ҳам, молекула ҳам бўлмаган эди, ҳеч нима — У Худо эди. Бироқ ўша пайтда У унчалик Худо эмас эди, чунки “Худо” — бу топиниш, сажда қилиш объекти, ўшанда эса Унга сажда қила оладиган ҳеч нима бўлмаган эди.

<sup>103</sup> Шундай қилиб, Унинг буюк онгида бу атрибутларни (хусусиятларни) ифодалаш нияти бор эди. Унда севги бор эди, Унда Ота бўлиш нияти бор эди, Унда Ўғил бўлиш нияти бор эди, Унда Қутқарувчи бўлиш нияти бор эди, Унда Шифоловчи бўлиш истаги бор эди. Ва мана шу биз ифодаланганини кўриб турган бу буюк хусусиятлар Худода бўлган.

<sup>104</sup> Хуллас, менимча, ҳамма нарсадан олдин У Фаришталарни яратган. Шунда улар Унга сажда қила бошладилар, ва шу аснода У Худо бўлди. Ва олдинги Мактубларда буни мен тушунтиришга уринганимдай, мана шундан У буни фарқлай бошлади. Ва бу Фаришталар Унга сажда қилишни бошлаганларида ерда ҳатто молекулалар мавжуд бўлмаган эди. Ўшанда ҳеч нима бўлмаган эди. Фақат биргина зулмат ҳукм суларди. На қуёш, на ой, на юлдузлар — ҳеч нарса бўлмаган эди; ўшанда У Худо эди. У Аюбдан: “Мен заминнинг пойдеворини қўйганимда сен қаерда эдинг (кўраяпсизми?), тонг юлдузлари жўр бўлиб қуйлаганида, Илохий зотлар қувончдан ҳайқирганида, қаерда эдинг?”

(Кўраяпсизми?) Қаерда эдинг ахир?”, — деб сўрагани каби. Кўраяпсизми? Бу ҳали ерни яратилишидан анча олдин бўлган эди.

<sup>105</sup> Демак, Худовандда мақсад ва яширин сир бор эди. Ва айнан шу ҳақида Черковга гапирмоқчиман — дунёнинг ҳали бошланишидан олдин Унинг фикрида бўлган Худонинг яширин сири ҳақида ва у қандай қилиб мана шу биз яшаб турган соатгача очилиб келгани тўғрисида. Тушунаяпсизми? Мен ўйлайман, шунда сизлар нима содир бўлаётганини аниқ тушунапсизлар (шундайми?).

<sup>106</sup> Худонинг Буюк сири қандай бўлса, шу ҳақида... Бу сир. У буни сир сақлади. Бу ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмаган эди. Ҳатто Фаришталар буни тушунишмаган эдилар. Тушунаяпсизми, У буни очмади. Мана нима учун бизда Еттинчи Мухр очилганида, еттинчи сир остида сукут бўлган эди. Исо ер юзида юрганида (улар Уни қачон келишини билишмоқчи эдилар) деди: “бу... Ҳатто Ўғилни Ўзи билмайди буни қачон содир бўлишини”. Кўраяпсизми, Худо буни Ўзида сақламоқда. Бу сир. Ва мана шу сабабдан самода ярим соат сукунат бўлган эди ва етти момақалди роқ ўз товушларида гапирдилар ва Юҳаннога ҳатто бу ҳақида ёзиш тақиқланган эди (тушунаяпсизми?) — Раббийнинг Келиши. Унинг қандай келиши, қачон келиши — ягона шуни У ҳали очмади. Яхшиям буни очмаган. Ҳа.

<sup>107</sup> У буни Муқаддас Китобда бўлган ҳар бир образда кўрсатди ёки очди. Шунинг учун бутун Ёзув Масихни очилиши ҳисобланади. Ҳм, хм! Бутун Муқаддас Китоб — бу Худонинг бутун Муқаддас Китобда эришмоқчи бўлган ягона мақсади, ягона режасининг ифодасидир. Муқаддас Китобдаги барча имонлиларнинг ҳаракатлари турлича бўлиб, Худонинг буюк мақсади нима эканлигини ифода этди ва энди бу охири кунда У буни очиб берди ва кўрсатапти. Шу учун Худони ёрдами билан биз уни бугун шу ерни ўзида кўрамиз — Худованднинг фикрида доимо айнан нима бўлган ва У буни ифодалади.

<sup>108</sup> Шунинг учун бу ҳақида билиш ва сўнг уни одамларга етказишга ҳаракат қилиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлганини кўриб турибсиз. Тушунаяпсизми? Ва шунда... Буни менга Худо қандай очиб берганини тўлиқ тафсилотларида тушунтириб ўтирмадим.

<sup>109</sup> Хуллас, агар белгиламоқчи бўлсангизлар... Мени ўқимоқчи бўлган анчагина жойларим бор. Ва ҳозир Луко баён этган Инжилда, Муқаддас Лукодан 24-боб, мана бу... Эммаус йўлида иккита апостолларни кўраяпсизми. Ва Исо Ўзининг тирилишидан кейин уларга келиб қўшилди, улар эса Эммаусга Уни ўйлаб, гаплашиб, йиғлаб кетаётган эдилар... Унинг ўлимини, ахир улар Унинг, уларнинг фикрига кўра, ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган нарса учун қандай азоб чекканини кўрган эдилар: уларнинг Ҳазратини тутдилар ва хочга михладилар Уни. Ва...ва улар ўша йўлда йиғлаганча кетаверар эдилар.

<sup>110</sup> Ва У йўл четидан тушиб, улар билан Масих ҳақида гаплаша бошлади. Исо уларга: “Эй фаросатсизлар! Наҳотки сиз билмайсиз, барча пайғамбарлар ва Забурлар...” — деди. Кўраяпсизми? У нима қилган эди? Барча пайғамбарлар, Забур ва бошқа ҳамма нарсалар Унинг Ўзини ифодаланиши эканини бу ҳаворийларга тасдиқлади. Тушунаяпсизми?

<sup>111</sup> Шундай қилиб, бугун эрталаб ваъз қила бошламаганимнинг сабаби, мавзуни шунчаки, тез-тез ўқиб ўтиб кетгандан кўра, биз буни таълимот сифатида ўргансак яхшироқ тушунамиз, деб ўйлагандим.

<sup>112</sup> Хуллас, Забур ва барча пайғамбарлар У ҳақида гапирганлигини У айтган эди. Шунинг... Шу сабабли, бу бутун Эски Аҳд, бутун Янги Аҳд ва барча Забурлар, куйланган ашулалар, қўшиқларни улар У ҳақида куйлаганликларини кўрсатапти.

<sup>113</sup> 21-Забурни олинг ва уни куйланг, уни ўша хочга михланиш куни тонги билан солиштиринг. Кўраяпсизми? “Эй Худойим! Эй Худойим! Нега Мени тарк этдинг! Менинг суякларим, улар Мени томошага қўйдилар. Улар Менинг кўлларимни, оёқларимни тешдилар”. Аммо, шунда ҳам, улар шу Забурни маъбадда куйлар эдилар ва айнан Ўшани хочга қоқар эдилар. Тушунаяпсизми? Кўраяпсизми, ўша диндор раҳбарлар, ўша буюк одамлар, буюк устозлар ва шунга қарамай, улар шунчалик кўр эдиларки — пайғамбарларни ўқиб ва ўша қўшиқларни куйлаб туриб ўзлари айтган жиноятни қилдилар.

Худди шу нарса бугун ҳам содир бўлмоқда!

<sup>114</sup> Энди диққат қилиб эшитинг, чунки... энди мен ҳатто ердаги соат нечани кўрсатаётганига ҳам қарашни хоҳламайман. Мен сизлар буни тушунишингизни истайман. Тушунаяпсизми? Уни аҳамияти йўқ. Тушунаяпсизми? [Йиғилиш қувониб: “Омин”, — дейди.—Таҳр.]

<sup>115</sup> Шундай қилиб, Худони онгида бўлган фикрни ўзини У барча олимлардан яширганини асосан дастлаб асосан шу ерда кўриш мумкин. Ва фақат маълум миқдор, танланган, тақдир қилинган санок, фақат қисматида ёзилган одамлар буни эшитди. Ҳозир эса Ёзувдан пайғамбарлар замонини текширинглар ва қаранглар — ўшанда ҳам худди шу нарса бўлган. Тушунаяпсизми?

<sup>116</sup> Худди шундай, бу ерда ҳам Исо уларга пайғамбарларни ва Саноларни эслатди. Уларнинг ҳаммаси У ҳақида гапирганини айтди. Тушунаяпсизми? Ва бу яҳудий устозлар, раввинлар, қонунчи олимлар, профессорлар олдин ўша яҳудийлар нима қилган бўлса, худди шундай қилдилар.

117 Энди, яна эътибор беринг, “Ёзувни текширинглар, зеро ўша Битиклар мен тўғримда гувоҳлик беради”, — деди У. Ёзувни текширинглар, Ёзувни, бутун Ёзувни. Мен нима қилишга уринаяпман? Айнан мана шу Муқаддас Битиклар доим ҳақлигини сизга кўрсатмоқчиман.

118 Яқинда касалхона палатасидалигимда гаплашган эдим, бир опа деноминациядан бўлган баъзи одамлар олдида мендан деноминациялар ҳақида, нима учун биз деноминацияга қаршилигимизни тушунтиришимни сўради. [“Де” – ажратиш (бўлиш), “nominare” – ном қўймоқ.—Таҳр.]

119 Тушунаяпсизми, қайтадан Сўзга қайтиш керак, чунки Сўз — бу Худо. Тушунаяпсизми? Исо ҳам бу ерда айнан шу ҳақида, Сўз — бу У эканлигини айтади. Сиз Каломни Ўзига қарши қилиб кўрсата олмайсиз, бундай қилиш мумкин эмас. “Азалда Калом бор эди, Калом Худо билан бирга эди, Калом Худо эди. Калом инсон бўлди!” Кўраяпсизми?

120 Энди, бу ерда У: “Битикларни текширинг, Улар Мен ҳақимда гувоҳлик беради. Улар орқали Абадий Ҳаётга эга бўламиз, деб ўйлайсизлар, — ва бу шундай, — Улар эса Мен ҳақимда гувоҳлик беради. Мен ҳам Улар ҳақида гувоҳлик бераман. Ва агар Мен нима ваъда қилинган бўлсам, ўшани қилмасам, унда Менга кулоқ солманглар. Борди-ю, Унинг ишларини қилаётган бўлсам, Менга ишонмасангиз ҳам, қилаётган ишларимга ишонинглар, чунки улар У — Калом эканлиги ҳақида гувоҳлик берадилар”. О-о, бундан-да аниқроқ бўлмаса ҳам керак. Кўраяпсизми? Яхши. Энди. “Ёзувни текширинглар”. У: “Мусо ва барча қонунлар ва ҳоказолар, пайғамбарлар ҳам, Санолар ҳам У ҳақида айтганлар”, — деди. Ва У яна, Ёзув У ҳақида гувоҳлик беришини айтди.

121 У бутун Битикларнинг асосий мазмуни ҳисобланади. Агар сиз Битикларни ўқисангиз-у Унинг ҳар бир оятида Масихни кўрмасангиз, унда олинг-да яна бир бор уни ўқинг. Тушунаяпсизми? Агар сиз Ёзувнинг ҳар бир оятида Масихни кўра олмасангиз, унда яна бир марта ўқиб чиқинг, чунки сиз ниманидир назардан қочирдингиз. Ёзув — бу Масих. У — Сўздир. “Азалда Худо яратди” — деб ўқиганингизда — мана шу Масихдир. Тушунаяпсизми? Ҳар бир... шу жойдан, то Ваҳийдаги “Омин” деган сўзгача — ҳар бир Сўз Исо Масих ҳақида гувоҳлик беради.

122 Мана нима учун “Дониёрнинг Иккинчи Китоби ва Маккавейларнинг Китоби, Агг Маҳшаргоҳи” деб аталган ва шунга ўхшаш қўшимча қилинган китобларлар, кўраяпсизми, — бу ҳақида Ёзувда айтилмаган. Тушуняпсизми? Бу нарса қолганларига қўшилмайди. У ерга Маҳшаргоҳни (католиклар афсоналарида: жаннатга киришдан олдин ўлганларнинг жони гуноҳдан тикланадиган жой.—Тарж.) ҳеч қандай тикиштира олмайсан. У ёққа авлиё ва бошқаларнинг ҳомийлигини асло кирита олмайсан. Бунақа нарсалар учун у ерда жой йўқ. У ерда деноминация учун жой йўқ. У ерда жой йўқ... Муқаддас Китобдан ташқари бўлган таълимотлар учун жой йўқ. Тушуняпсизми? Шундай қилиб, шунақа нарсаларни кўрган пайтингизда, улар...улар бу манзарага умуман мос келмайди. Шунинг учун ҳам одамлар ўзларидан қўшиб, ўз...ўз мозаикалари парчаларида чалкашиб қолишди. Кўраяпсизми? Улар, “Кеча, бугун ва то абад Ўшадир”ни тўғри бирлаштира олмадилар.

123 Бироқ, агар ҳаммасини тўғри йиғилса, унда (гуноҳда) йиқилиш ва уйғонишнинг тўлиқ манзараси пайдо бўлади; яратилиш ва Худонинг айнан Масихда очилган бутун режасини тўлиқ манзараси. Омин! Барча бурилиш ва бурчаклари билан биргаликда бутунлай бирлашган манзара шунақадир. Бу худди шундай... Мен бу билан оёқ ости қилмоқчи эмасман, бироқ бу мозаикани йиғилишига ўхшайди.

124 Мана нима учун бугун бизда бунақа ёмон манзара. “Биз — имонлилармиз” — дейдилару ҳаммасини оёғини осмондан қиладилар (яъни тесқари). Бундай бўлмайди. Гапирганларида: “Ҳа, У ҳамма жойда ўшандай, бироқ, фақат... У кеча, бугун ва абадул-абад Ўшадир, мана бундан ташқари”, — мана нима дейдилар. Кўраяпсизми? Бу билан бутун манзарани бузасиз.

125 Битикларда У худди Ўшани Ўзидир дейилган! Юҳаннодан 5 бобда... аниқроғи, Юҳаннодан Хушхабарнинг 14:12 да У: “Менга ишонган”, — ҳар қандай одам, — “Менга ишонган одам, Мен қилаётган ишларни қилади”, — деган.

— Хўп, энди бу бошқа замонда бўлган.

126 Бу ерда сизда яна нотўғри расм келиб чиқаяпти. Сизда, чўлда, саҳрода, балиқ умуман йўқ жойда, балиқ овлаётган одам бўлиб чиқаяпти. Тушуняпсизми? Кўраяпсизми, сиз уни балиқ овлаётган жойига, балиқларга тўла Жалилага юборишингиз керак, кўраяпсизми. Тушуняпсизми?

127 Сиз манзарани, кўринишни тўғри йиғишингиз лозим. Бу буюк Илохий манзара. Ва буни кўришни ягона йўли бор, бу, қачонки сиз Исо Масихни кўрасиз. Мана бу бутун Муқаддас Китоб. У (Масих) — Муқаддас Китобнинг асосий мавзуси.

128 Энди сиз, бу ердан хоҳлаган жойингиздан мавзу танлашингиз мумкинлигини кўриб турибсиз ва ваъзгўй учун сукут сақлаш жуда қийин. Шу фикрни давом эттиргиси келаверади, лекин биз ўргатаётган нарсага қайтиш керак.

129 У Муқаддас Китобнинг асосий мавзусидир. У пайғамбарларда бўлган. У Саноларда бўлган. У Муқаддас Китобнинг тарихида бор бўлган. Муқаддас Китоб — бу башоратли Китоб. Бу тарихий Китоб.

Бу муҳаббат Китоби. Бу қўшиқлар Китоби. Бу Ҳаёт Китоби. Ва Унда Масихни топасиз. У пайғамбарларда бор бўлган. У Саноларда бор эди. У тарихда бор эди. Шунингдек Битикларда У келажак воқеалари ҳамдир. Хуллас У олдин бор эди ва келажакда ҳам бўлади. Унда У қанақа экан? “Кеча, бугун ва абадул-абад Ўшандайдир”.

<sup>130</sup> Агар у ерга Уни “кеча, бугун ва тоабад Ўша” эмас қиладиган нарсани қўшсанг, Ли ака, унда нимага дуч келасан? Натижада бемаъни манзара келиб чиқади. Зеро У тарихдир, тушуняпсизми ва У Пайғамбар ҳамдир. У Забурлардир. У ҳамма нарса. Агар сизнингча У ҳамма нарса бўлмаса ва “Ўшанинг Ўзи” бўлиб чиқмаса, унда қаерда...сизнинг картинангиз нимага ўхшайди? Сиз буни тушуняпсизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Яхши.

<sup>131</sup> Бу Ўшадир. У пайғамбарларда намоён бўлган эди — У уларда эди. У Саноларда эди. У тарихда эди, ва У келажакдир; “кеча, бугун, то-абад Ўша” (Ибронийларга 13:8, агар сиз ёзаётган бўлсангиз.) Унда У... У асосий бўлиши керак... Агар У айнан шундай бўлса, бизлар эса бунга ишонамиз, шундай эмасми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр] Демак, агар У шундақа бўлса, унда У бизларни суҳбатларимизни, фикрларимизни, бизни қўшиқларимизни, юриш-туришимизни асосий мавзуси бўлиши керак. [“Омин”.] У бизни ҳаётимизнинг асосий мавзуси бўлиши керак. Агар У — Муқаддас Китобнинг асосий мавзуси бўлса, Муқаддас Китоб эса бизда бўлса, унда У биз қиладиган ишимиз, гапимиз ёки ўйларимизнинг асосий мавзуси бўлиши керак — бу Масих бўлиши керак. Тўғрими? [“Омин”.] Яхши.

<sup>132</sup> Модомики биз шу ҳақида ўйлар эканмиз, модомики У бўл-...бизлар учун ҳамма нарсанинг Боши бўлди (Колосияликлардаги Мактубда шундай дейилган), У биз учун — ҳамма нарсанинг Бошидир. Зеро У бизлар учун бўлгандир, бизлар эса “ҳамма нарса” деб қараламиз. Сиз дейсиз: “Туноҳкор масаласидачи?” У гуноҳкор учун, агар Буни қабул қилмаса Қози бўлишга тайинланганку. Буни қабул қиладиган имонли учун У шон-шухрат бўлди. Хуллас, “ҳамма нарса У орқали ва У учун яратилган”.

<sup>133</sup> Куннинг шухрати ифодаланиши учун тун керакдир. Ёқимли идишга бўлган меҳр ва эътибор билиниши учун ёқимсиз идиш зарурдир. [Синодал таржимада: “эътиборли иш учун”.—Таҳр.] Ахлоқсиз кийим кийган ва ўз номусини сотган нопок аёл муҳитида одобли, хушхулқ хонимнинг ҳақиқий иффати жуда кўзга ташланади. Тушуняпсизми? Ҳақиқий Масихчи, ҳақиқий асл имонли намоён бўлиши учун, кимдир ёлғончи ва ўғри бўлиши керакдир. Имонлини қанақалиги билиниши учун иккиюзламачи керак.

<sup>134</sup> Шундай қилиб, “Ҳамма нарса У томонидан яратилгандир”. Ва У ҳамма нарса бўлган эканми...барчамиз учун яратди, ҳамма нарса У орқали яратилган, шундай экан, унда биз ўзимизни У билан бир хил қилишимиз керак. Биз У билан бир хил бўлишимиз керак, чунки У биз билан бир хил бўлди. Қандай? Ҳаётимизни У учун яшаб, эътирофлар билангина эмас.

<sup>135</sup> Кўпчилик одамлар эътироф қилишга тушадилар... айтган бўлардим... Ҳозир ҳатто шу даражага етиб бордики: “Сиз Масихчимисиз?” “Мен методист”. Мана, ўзини Масихчи қилиб кўрсатишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Яхши, қаранглар, методистлар нима қилишади. “Мен баптистман”. Яхши. Қаранглар, баптистлар нима қиляптилар. “Мен католикман”. Қаранглар, улар нима қиляптилар. Кўряпсизми?

<sup>136</sup> Бирок, аслида Масих Ўзини сизда тасдиқлаганидагина, фақат ўшанда сиз Масихчи бўлишингиз мумкин. Баъзиларни худди шу ерда чақиб кетди! Умид қиламанки, ҳамма, кассетани эшитаётганлар ҳам буни тушунади. Тушуняпсизми? Кўряпсизми? А?

Сиз: “Мен элликчиман”, — дейсиз. Бу ҳали ҳеч нимани англатмайди.

<sup>137</sup> Бу сизда тасдиқланган Масих. Мана қачон У сизни тан олади.

“Мен ўзга тилларда гапирганман”, — дейсиз. Ёвуз руҳлар ҳам гапиради.

<sup>138</sup> “Мен хурсанд бўлганимдан ҳайқирганман”. Мухаммаднинг, Будданинг издошлари ва бошқалари ҳам ҳайқирадилар. Ҳиндулар илон рақсига тушиб хитоб қиладилар. Кўряпсизми? Тўппа-тўғри. Уларнинг барчаси қичқирадилар. Сиғиниш маросимларида, кланларда — ҳамма жойда қичқиради ва бақирадилар. Одамлар бейсбол ўйинида қичқирадилар, бақирадилар.

<sup>139</sup> Лекин Масих сизга ишонганида Ўзини сизга ўхшатади, ўшанда сиз Масихга ўхшайсиз. *Масихчи* деган сўз ҳам “Масихга ўхшаган” дегани. Мана сизнинг гувоҳномагиз, У билан бир хил бўлишингиз. Яхши. Энди У ҳам бизнинг гувоҳномамиз экан, бизлар ҳам У учун яшаб, У билан бир хил бўлишимиз керак.

<sup>140</sup> Эътибор беринг, Худонинг бу буюк яширин сирида уч ёқлама мақсади бор эди. Ҳали дунё яратилишигача У эга бўлган Унинг буюк яширин сирида, унинг уч томонлама мақсади бор эди. Мана энди, бугун эрталаб шуни аниқлаб олмоқчимиз: бу уч ёқлама мақсад қанақа экан ўзи? Тушуняпсизми? Мен ишонаман, шу ерда ҳозир бўлиб турган Худонинг ёрдамида ва...У бизларга буни кўрсатади. Хуллас, агар Унда уч ёқлама мақсад бўлган экан, унда шу уч мақсад нима эканлигини билишни хоҳлар эдим.

141 Биринчиси бу Худо Ўзини инсонларда очишни истади.

142 У бутун олам, замон ва Абадийликни тўлдириб турган буюк Парвардигор бўла туриб буни қила олмас эди. У қила олмас эди. У одамларга Ўзини очиши учун жуда буюклик қилар эди, чунки бу ўта сирли (жумбокли) бўлар эди. Ўша буюк Зот, ҳеч қачон бошланишга эга бўлмаган (ҳатто юз миллиард, триллион ва триллион ёруғлик йиллари циклидан чиқиб, то чексизликкача, Абадийликка чиқсак), аввал ҳам бўлган ва ҳозирда ҳам буларнинг барчаси бўлиб турган буюк Зотга буни қилишни иложи бўлганмиди.

143 Лекин У оталик қилишни ёқтирар эди, зеро У Ота эди — мана нима қилишни хоҳлаган эди У. Ва У буни ифодалай олиши учун фақат битта йўл бор эди — бу Инсон Ўғли бўлиши эди. Мана нима учун Исо ҳар доим “Инсон Ўғли” деди. Кўряпсизми, улардан кўплари У нима ҳақида гапирганлигини билмаган эдилар. Аммо сизлар ҳозир тушуняпсизларми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] Кўряпсизми? У Ўзини ифодалашни хоҳлади. Шунақа эди Унинг...Унинг буюк уч мақсадидан биттаси — бу Ўзини Ўзи намоён қилиши, инсон зоти билан Ўзини тенглаштириши, Ўзини Масихда очиши, ошкор қилиши эди.

144 Иккинчидан, У одамларда яшай олиши учун, Ўзининг Танаси бўлган имонлиларда, яъни Ўзининг Келинида биринчиликка эга бўлиши эди.

145 Шундай қилиб, У бунга Одам Ато ва Момо Ҳавода эга эди, бироқ гуноҳ уларни ажратди, демак унақада, буни яна қайтариш учун қандайдир йўл бўлиши керак. Қаранг-а, бу қанчалик мен учун қимматли! Тушуняпсизми? Худонинг мақсади қанақа эканлигини кўряпсизми? Унда нима учун У Одам Ато ва Момо Ҳавони ўша аҳволда сақламади? Унақада У Ўзининг бутун комиллигини, Ўзининг тўлиқ атрибутини ҳеч қачон ифодалай олмасди; чунки У у ерда Ота бўла олган эди, тўғри, лекин У шунингдек Қутқарувчи ҳам. Сиз дейсиз: “У Қутқарувчи эканини сен қаердан биласан?” У — Қутқарувчи, чунки мен буни яшаб ўтдим-да. Тушуняпсизми? Кўряпсизми? У Қутқарувчи ва У буни намоён қилиши керак эди. У буни қандай қила олар эди? Фақат Масих орқали. Қандай У Ўғил бўлиши мумкин эди? Фақат Масих орқали. Қандай қилиб У шифокор бўлиши мумкин эди? Кўряпсизми, буларнинг барчаси мана шу битта Шахсда, Исо Масихда боғланган. О-о, ана бўлмаса!

146 Мен... мен бу ҳақида ўйлаганимда, [Бранхам ака бармоқлари қарсиллатди—Тахр.] мен деноминацияларни қандай кўринмай қолаётганини, қолган ҳаммаси шунчаки тарқалиб (кўздан йўқолиб, ғойиб бўлиб) кетаётганини, тушуняпсизми, Худонинг буюк мақсадини, Ўзини очаётганини мен кўраяпман. Биринчидан, Ўзини Масихда очиш, “Худонинг бутун борлиғи Масихнинг вужудида”, кейин эса У биринчилик, устунлик, раҳбарликка эга бўлиш учун бу “Худонинг вужудда тўлиқлиги”ни одамларга киритди.

147 Яқинда кечки пайт... Агар сизда бу кассета бўлмаса, мен шу ерда бир куни кечкурун “Исо Масихнинг Маҳбуси” мавзусида ваъз қилган эдим. Павлус — маҳбус! Кўряпсизми? Қачонки Худо сизни Ўзининг маҳбусига айлантиради, ўшанда сиз Рухнинг айтганидан бошқа ҳеч нарса қилолмайсиз. Ва Павлус ўзининг буюк ақли билан... у ўқиди... бир кун келиб буюк руҳоний ёки раввин бўлиш учун Гамалиёлдан таълим олди. У шухратпараст эди. Ақл жиҳатдан у буюк одам эди, обрў-эътиборли, халқи ичида буюк киши эди. Аммо у буларнинг ҳаммасини, тушуняпсизми, Сўзнинг бир қисми бўлиш учун, Исо Масихни намоён қилиш учун, Уни ифода этиш учун, барчасини қурбон қилиши керак эди. У...деб айтиш нима эканини билар эди...

148 У биродарлари чақирган баъзи бир жойларга боришни ният қилган эди, бироқ Рух унга шахсий истаklarини амалга оширишни таъқиқлаган эди. Ох, агар буни имони сустрлар тушуна олсалар эди! Тушуняпсизларми? Ўз хоҳишини амалга ошириш унга ман қилинган эди. У фақатгина...бажара оларди. “Рух менга таъқиқлади”. Кўряпсизми? У Масихнинг асири эди.

149 Сўнгра бир куни бу фолбин қиз, у билар эди ундан... Павлус ўша жинни ҳайдаш кучига (ҳокимлигига) эгалигини билар эди, бироқ у буни фақат Худо хоҳлаганидай қила олар эди. У қиз ҳар куни унинг ортидан юрар ва кетидан қичқирар эди, аммо бир куни Рух унга руҳсат берди. Мана шунда у унга — ундаги руҳга таъқиқлади. Кўряпсизми? Банди бўлиш нима эканини у билар эди.

150 Мусо — Масихни топиш учун, асир бўлиш учун, ўзининг ақлий қобилиятини қолдиришига тўғри келди. Худо ундаги барча дунёвийликни ва унинг буюк инсонлиги ҳислатларини чиқариб ташлаганида ва Олов Устунни Ҳузурига (қаршисига) қўйган ўша кунда у ҳатто тилдан қолди. У ҳатто гапиролмаганини айтди. Шунда Худо асирига эга бўлди. Тушуняпсизми? Сиз ўзингиз ҳаракат қилганингиз иш бермайди. Шунда Худо бу одамни у ерга бора олиши учун етарлича куч билан таъминлаши шарт эди.

151 Ва у деди: “Раббий, мен фиръавнга Сени айтганларингни айтдим, бироқ у буни қилишни хоҳламапти”.

<sup>152</sup> У деди: “Унда бу ўз таёғингни ол, — деяпти Худо, бу Худонинг Каломи, — у ёққа бор ва уни кун чиқарга чўз ва сўналарни (чивинларни) чақир”. Ва сўналар пайдо бўлди, чунки Унинг фиръавн ҳеч нарса билан ўзига оғдира олмаган кули бор эди. Ҳеч ким уни йўлдан қайтара олмас эди. У РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИга кишанланган, Худо Каломини занжирларида бутунлай банди эди.

<sup>153</sup> Эҳ, агар Худо Ўзига шунақа асирларни топса эди! Мана, айнан шунда У биринчиликни, устунликни кўрсата олади, тушунаёписизми. У...У Масихдан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган эркакни, тўғрироғи одамни ўшанга олиб келади. Мен нимани назарда тутаётганимни тушунаёписизларми?

[Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Яхши. Бу иккинчидан.

<sup>154</sup> Биринчидан, Ўзини бутунлай ифодалаш — Худо Масихда.

<sup>155</sup> Иккинчидан, шунга асосан Унинг Танаси, Келини бўлган Ўз Черковида биринчиликка эга бўлиши учун, биринчи ўринда бўлиб, улар орқали Ўзини намоён қила олиш учун. Яхши.

<sup>156</sup> Ва учинчидан, биринчи Одамнинг гуноҳи орқали бузилган Шохликни керакли ҳолатига қайтариш (тиклаш); кечки салқинда У Ўз халқи билан суҳбатлашган, улар билан мулоқот қилиб юрган ҳолатига тиклашдир.

<sup>157</sup> Энди бўлса гуноҳ ва ўлим уларни Унинг Ҳузуридан ва Унинг намоён бўлишини барчасидандан ажратди. Сиз буни англаёписизларми? Дунёни яратилишидан олдин Унинг қандай бўлганини...Ўзининг...Ўзининг бор хусусиятларини (атрибутларини) ифода этиш учун...

<sup>158</sup> Бирок, агарда Троица (Учлик) тарафдорлари ўзларини бир дақиқага бўлса ҳам озод қилолганларида эди, шунда Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух — бу учта Худо эмаслигини кўра олар эди. Бу худди Ўша Худонинг уч хил намоён бўлиши (атрибути). Кўряписизми, бу намоён бўлиш, кўриниш. Ота, У... Ота бўлишни истаган эди. У Ота эди, У Ўғил эди ва У Муқаддас Рухдир. Ота ва Муқаддас Рух эса — бу худди ўша Рухдир. Наҳотки сиз кўрмаёписиз? Сизлар тушунаёписизларми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Учта худо эмас. Бу шайтон сизларга айтган сизлардан бутпарастлар қилиш учун. Тушуняписизми? Бу битта Худо уч хил кўринишда ифодаланган: Ота бўлиш учун, Қутқарувчи бўлиш учун, Ўғил бўлиш учун, Шифокор бўлиш учун.

<sup>159</sup> Ҳатто бу кассетани эшитувчилар ҳам бу фикрни тушуна олишлари учун мен шу мавзуда яна бироз давом этмоқчи эдим. Бу мавзуларни ҳар бирига жуда кўп вақт керак бўлар эди. Лекин, умид қиламанки, мен нимага интилаётганимни кўра олишингиз учун анча аниқ тушунтираяпман. Шундайми?

<sup>160</sup> Исо Масихда ифоланган Худо, Қайсики ҳам Ота, ҳам Ўғил, ҳам Муқаддас Рух бўлган, “Худонинг вужудда комиллиги”.

<sup>161</sup> Ҳозир “Худонинг бор тўлиқлиги вужудда (танада)” устунликда (биринчи ўринда) бўлиб Унинг Черковида яшамокда. Худода нимаики бўлса У Масихга тўқди; ва Масихда бўлган барча нарса Черковига, Унинг имонлиларига қуйилган эди.

<sup>162</sup> Деноминацияга эмас! Биз бунга бир неча дақиқадан кейин етиб борамиз ва сиз буни ақлингиздан бутунлай чиқариб ташлайсиз. Тушуняписизми? Худонинг кўмагида, агар У йўл берса бизга, мен сизга бунинг сабабини кўрсатаман.

<sup>163</sup> Унинг мақсади ўзи қанақа? Ўзини Ўғилдек ифодалаш. Тушуняписизми? Шундай қилиб, “Худонинг танадаги бутун тўлиқлиги” Унда бўлиши учун... Мен...бу ерда менда Колосьяликларга ёзилган Мактуб очик. Кўряписизми? Бу... Худонинг мақсади бутун Ёзувда қанақа бўлганлигини кўряпмиз. Демак, Момо Ҳаво, иккинчи Момо Ҳаво бўлган Келинни, Танани Ўзи билан яраштириш учун, айнан шу Ўғилнинг Ҳаёти, Унинг хочи орқали, бу ерда “Унинг хочини Қони” дейилапти. Ва Худо буни тимсолларда кўрсатди, У Мусо ва қолганларда қандай бўлган бўлса. Худди шуни Одам Ато ва Момо Ҳавода қилди — бу билан уларни Масих ва Келлининг тимсоли қилиб кўрсатди: У — иккинчи Одам, Черков эса — иккинчи Момо Ҳаво.

<sup>164</sup> Ва иккинчи Момо Ҳаво Сўз билан мурасага келганда, у худди биринчи Момо Ҳаводек қилмайдими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] “Ҳа майли, кўявер, бу бошқа вақт учун”, — демоқчи бўладилар. Ва бир неча дақиқадан сўнг биз бунга келамиз: бу бошқа вақт учун деганмикан У ёки йўқ. Қандай қилиб бу бошқа замон учун бўлиши мумкин, қачонки У “кеча, бугун ва абадий худди Ўша”?

<sup>165</sup> Бирок, Худо шундай мақсадни қўйди ва буни “доною оқиллардан яшириб, гўдакларга маълум этди” қайсиларки буни қабул қилишга олдиндан танланганлар.

<sup>166</sup> Мана нима учун (барча замонларга қаранг) доимо баъзиларга Нур тушганида, одамларга, Уни рад этар эдилар ва Уни ўчирар эдилар. Ва у ерда кучли оқилу донолар, руҳонийлар, турли буюк раввинлар, зўр ўқимишли устозлар, мисол учун: Никодим ва бошқалар — зўр ўқимишли одам, у эса Буни ҳатто тушунолмади.

<sup>167</sup> Ва у ерда ўша буюк руҳоний ва раввинлар бўлиб, улар бу Каломда таълим олган эдилар. Вой, улар Уни ақлан билардилар! У бўлса деди: “Сизлар — отангиз бўлган иблисдансизлар ва уни қилган

ишларини қиласизлар”. (Юҳанно 8:44—Тарж.) Ўйлаб кўринг-а: муқаддас инсонлар, сиз ҳатто уларнинг ҳаётидаги бирор бир нарсага, ёки уларнинг оталарини ҳаётига, ёки уларни ота-боболарининг ҳаётига, ёки уларнинг бобосини-бобосини-бобосини-бобосини-бобосини ҳаётидаги бирор нарсага бармоғингиз билан кўрсатиш мумкин эмас эди. Агар улар шундай иш қилсалар, улар шармандалиқда ўлишарди, уларни тошбўрон қилишар эдилар. Лекин мана Исо турибди ва диндор одамларни, бу гуруҳни “жинларни тўдаси” деябди.

<sup>168</sup> О-о, энди буюк шаҳодат! Шундай қилиб, Ўзи қариндошлигини тиклаш учун, қайтариш учун... Хуллас, У уларни йўқолган бўлишларига йўл қўйиши керак эди. Сиз буни тушуниб турибсиз. У уларни гуноҳ қилишларига йўл қўйиши керак эди, уларга ахлоқий эркинлик бериш учун... У...У Худо бўла туриб, уларни гуноҳ қилишига мажбур қилолмас эди; сўнгра эса Ўзи қилишга мажбурлаган иш учун жазолай олмас эди.

<sup>169</sup> Лекин У инсонни Ўзи билан ҳамкорлик қилиш шартларига қўйиб, шундан кейин инсонга эркин ахлоқий танлов асосида ҳаракат қилишига имкон берди. Тушуняпсизми? Ҳозир сизлар худди шу асосга У томонидан қўйилгансиз. Тушуняпсизми? Кўряпсизми? Сиз қандай хоҳласангиз шундай йўл тутаяпсиз, сизда эркин ахлоқий танлов бор. Қарабсиз-ки, агар биринчиси Унда шу асосда бўлган бўлса, унда иккинчиси ҳам шундай асосда бўлиши керак — шунақа асосда Унда ҳаммаси бўлиши керак, акс ҳолда У энг бошида ногўғри қилган. Тушуняпсизми? Лекин ҳаммаси худди ўша асосда турибди.

<sup>170</sup> Энди Унга эътибор беринг. Буни орқага қайтараяпти ва одамни шундай қилишни била туриб, уни шундай қилишига йўл бераяпти...у буни қилишини билар эди, бироқ, шунда нима содир бўлди? Бу Уни Қутқарувчилик атрибутини кўрсатди. Ва шунда Худонинг Ўзи Ўз қонунининг жазосини ўташи учун — ўлим, Уни рад қилиб йўқолган хотинини ўлиб ва қутқариб қолиши учун бутун мақсад Масихда қолади.

<sup>171</sup> Момо Ҳаво Сўздан четлашганида эрини ёнидан кетди. Черков ҳам Каломдан у ўзоклашиб деноминацияга яқинлашганида, у Худо Каломини устунлигини рад этиб, инсоннинг донолиги устун бўлган дунё билан зино қилади. Бу тушунарлими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] Каломда шундай дейилган: “Рухий зино қилаяптилар”. Муқаддас Китобнинг ҳар қандай Сўзини рад этиш ёки Унга қўшилган ҳар қандай талқин — бу бизнинг Эримиз бўлган (Куёвимиз) Худо олдида батамом рад этиш ва зино қилишдир. Зинокорлар Осмон Шоҳлигига кирмайдилар, биз буни биламиз. Тушундингизми? Мана шундай, кўряпсиз, Момо Ҳаво бошида айнан шундай қилган.

<sup>172</sup> Энди яна бир бор эътибор қилинг, Унинг уч ёқлама мақсади нимада эди? Ўзини Исо Масихда намоён қилиш, Исо Масих бўлиб Танага кириш, Адан боғини тиклаш, йўқотилганни ортга қайтариш учун устунликка (тўнғичликка, биринчиликка) эга бўлиш. Фақат шугина жойида эмас эди. Қолган ҳаммаси Унда жойида эди.

<sup>173</sup> Лекин У Қутқарувчи бўлиши учун, Ўзида бор нарсани (тушуняпсизми?), Ўзининг Қутқарувчилик хосиятини намоён қилиш учун, У одамга йиқилиши учун эрк, ахлоқий танлов бериши... йўл қўйиши керак эди. Кимдир йўқолган бўлиши керак эди. Шу сабабли, айнан инсоннинг йиқилиб, йўқолганлигидан Ўз қонунини ишлатиб, У Қутқарувчи бўлди. У эса буни қила олмади, бутун фазони, вақтни қамраган буюк Худованд бўла туриб, буни қилолмас эди. Ва У Инсон бўлиши керак эди. Ва У ўша йўқолган одамга қариндош бўлди (омин), ва Инсон бўлди — Худо тана бўлди!

<sup>174</sup> Ҳаллелуйя! Мени қизишиб кетаяпти деб ўйлаяпсизми? Ундай эмас. Ҳм-ҳм! Ичимда нимадир бор!

<sup>175</sup> Ўғиллари ва қизлари ҳақидаги буюк мақсадига қайта туриб, мени Ўзидай қилиш учун (омин), менинг гуноҳимни Ўзига олиш учун, мени ўрнимда бўлиш учун Худованд Худолигидан кўчди, чунки У Абадий Отадир. Ушбу атрибут Унда эди, тушуняпсизми, шу учун бу намоён бўлиши керак эди.

<sup>176</sup> Энди сиз бу бутун уч ёқлама мақсадни кўряпсизми? Кўряпсизми? Ўзини ифодалаш учун... У бўлишни хоҳлайди. Шунақа, бу дунё йўқолган, Унинг хочидан оқиб турган Қон билан ярашиш орқали Қутқарувчи бўлиши учун, энди У Ўзини Инсонда ифодалаш керак эди. Хўш, У Ўз Черковида биринчиликка эга бўлиши учун, Ўзини Ўзи қутқариш ва Черковга қайтариш учун У шундай бўлиши керак эди.

<sup>177</sup> Энди эсингизда бўлсин, бу ҳеч қачон деноминация бўлмаган, бўлолмади ва ҳеч қачон бўлмади! У биринчиликка эга бўлиши керак, У эса Сўздир. Омин! Қандай қилиб Унга қандайдир таълимотни қўйиш мумкин? Бу... Агар ҳар қандай таълимотни ва ҳар қандай деноминациянинг инсоний сўзлари қабул қилинса, Черков зинокорга айланади. Унга дарров суюқоёқ зинокорлар билан деган тамға (Вахий 17) қўйилади; Рим Католик Черкови — фоҳиша ва Протестантлар — суюқоёқдир. Бу нарса ўқиб билган ҳар бир одамга мутлақо равшан. Биз Черков Даврлари бўйича ўтдик ва сизлар буни ўша кассеталарда кўришингиз мумкин, агар истасангиз. Худди шундай. Демак, кимки Битиклардан ташқари таълимотга бирлашса — бу Худонинг назарида — суюқоёқ, бузук хотин. Ва у ҳам Момо Ҳаво нима қилган бўлса, худди шу нарсани қилди — Сўздан четга чиқди, Қайсики Масих эди. О-о! Яхши.

178 Энди бизлар, У Ўз фикрида дунё яратилмасидан аввал яширган сирини кўряпмиз. Энди сиз бу ҳақида озроқ ўқишни истармидингиз? Келинг ўқиймиз. Сизни вақтингиз кўпми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Биз...биз буни ўқиймиз. Келинлар, Эфесликларга Мактубдан бир жойга мурожаат қиламиз ва келинг, 1-бобдан бошлаймиз. Хуллас, бугун бизларда яқшанба мактаби дарси давом этар экан, келинг, Масихнинг уч ёқлама намоён бўлиши ҳақида ўқиймиз.

*Худонинг иродаси билан Исо Масихнинг ҳаворийси бўлган мен — Павлусдан...*

179 Қаранглар, бу дунёвийларга йўланмаган, балки:

*Исо Масихга содиқ бўлган Эфес шаҳридаги Худонинг азизларига салом.*

180 Исо Масихга сиз қандай қилиб кирасиз? Черковга келиб қўшилибми? [Йиғилиш: “Йўқ”, — дейди.—Таҳр.] Туғилиш орқали! “Бир Рух билан, — Коринфликларга биринчи 12, — ҳаммамиз бир бадан бўлиш учун ўша битта Рухга чўмганмиз”. Кўряпсизми?

181 Яхши, мана у кимга гапиряпти. Бу ташқи дунёга мўлжалланмаган. Биз бу ҳақида гуноҳкор одамга гапиролмаймиз, чунки у бу ҳақида ҳеч нарса билмайди. Павлус бу билан гуноҳкорларга гапирмаган. “Бу Исо Масихдаги ана у...ана у Гуруҳга”, — деди у.

*Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.*

*Раббимиз Исо Масихнинг Отаси — Худога ҳамду санолар бўлсин! У Масих орқали (қаерда?)*

*самовий оламда бизга ҳар хил руҳий қут-баракалар ато этди.*

182 “Самовий жойлар”. Эҳ, афсус, менинг вақтим кам! Мен буни айнан мана шу ерда, менинг Муқаддас Китобимда белгиладим, Самовий жойлар ҳақида, Самовий жойлар нима у. Бир дақиқага бўлса ҳам: Самовий жойлар — бу “имонли одамнинг Масихдаги ўрни”, тушуняпсизми, имонлининг Масихдаги ҳолати, Самовий жойларда.

*Масихга тегишли бўлишимиз учун... (диққат билан эшитинглар)...бизларни дунё яратилишидан олдин танлади...*

183 У қачон бизни танлади? “Дунё яратилишидан аввал”, Унинг буюк яширин сири, унинг буюк сири... У бизни Масихда дунё яратилишидан олдин танлади.

*Ўз ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун, У Масих ҳақи бизга (нима кўрсатиб?) муҳаббат кўрсатиб, бизни дунё яратилишидан аввал танлади.*

*Бизни мурувватига сазовор билиб, Исо Масих орқали Ўзига (нима қилиб?) ўғил қилиб олишга азалдан қарор қилди.*

184 “Азалдан танлади!” Мана сир. У... Масих ёки бошқа бирон нарсани ер юзида бўлганидан ҳам олдин (Унинг буюк сирини сиз кўряпсизми?) У Келинни танлади, Момо Ҳаво Сўзга ишонмаганидан йиқилишини била туриб; унинг йиқилишини билиб туриб, У Келинни сайлайди, қайсики йиқилмайди, қолган бутун дунё У ҳақида нима дейишига қарамай Келин Сўзда туради. Улар бу Каломдан ушлаганча маҳкам турадилар! [Бранхам ака бир неча марта минбарни тақиллатади—Таҳр.] Улар шунда туришга азалдан тақдир қилинганлар. Аҳа. “Исо Масих орқали Ўзига фарзанд қилиш”, — Черковни бу улугвор ва буюк позицияга азалдан танлади!

185 Энди кўряпсизми Унинг сирини? Нима учун? Йиқилган Момо Ҳавони тиклаш учун, чунки у Черковнинг тимсоли эди. Ва энди эътибор беринг, Худо Одамнинг биқинини очди ва Момо Ҳавони — унинг қонидан ва этидан чиқариб олди — ва унинг руҳини бўлиб, эркак ва аёлдан аёлни ажратди ва уни Момо Ҳавога жойлаштирди. Унинг биқинидан қовурғасини чиқариб олди ва ундан Момо Ҳавони яратди — Худованд худди шундай қилиб Масихнинг биқинидан Қон ва сувни чиқарди (Масих эса Каломдир), ва Каломни олди, ва Унинг Черковини, Момо Ҳавони яратди. Кўряпсизми, Унинг Танасидан чиққан, Қон билан сотиб олинганни яна Ўзига қайтараяпти!Энди тушунарлими сизга? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.]

186 Ва дунё яратилишидан яширин бўлган Худонинг буюк сири энди очилаяпти, бироқ доим тимсолларда кўринар эди. Энди қаранглар, У...У буни амалга оширганини биз кўриб турибмиз. Ва шу ерда, Эфесликларга Мактубда ва бошқа кўплаб жойларда... Лекин бу сизга етарлича бўлади... Шундай қилиб, асрлар давомида У бу сирни аста-секин очган эди. Энди кўряпсизми? Хўш, ...давомида. Ахир У қандай...

187 Тимсолларда нима юз берди энди? У Одам Атонинг биқинини очди ва Одам Атода бўлган Момо Ҳавони яшаш учун унинг танасининг бир қисмини олди. Келин Сўз бўлишлиги керак, зеро У Каломдир. У таълимотларга асослана олмайди. У деноминацияда ҳам туролмайди. У яхши хулқга ҳам асослана олмайди. У фақат Сўзда туриши лозим, чунки У (Келин) — Унинг бир қисмидир. У Масихдан олинган эди. Тушуняпсизми?

188 Энди фақат Кўтарилиш эканига ишончи комил бўлиши учун... Лютер бир қисми эди, пайғамбарлар бир қисми бўлгандилар. Агар улар қисми эмас бўлса... Фақат ваҳий бўйича улар танани ташкил қилардилар: товонлар, оёқ панжалари, кўллар ва ҳоказо Бошгача (биз бунга бир неча дақиқадан



сўнг етиб борамиз), кўряпсизми, барча Кўтарилиш мана шундан иборат! [Бранхам ака қарсақ чалди ва минбарни урди—Тахр.] Бу Тана Сўздир, қайсики Масих. Омин!

<sup>189</sup> Бундан ташқарида экансиз, сиз ҳалок бўлгансиз. Мени қизиқтирмайди, қанчалик яхши одамсиз ёки сизни ўзаро муносабатларингиз қанақа, ё қанақа мулоқотдасиз, ёки сизнинг ташкилотингиз қанақа — сиз ҳалок бўлгансиз, агар бу Сўз сизда бўлмаса.

<sup>190</sup> “Агар сиз Менда бўлсангиз (Сўзда), ва Менинг Каломим қалбингизда бўлса, унда нимаики истасангиз, сўранглар”, — чунки сиз ва Калом — бу битта нарсани ўзи. У биринчиликка, устунликка эга. Бошқарув Унда. Сиз...сиз Унинг асири. Дунё ўлик. Сизда энди бошқа ҳеч... Сиз қолган одамларни қандай бўлса шундай яшаётганликларини кўриб турибсиз, лекин, сиз ундай қилмайсиз. Сиз — маҳбуссиз. Сиз Унга қўшилгансиз: “Мен берган юк енгилдир”. Масихга, Унинг Сўзига боғлангансиз. “Мен фақат... Отамга маъкул ишни қиламан. Агар сиз Мен У эканлигимга ишонмасангиз, унда Сўзга ишонинг”. Шунчалик мукамал! Эътибор беринг.

<sup>191</sup> Энди диққатингизни қаратинг, бутун асрлар давомида У сирни секинлик билан пайғамбарлари орқали ва тимсолларда ошкор қилиб, буни аста-секин очган эди. Хуллас, буни ҳатто қараб чиқишимиз мумкин — Ўзини намоён қиляпти.

<sup>192</sup> У Ўзини Мусода ифодалади. Мусога қаранг: болаларни қирғин қилаётган пайтда туғилган. У озод қилувчи бўлиб туғилган. У қамишлар орасига яширилган эди, худди Исо Мисрга олиб кетилганга ўхшаб. У у ёқдан чиқди. У тоққа чиқди ва амрлар билан қайтди.

<sup>193</sup> Исо тоққа кўтарилди (Унинг биринчи ваъзи – тоғдаги ваъз), қайтиб пастга амрлар билан тушди. “Аждодларимиз айтганларини эшитгансиз: ‘Зино қилма’. Мен сизларга айтаман: агар сиз аёлга шаҳват билан қарасангиз, у билан зино қилган бўласиз”. Қонунчи, Рухоний, Шоҳ, Раҳбар — худди шундай!

<sup>194</sup> У Ўзини Юсуфда ифолади — ўз акалари ичида, деноминацияда туғилди. Улар ундан сабабсиз нафратландилар, чунки у руҳга эга (руҳан яшар) эди. Худо у билан эди. У тушларни таъбирлай оларди. Акалари эса уни ёмон кўришар эди. У ўз акалари томонидан салкам ўттиз кумуш тангага... сотилган эди. Худди шундай У Ўз биродари бўлган Искаротлик Яхудо томонидан ўттиз кумуш тангага сотилган эди. Уни, Юсуфни чуқурга ташладилар ва ўлди деб ўйладилар. Тўппа-тўғри. Отасига ва бошқаларга уни ўлди дедилар. У чуқурга ташланди, кўтарилди ва фиръавннинг ўнг қўли бўлди.

<sup>195</sup> Зиндонда — у қандайин азоб чекди! Ва — ва у ерда икки киши қутқарилди... Шаробчи ва нонвой, аниқроғи, улардан бири ўлди, бошқаси эса қутқарилди. Ва шаробчи... Улардан бири ўлди, бошқаси эса қутқарилди. Худди хочдаги каби, бизнинг гуноҳларимиз учун хочга михланиб, У Ўз қамоғида бўлганида (биз маҳбусларга айландик), — бир қароқчи ўлди, бошқаси эса қутқарилди. Кўряпсизми, худди ўшандагидай, бир хил.

<sup>196</sup> Сўнгра у фиръавннинг — подшоҳнинг ўнг тарафида ўтирди, қайсиники у тушида кўрганди ва у ваҳийда шоҳнинг оёқлари олдида ўтиришини ва унга Мисрда бутун ҳокимият берилишини кўрган эди. Унинг ваҳийси амалга ошиши керак эди. У зиндонда бўлганида бу ҳақида кўп марта ўйлаган бўлиши керак. Унинг соқоллари ўсиб кетган ва ҳоказо, лекин у бу ҳақида ўйлаган эди, ахир қачондир унинг ваҳийси амалга ошиши керак эди.

<sup>197</sup> Гарчи кечроқ бўлса ҳам, лекин содир бўлиши керак эди! Ўтган кечқурун, ёки ундан олдинги кечқурун...чоршанба кечқурун шу ерда айтганимдай. Тушунапсизми, бу юз бериши керак. Агар буни Худо айтаётган бўлса, бу юз бериши керак. Бу тасдиқланган пайғамбар ва бу амалга ошиши шарт, чунки бу Худонинг Сўздир.

<sup>198</sup> Сўз эса фақат пайғамбарга келади. “Пайғамбар” деган сўз “ёзилган Илохий Каломни очувчи” деганидир, шу аснода — башоратчи, кўряпсизми, ёки олдиндан кўрувчи. Эътибор қилинг. Олдиндан билувчи...биласизми, у олдиндан айтганида у башорати билан Илохий тарзда тасдиқланади ва бу содир бўлади. “Агар орангизда бирор пайғамбар бўлса, ва у сизга маълум бир нарсани бўлади, деб айтса, уни айтгани эса содир бўлмаса, унга қулоқ солманглар. Лекин содир бўлса, унда Мен у билан. Яхшиси ундан кўрқинглар, чунки Мен у билан”. Кўряпсизми? Бу аниқ. Ана бу исбот, мана қандай билиш мумкин бу Ҳақиқатми ёки йўқ.

<sup>199</sup> Худо одамлар орқали Ўзининг халқига Ўзининг Сўзи билан гапиради. Кўряпсизми, Худо фақат одам орқали гапиради. “Мен — Токман, сизлар эса — новдаларсиз. Узум Токи ҳосил бермайди. Узум Токининг новдалари Токнинг ҳосилини келтиради. Эътибор беринг, ҳамиша шундай бўлган.

<sup>200</sup> Демак, кейин биз Юсуфни кўраяпмиз, қачонки... Олдин Юсуф билан кўришмасдан, ҳеч ким фиръавнга теголмас ёки келолмас эди. “Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди”. Ва Юсуф тахтдан турганида, карнайлар янграр ва “Ҳамма тиз чўксин! Юсуф келяпти!” — деб қичқиришар эди.

<sup>201</sup> Ҳамдлар бўлсин! Ва бир куни, У Отасининг Тахтидан турганида (тушунапсизми?), ҳар қандай қабила тиз чўқади ва ҳар қандай тил очик тан олади. Ва ҳар бир олам У Худо Ўғли деб гувоҳлик беради. Ва сен ҳам... Ўшанда жуда кеч бўлади. Буни ҳозир қил.

<sup>202</sup> Энди бизлар буни тимсолларда кўряпмизки... Мен ҳозиргина гапирганимдай, мисол қилиб ҳатто Довудни олишимиз мумкин: тахтдан кетди, ўз халқи томониан рад этилди, худди ўша тоққа, Зайтун тоғига чиқди. У ўзининг зиндонига бораётган эди, чунки у ўзининг биродарлари ва халқи томонидан рад этилган эди. У йиғлаганича кўтарилар эди. Бу ундаги Масих Рухи, рад этилган бўлганида Қуддусга қараб хўнграб юборди ва деди: “Қуддус, мен неча бор...” рад этилган Шох. Саккиз юз йил утиб, Довуд Ўғли Қуддус тепасида турган эди, у ерда, тепаликда Қуддус устида турган эди, ва инкор этилган эди, ва Қуддус устидан йиғлаб юборди ва деди: “Энди сенинг вақти-соатинг келди”. Тўғри. Кўряпсизми?

<sup>203</sup> Буларнинг ҳаммаси Уни билдирар эди, фақат тимсолда, бироқ, сир яширин эди. Ўша одамлар нима қилаётганларини билишмас эди. Улар буни Рух бошқарувида қилаётганликларинигина билишарди холос. Ҳа, охирги кунлардаги буюк шаҳодат учун буни сақлади, лекин буни ифодалаган... Ўзини Мусода ва Довудда, Юсуфда, Илёсда ва бошқаларда намоён қилди. Сиз... Ўша пайғамбарларни ҳар бирини олиш мумкин ва уларнинг ҳаёти Исо Масихни қанчалар мукамал ва аниқ ифодалаши ҳақида айтиб ва кўрсатиб бериш мумкин. Гарчи Унинг сири охирги кунларда очилади деб ваъда қилганидек тўлиқ очилмаган бўлсада; У буни ифодалай олишидан аввал, уни тўлиқ тушунишни кутиш, тушуняпсизми? Агарда У ҳаммасини айтганида...

<sup>204</sup> Чунки Калом сирларда ёзилган. Уни сирларда ёзилгани учун Исо Отадан миннатдор эди.

<sup>205</sup> Шундай қилиб, Раббийнинг Келиши сирлидир. Биз Уни қачон келишини, қандай келишини билмаймиз, лекин биз Уни келишини биламиз. Кўряпсизми? Шу каби Худонинг барча сирлари бу охирги кунни кутган эди. Бу аллақачон тугаллангандан кейин, шунда У очади ва қилган ишларини кўрсатади. О Худойим! У Ўз сирларини ҳеч қачон тўлиғича очмади.

<sup>206</sup> Етти Муҳр билан таққослаганда бу жуда ўхшаш. Шундай қилиб, Худо Мартин Лютерни ўша черков давридаги ўша биринчи черковни чиқиши учун ишлатганида ва У Джон Веслейни ишлатганида, У уларда ўша черков даврини очган эди ва уларни аста-секин чиқарган эди. Қачонки бизлар... агар ҳозир биз Калом варақлаб қараб чиқсак ва аниқласак...

<sup>207</sup> Аммо охирги кунларда бу шунчалик ҳайратланарли эдики, чунки У бу ҳақида шу ерда айтган ва ўша Етти момоқалдироски кўрсатгани эди, ва “Нигох” ҳамда “Ҳаёт”, “Менинг Ҳаётим” журнали ўша Нур ва Булут доирасини нашр қилди, қайсиники улар тушуна олмаган эдилар ва ҳозиргача буни тушунмайдилар. Лекин шу ерда, бу нарсани бўлишидан бир неча ой олдин: “У ёққа бор ва ушбу сирларни очилишини кут”, — деди, кейин эса бу нарса У қандай деган бўлса, аниқ, худди шундай содир бўлди. [Бранхам ака тўрт марта минбарни тақиллатди—Тахр.] Сиз шу суратдаги ўша ўнг томонда турган Фаришта, қачонки у пайдо (зоҳир) бўлганида, мана шу орқага кўтарилган қанотлари билан тушаётган, ва Унинг боши ён томон бурилганини кўрдингизми (сездингизми)? Аниқ худди ўша суратдагидай эди. Шу нарса юз беришидан бир неча ой олдин шу ерда: “ўша очилмаган, ечилмаган тугунларни (тушунмовчиликларни) очиш учун У имонлилар Танасини биргаликда тўплашини”, — айтди.

<sup>208</sup> Мана, Лютер келди, у фақат оқланишни ваъз қилди, ўша даврда жаранглаб ўтди. Бу ўзи қанақа давр эканлигини у билмади. Мана, Веслей келди, у ҳам ўз даврида жаранглаб ўтди. Тушуняпсизми? Ва у ёқдан кўплаб одамлар чиқди, бошқа черковлар вужудга келди. Кейин элликчилар келди ва жаранглаб ўтди, ва улар ҳам ташкилотга айланиб яна ортга, ўлимга қайтдилар — бир неча дақиқадан сўнг биз яна бунга қайтамиз — ўлимга қайтишди.

<sup>209</sup> Шунда бу таълимотлар нимадан ташкил тоганини очиш учун сир ошкор бўлишни бошлайди: мисол учун, Лютер катехизис ва ҳоказоларни тузди, Вэслей эса *уни*, *буни* ва *бошқасини* ва қолган нарсаларни олиб келди; ундан кейин Элликчилар худди шундай ташкилотни ва “Ота, Ўғил, Муқаддас Рух”га чўмдирилишни ва бошқаларни яратдилар; шундан бўлак ҳеч нарсани билмасдилар, чунки... Кейин бу охирги кунларга яна келади ва ана шу сирларни барчасини олади ва уларни аниқ изоҳлайди ва очади. Нима учун? Буларнинг барчаси Худонинг қалбида бўлган буюк сир очилган сўнгги кунларда.

<sup>210</sup> Сизлар буни тушуняпсизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] Агар тушунмасангиз, унда мана шу кассеталарга яна қайтинг. Сизлар билан яна қанча вақт бўлишимни билмайман. Эсингизда бўлсин, бу Ҳақиқат — РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИДир. Бу Ҳақиқат. Бу Ёзув.

<sup>211</sup> Худди сўнгги етти Муҳрларнинг етти сирлари каби, уларнинг сирлари. Муҳрлар очилиб бўлган эди — барча даврлар ўтди ва у ерда улар кўп нарсани сочиб ташланган ҳолда қолдирдилар. Худо эса Буни сочилиб ётишини истамагани учун У яна келаяпти ва буларнинг ҳаммасини олаяпти, улар яратган ўша таълимотларни ва уларни аниқлади ва буларни барчасини очиб берди. Масих Худонинг Черков учун уч ёқлама мақсади эканлигини, Унинг (Масихнинг) сирини очиб, худди шуларни ҳозир амалга оширмакда! О-о, ана бўлмаса! Уларни очиб бераюпти!

212 Вэбстер луғатида “очиш” — бу “маълум қилмоқ, очмоқ, ва айниқса Илоҳий ҳақиқатни”, — дея Вэбстерда ёзилган, мана нимани англатади ваҳий. Ваҳий — бу Масихнинг Ўзини Ўз Черковидида қандай очилишидир.

213 Энди дейишлари мумкин: “Бранхам ака, ахир сен буни шунчаки айтаяпсан”. Йўқ, биз буни шунчаки гапирмаймиз.

214 Энди, диққат қилинг, У Ўзини Бутрусга очди. Агар сиз ҳозир белгиламоқчи бўлсангиз, унда биз... Агар сиз буни ўқимоқчи бўлсангиз, биз...Биз буни ўқиймиз, агар истасангиз, Матто баён этган Инжилдан 16:15 ва 17 да. Мен буни ўқийман. Улар Исонинг қиёфаси ўзгарган тоғдан тушиб келганларида, У: “Одамлар Мени, Инсон Ўғлини, ким деб ҳисоблайдилар?” — деб сўради.

215 “Баъзилар Яҳё пайғамбар деб, бошқалар Илёс пайғамбар деб, яна бирлари эса Еремиё ёки бирон-бир пайғамбарлардан бири деб ҳисоблайдилар”. Лекин У бошқа нарса ҳақида сўради.

216 Сизлар-чи, Мени ким деб ҳисоблайсизлар? — деди У. Мана бу ерда энди У Черковга мурожаат қилади. Кўряпсизми?

“Мени одамлар ким деб ҳисоблайдилар?”

217 Бугун: “У файласуф — бу ижтимоий дин, — У яхши одам бўлган. Биз Унинг таълимоти тўғрилигига ишонамиз. Уни ҳаётга тадбиқ қилиш керак. Мен ўйлайман, агар шундай қилсак, бизларга яхши бўлган бўлар эди. Бизларни ўз черковларимиз бўлиши керак эди ва ҳоказолар”. Бу қандайдир Қорбобо, худди Қорбобо ҳақидаги ҳикоядай.

218 Бу биз қандайдир черковни ифодалашимиз керак дегани эмас. Бу шундай ҳаётки, унда сиз ўзингиз яшамайсиз, балки У сизни ичингизга киради ва Ўзи яшайди, сиз эса барча инсоний интеллектуал қобилиятларга нисбатан бутунлай асирга айланасиз. Сизни Руҳ етаклайди. Қандай билиш мумкин буни.

219 Сиз дейсиз: “Эҳтимол, мен ақлимни йўқотгандирман. Балки ақлини йўқотган одам шунақа қилар”.

220 Бироқ агар сиз Масихнинг ақлига эга бўлсангиз, унда Масих Ўзини сиз орқали ифодалаяпди бу Уни Ўзи эканини намоён қилади, ва...сиз ўз ақлингизни йўқотмагансиз.

221 Баъзи одамлар хом-ҳаёлларга берилиб, ўзларини билмай қоладилар ва руҳий касал бўлиб қоладилар. Бу албатта...биз биламиз, бундай қилмаслик керак. Бу иблис, ҳақиқий нарса келмай туриб, унга танқид қилишга уринади. Тушуняпсизми? Доим сохтаси бор. Тушуняпсизми?

222 Бироқ ҳақиқий, чин инсон ўзининг фикридан ва фикрлашларидан кечади! Қандайдир кўр-кўрона келмайди. Йўқ, жаноб. Сиз ақлингиз етиб, ҳаёлингиз жойида бўлиб келсангиз, Масих сизни эгаллайди ва Ўз-Ўзини ифодалайди. Ва энди сиз бу дунё учун — ақлсизсиз.

223 Мана, агарда сиз руҳий касал бўладиган бўлсангиз, сиз ҳақиқатдан ҳам касал бўлсангиз, унда ҳеч нима... Иблис сизни тўлиқ назоратига олади. Ва у сизни Каломга тескари бўлган ҳамма нарсани қилишга мажбур қилади.

224 Аммо сизни Масих эгаллаганида У бу Сўзни тўғридан-тўғри сиз орқали ифодалайди, чунки бу Уни Ўзи. У — Калом! [Бранхам ака уч марта минбарни тақиллатди—Тахр.] Тушуняпсизми? Ва шунда сиз Масихнинг ифодасини, намоён бўлишини кўрасиз. Қанақадир ҳаёлий нарсани эмас, бироқ ҳақиқий, асл Масихнинг сиз орқали Ўзини ифодалашини. Қандай ажойиб!

225 Энди диққат қилинг. “Сизлар Мени ким деб ҳисоблайсизлар?” — деди У. У Черковдан, Ўзининг ўн икки шоғирдидан сўраяпди. Ўша пайтда яшаган миллион одамлар ичидан ўн икки кишидан, Ўзининг Черковидан сўради.

Нух давридаги миллионлар ичидан саккиз одамдан сўради. Ана. Ҳм-ҳм. Кўряпсизми?

226 У эса: “Нух пайғамбар кунларида қандай бўлган бўлса, Инсон Ўғли Келишида ҳам худди шундай бўлади (кўряпсизларми?), саккизтагина жон кутқарилганидагидек”, — деди.

227 Мен ҳозир саккиз жон кутқарилади демаяпман. Тўғри тушунинглар. Мен бунақа демаганман. Кўтарилишнинг охириги лаҳзасида, ўша кичкина гуруҳда қанча одам кутқарилишини мен билмайман. Мен сизга бу кичкинагина гуруҳ бўлади дейман. “Чунки ҳаётга олиб борадиган эшик жуда тор, йўли эса энсиздир. Бу йўлни топадиганлар оз”.

228 Лекин барча асрлар оша сотиб олинган (танланган) буюк Тана кўтарилганида, ўшанда у ерда буюк Тахт бўлади! Ваҳий Китобининг 7-бобида бу: “Ҳисобига етиб бўлмайдиган улкан бир оломон” — деб таърифланган, улар, барча асрлардан кўтарилганлар, Ёзув қанчалик очилган бўлса, шунчалик Унинг Нурида юрган ўшалар. Энди эса биз биламизки, Веслей Лютердан кўра кўпроқ Нурга эга эди. Элликчилар Веслейдан кўра кўпроқ порлаганини биламиз. Кўряпсизми? Албатта-да.

229 Чунки бу, худди пайғамбарлар даврида содир бўлгани каби, токи У “бутун Камолотни” Масихда тўлиқ очилмагунча бу аста-секин очила бораёпди.

230 Энди эса ҳозир Масих Черковда очилаёпди. Буларнинг барчаси Момо Ҳавони унинг Эрига нисбатан тўғри ҳолатга қўйиш учун Худонинг очилишидир. Эътибор беринг, Худо ҳам — Черковнинг Эри, Черков эса — Унинг Келини.

231 Шундай қилиб, Бутрус, ундан сўраганларида: “Сен Барҳаёт Худонинг Ўғли — Масихсан”, — деди.

232 Энди қаранглар: “Бахтиёрсан сен, эй Юнус ўғли Симон, — ‘Юнус ўғли’ нимани билдиради, тушуняпсизми, — сен бахтиёрсан, зеро бу сирни сен ўз уқув-идрокинг билан уққанинг йўқ. Сен Буни қайсидир мактабда ўрганмадинг. Балки осмондаги Отам сенга очди Буни”. “Мана шу тошда...”, — деганига эътибор қилинг. Бутрус, Худонинг тақдир қилган Уруғи, қайсики шу Нурни қабул қилди ва Шоҳликнинг очқичларини олди. “Исо Масих Ким экани ҳақидаги мана шу ваҳий (очилиш) қоясига”. У — тўлиқликда намоён бўлган Худо. “Мана шу қоя устида...” Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух эмас, У — иккинчи Шахс. “Мана шу қоя устига Мен Ўзимнинг Жамоатимни (Черковимни) кураман ва дўзах дарвозалари Уни ҳеч қачон буза олмайди, ҳеч қачон енголмайди Уни”. Кўрдингизми? Мен Ўз Жамоатимни мана шу қоя устига кураман”, — Исо Масихнинг ваҳийси устига.

233 Қаранглар, Масих сизда (ваҳийнинг) очилишнинг Ҳаётини марказига айланади. Тушуняпсизми? Сиздаги Масихнинг Ҳаёти Уни очилишнинг (ваҳийнинг) маркази қилади. Каломдаги Масих Каломни Масихнинг тўлиқ очиклиги қилади. Масих сизда сизни бутун ҳамма нарсани тўлиқ очиклиги қилади. Кўряпсизми, Худо нима қилишга ҳаракат қилади?

234 Унақада янгидан Туғилиш нима? Сиз айтишингиз мумкин: “Бранхам ака, янгидан Туғилиш нима?” Бу Исо Масихнинг шахсан сизга очилганлиги. Омин! Тушуняпсизми? Сизнинг черковга қўшилганингиз, қўлини қисганинг, энди бошқача иш тутишларингиз, таълимотни айтиб беришингиз, қанақадир қоидалар тўплами бўйича яшайман деб ваъда беришингиз эмас. Бироқ Масих, Муқаддас Китоб — У сизга очилган Сўздир. Кимни нима дейиши, нималар бўлаётганини аҳамияти йўқ, асосийси — Масих. Чўпонми, руҳоний, ким бўлмасин... Асосийси — сиздаги Масих, мана шуни ўзи Черков қурилган ўша ваҳийдир.

235 Сиз дейсиз: “Мен Лютеранман, мен Баптист, мен Пресвитерианман”. Бу ҳеч нарсани билдирмайди...Худо учун ҳатто мана шуни [Бранхам ака бармоқларини шақиллатади—Тахр.] билдирмайди, умуман ҳеч нарсани, ҳатто бармоқларингни қарсиллатишингизни ҳам билдирмайди.

236 Бу нима? Бу очилган, тушунилган Масих, У эса Сўздир. Ва Сўз очилаётганида, У Ўзини ифода этади. Тушуняпсизми? Худонинг Масихдаги мақсади шунақа — Ўзини ифода этиши учун, Ўзининг Шахсий қонунини олиш ва Ўз қонунни бўйича яшаш учун... ва Ўз қонунини Ўз ўлими билан амалга ошириш эди. Ва Масих, Худованд, гуноҳни танада ҳукм қилиш учун, фақат Худонинг Каломига ишонадиган, Момо Ҳаво каби Уни инсоннинг ақлий тушунчаларига алмашмайдиган, сотиб олинган, танланган шавкатли Келинни Ўзига келтириш (қайтариш) учун танада ўлди. Сиз тушуняпсизми? Масихнинг нияти шунақа. Худонинг нияти шунақа. Янгидан Туғилиш буни очиб беради.

237 Агар инсон ўзини янгидан туғилганман деса, Масихни “бугун”га эмас, балки “кеча”ги кунгагина тегишли қилиб қўйса, Унинг охири кунлар учун берган ваъдаларини эса бошқа кунларга тегишли қилишга уринса, унда бу одам ёки бу шахс иблисга алдангандир. Агарда бу одам Бунга ишонаман десаю, аммо бу нарса у орқали тасдиқланмаса...

238 Марк баён қилган Инжилнинг 16 бобида Исо: “Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади; бутун жаҳон бўйлаб ва асрлар оша”, — деган эди. Жинларни қувиш ва янги тилларда сўзлаш, ва бу, уларга ҳамроҳ бўладиган инъомларни “улар бўладилар” бу барча буюк намоён бўлишлари! “Улар бўлиши мумкин, бўлиши керак эмас”. “Улар бўладилар”! Ер-у осмон ўтар, лекин Унинг Сўзи ўтмайди.

239 Хуллас, Ўзини ҳар бир шахсда ифодалаётган бу — Масихдир, аҳамияти йўқ у заковатли одамми ёки алифбони ҳам билмайдиганми. Ҳаворийларнинг ярми уни билмасдилар. Шунақа. Лекин улар Масихни билардилар. Улар Бутрус билан Юҳаннога эътиборлари улар қандайдир семинарияни тугатганлари учун тушмади. Улар дарвозада ўтирган шол тиланчини шифолаганларида (кўряпсизми?), “Уларни Исонинг шериклари эканини пайқадилар”, — дейилган. Улар Исонинг шериклари эканини англадилар.

240 Янгидан Туғилиш — бу Масих, бу ваҳий, шаҳодат. Худо сенга ушбу буюк сирни очди ва бу янгидан Туғилишдир. Хўш, агар мана шу гуруҳни бутунлай бир жойга йиғсак, бу, ваҳийни — мутлақо уйғунликда бўлган ва Худо Ўз Каломини ифодалаб бажарган айнан ўша ишлари ҳамда ўшандай ҳаракатлари билан уни (ваҳийни) Ўзининг Каломи орқали намоён қилса нима бўларкин? Эҳ, қанийди Черков ўз ўрнини, позициясини билса эди! Бир куни У билиб олади. У қанақа ҳолатда эканини билганида, ўшанда Олиниш юз беради. Мана шундай, билиб олинг.

241 Сиз: “Бранхам ака, лекин бу ахир... ундай эмаску” — дейсиз. О-о, ҳа, бу ҳам. [Бранхам ака уч марта минбарни тақиддатди—Тахр.] Бу Ҳақиқатдир.

242 Эътибор қилдингизми? Павлус ҳеч қачон Исони жисмонан билмаганди. Павлус У билан таниш бўлмаган эди. Павлус Уни фақат ваҳий орқали, билган эди. Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.— Тахр.] Павлус Исони фақат (илоҳий очилиш) ваҳий орқали билган, худди Бутрусга очилгани каби.

<sup>243</sup> Бутрус Уни танавийлигида кўрган эди, аммо у Уни танавийлиги бўйича билмади, чунки Исо ҳам: “Бу сирни сен укув-идрокинг билан уққанинг йўқ (асл “эт” ва “қон”, яъни инсоний ақл-идрок.—Тарж.). Ҳатто буни сенга Менинг Шахсий ҳаётим ҳам очмади. Балки Осмондаги Отам сенга У Худонинг Каломи эканини очди ва Мен мана шу қоя устида Ўз жамоатимни қураман”, — деган. Бутрус Уни танавийлик бўйича билмади. Одамлар Унга тегиб, сезиб, бирга юрган эдилар.

<sup>244</sup> Павлусда бошқа ҳаворийлардан кўра анча буюк бир нима бор эди. Кўряпсизми?

<sup>245</sup> Улар: “Яхши, Павлус, мен сенга қараганда кўп шаҳодатларга эгаман, чунки, биласанми, мен У билан бирга юрганман. Бир куни У билан балиқ овлаган эдим. Мен Уни гапирганларини эшитганман. У мен билан кемага ўтирган эди ва ҳатто менга: ‘Ана у ерга сузайлик, ўша ерда кўп балиқ тутамиз’, — деди. Биз шундай қилдик ҳам”. Кўряпсизми? “Тушунаяпсанми, Уни бу ишларни ҳаммасини қандай қилганини кўрганмиз”.

<sup>246</sup> Аммо Павлус Уни ўлиб дафн қилиниб ва яна тирилиб, Исроил фарзандларини етаклаган ўша Олов Устунида Ўзини ифодалаганидан кейин кўрди. Билиб... Павлус яҳудий бўла туриб ҳеч қачон буни “Раббий” деб айтмас эди, агарда Уни кеча, бугун ва абадий яна Ўшалигини намоён бўлишини кўрмаганида. У шундай деди: “Павлус, — бошқа сўз билан айтганда, — кеча Мен қандай бўлсам, бугун худди Ўша Худоман. Мана Мен худди ўша Нурдаман, худди ўша Олов Устуни, Мусо гаплашган Ўша ёнаётган бутада бўлган”. Ибронийларга ёзган Мактубда у қонунни иноятдан ажрата билганига ажабланмаса ҳам бўлади — у худди ўша Олов Устуни билан учрашди. У: “Мен сен қувғин қилаётган Исоман”, — деди.

<sup>247</sup> Мана энди У бугун шу ерда, худди ўша тарзда, худди Ўша Олов Устуни, Ўз-Ўзини ифодалаб ва тасдиқлаб, ҳамда дунё яратилишидан бурун яширин бўлган Худонинг сирини очиб, шу билан Ўзини исботлаб, У бугун мана шу ерда. Кўряпсизми буни?

<sup>248</sup> Павлус Уни фақат ваҳий орқали билиб олди. Бутрус Уни фақат ваҳий орқали билди.

<sup>249</sup> У У билан юрган эди, гаплашган эди. Шу учун, бу Сўзни...кўйиш мумкин. Мен ҳозиргина У Сўз эканини айтдим. Хуллас, олим одам ўтириши ва токи сизни ақлингизни қандайдир тарзда боғлаб олмагунича, шу Сўзни ўқиб бериши мумкин (тушунапсизми?), агар истаса, чунки у ақлли, у зўр, ажойиб битирувчи. Католик руҳонийсини олинг ёки, майли, йўқ — ҳақиқатдан ҳам Ёзувда яхши тайёрланган теологни олинг, Баптист биродар ёки пресвитериан ёки яна бошқасини, ҳангома қилганингда, у сени умуман ҳеч нарса билмаслигингни кўрсатади (тушунапсизми?). Нима учун? Кўряпсизми, чунки у Уни танавий тарзда таниди — Сўзни. [Бранхам ака Муқаддас Китобни уриб кўйди—Тахр.]

<sup>250</sup> Лекин сиз биргина йўл билан, Уни ваҳий орқали танибгина қутқарилишингиз мумкин!

<sup>251</sup> Агар мен олсам... Мен пресвитерианлар таълимотини олишим ва элликчиларни шундай ўраб ташлашим мумкин ва сиз чурқ этолмайсиз. Мен баптистлар таълимотини олишим, ва сизлар-элликчилар умуман тушунчага эга бўлмаган миллионлаб нарсаларни кўрсатишим мумкин. Шундай, лекин асосийси бу эмас. Бу Унинг Черкови эмас. Бу Унинг Черкови эмас.

<sup>252</sup> Унинг Черкови — бу У, Худо экани, Сўзнинг Ўзи орқали очилган ва ифодалаган Унинг Ўзидир. (Омин! Сиз буни тушунапсизми?) [Бранхам ака минбарни икки марта тақиллатди—Тахр.] Кўряпсизми?

<sup>253</sup> Унда сиз қандай қилиб “Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух”, — дейсиз ва шунда чўмдириласиз? Мажусийлар! (Мажусийлар — кўп худоликлар.—Тарж.) Худди шундай. Қандай қилиб сиз Исо Масихни У — Калом деб биламан дейсиз, қачонки Муқаддас Китобни бирон жойида, бирор кишини қачондир “Ота, Ўғил, Муқаддас Рух” Исмида чўмдирилган Ёзув жойи бўлмаса?

<sup>254</sup> Сизлар эса...сизлар эса, Исочилар, сувда чўмдиришда фақат “Исо” исмини ишлатасиз! Мени ўзим шахсан тўрттами ёки бештами Исочилар билан танишман. Шундай қилиб, кўряпсизми, деноминацияларингиз сизни нимага етакляпди? Бу, Қобулнинг ифодаланиши, қайсики у қон ўрнига мева-чеваларни қурбонликка келтирди. Тушунапсизми?

<sup>255</sup> Аммо ваҳий Қон орқали келади (тушунапсизми?), Марямнинг қорнида яралган Қон, Худонинг Қони бўлган Исо Масих орқали келади. Павлус ҳам Уни ваҳий орқали билди. Мана биз Уни қандай таниймиз бугун — бу Уни таниш мумкин бўлган ягона йўл. “Мен методист” демагин. Бу ҳеч нарсани билдирмайди. “Мен баптистман”, — дейиш эмас. Бу ҳеч нарсани билдирмайди. “Мен католик”. Бу ҳеч нарсани билдирмайди. Балки Худо сизга очган ўша Сўзига берган ваҳий орқали! У — Сўздир. Сўз эса...биласиз, У сизга очилган, чунки У Ўзини ҳаётга тадбиқ қилади ва Ўзини сиз орқали ифодалайди. О-о!

<sup>256</sup> Черковларда ушбу ваҳийни аллақачонлар унутишди. Рост бу. Ҳақиқатни ваҳийсини шаҳодатини — улар буни унутдилар. Улар ... кетдилар.

<sup>257</sup> Шундай қилиб, Лютер пайдо бўлганида у буюк одам эди. У ўша куннинг ваҳийсига эга эди. Аммо нима юз берди? Риккилар тўдаси кирди, ўзларининг “майдонча” (деб атаган бўлар эдик бугун)

турмаклари ва рикетлари билан ва бошқаларини; уларнинг ҳаммаси у ерда тўдаландилар, ва...ва билмай қолдилар буни қандай...

<sup>258</sup> Бу ибора... Агар сиз фақат...фақат Библиянинг нумерологиясини (Сонларни сирли маъносини ўрганиш.—Тарж.) билганингизда эди шунда *Элвис* ёки *Рикки Ёзув*да нимани билдиришини тушунардингиз! А-ҳа. Худди шундай... Исо нима учун... Сиз айтасиз: “Бу ерда исминг нима даҳли бор”. Нима даҳли бор? Бу исм фақат мана шу охириги кунларда, охириги кунларнинг шу одамлари учун келиши мумкин.

<sup>259</sup> Унда нега Исо Ибром исмини Иброҳимга, ундан кейин Сорайни Сорага (Синодал тарж. “Сора”—Тарж.) ўзгартирди? Нима учун У Шоулни Павлусга ўзгартирди? Нима учун у Шимўнни Бутрусга ўзгартирди ва ҳоказо? Кўряпсизми, албатта, бу қандайдир маънога эга.

<sup>260</sup> Бу исм шу бугунгача айтилолмас эди. Бунақа исм фақат ҳозирги вақтда айтила олади. Мана, нима учун ер юзи бугун бизда шундай ёвуз, жирканчли жойга айланди — шунақа нарсалар туфайли. Бутун инсоният ирқи бузилган. Тамом бўлган! Тушунапсизми? Шунинг учун ҳам мана шунақа у.

<sup>261</sup> Энди эътибор қилинг: Лютер билан ҳаммаси жойида эди, у ўз кунида яшаб ўтди ва унда ваҳий бор эди, аммо у кетиши билан, қаранглар, улар нима қилдилар. Веслейда мактуб бор эди — қаранглар, бу нимани келтириб чиқарди. Биринчи (эски) элликчиларни мактуби бор эди — қаранглар, улар нима қилдилар. Улар бир жойга... ..га ўхшаган бир гуруҳ одамларни йиғдилар.

<sup>262</sup> Худди шундай Худо марҳамати бўйича Исроилга Олов Устунини, пайғамбарни, қурбонликни юборди ва улар орасида Ўзини зоҳир қилди, ва уларни Мисрдан Қизил денгиз орқали олиб чиқди. Ва улар ўзларини орасида буюк амалдорлари бўлиши учун, уларни ўзлари бу учун нимадир қилишлари учун улар қонунни хоҳладилар. Шунда уларга нима бўлди? Улар саҳрода қирқ йил дайдишга қолдирилгандилар ва ўша ташкилотлардан биттаси ҳам ўтмади.

<sup>263</sup> Холиб ва Ёшуа, фақат иккаласи чиқдилар ва: “Биз уни ололамиз, Худо Каломига қаранглар”, — дедилар.

<sup>264</sup> Уларнинг ҳаммаси саҳрода ўлдилар. Исо ҳам уларни замонида У Ўз баракалари ва қудратини кўрсатганидан кейин, улар билан абадий тугатилганини айтди: худди Лютерда, Веслейда ва бошқаларда бўлганидек. Шундай эмасми?

“Ота-боболаримиз саҳрода манна егандилар”, — дедилар.

<sup>265</sup> У: “Ва уларнинг ҳаммаси ўлдилар”, — деди. Яъни, Худодан абадий ажралганлар. Уларнинг жасадлари саҳрода қолди. Кўряпсизми? “Улар ўлдилар. Лекин Мен Худодан келган Осмондан тушувчи Ҳаёт Нониман”. Улар буни тушунолмадилар. Улар шунчаки буни тушуна олмадилар.

<sup>266</sup> Майли, черков аллақачон буни унутди. Сўзнинг Ҳақиқатини ваҳийсини ўрнига — улар интеллектуал ваъзларни, ақл-заковатли одамларни, аъзолик ва билимни қабул қилдилар.

<sup>267</sup> Энди эшитинг, улар бугун дейдилар... Худо бизларга бутун жаҳон бўйлаб юришни ва касалларни шифолашни, Хушxabарни тарғиб қилишни ва жинларни қувишни васият қилганига ишонасизми? “О-о, ҳа, ҳа, бу тўғри, лекин...” Кўряпсизми?

<sup>268</sup> Яқин кунларда бир аёл мен билан гаплашганида, у: “Ахир барча черковлар уйғунликда-ку”, — деди.

<sup>269</sup> Мен: “Уларни биронтаси бошқаси билан уйғунликда эмас”, — дедим. Худди ўша ерда католиклар турганди. “Сизлар хусусингизда қандай? Мана сиз — методист, улар эса католиклар, сизлар бир-бирингиз билан гармониядамисизлар?”, — дедим мен. “Мана шу Рим папаси уларни ҳаммасини бирлаштирмақчи — бунақа одамлар учун бу иш ёмон эмасга ўхшайди”.

<sup>270</sup> Бироқ Худонинг Черковини бунга ҳеч қанақа алоқаси йўқ. У бу тўдалардан ташқарида турибди. А-ҳа. Тўғри. Худди шундай.

<sup>271</sup> Сиз уларни бирлаштирмақчисиз?! Бири бунга ишонади, бошқаси эса...методист сув пуркашни қабул қилади, баптист чўмдиришни қабул қилган, ва буниси ҳам, униси ҳам Муқаддас Рухни Унинг қудратини тўлалигидалигини рад этадилар. Улар: “Биз имонга кирганимизда Муқаддас Рухни қабул қилган эдик”, — дейдилар.

<sup>272</sup> Муқаддас Китобда: “Сизлар имон келтирганингиздан кейин Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?”, — дейилган. Мана сизга фарқ. Тушунапсизларми? А? Худди шундай. Кўряпсизми?

<sup>273</sup> Улар эса: “Биз — католик черковимиз. Биз энг биринчимиз. Биз мана буни қилдик”, — дейдилар. Методистлар: “Бизлар Муқаддас Китобга асосланамиз”, — дейдилар.

<sup>274</sup> Исо: “Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади”, — деган. Хўп, қани буларнинг ҳаммаси? Аҳа. Кўряпсизми? А? Тўғри. “Мен қилаётган ишларни сизлар ҳам қиласизлар”, — Унга ишонган ҳар бир киши, ҳар бир мавжудот. Хўп, буларнинг бариси қаерда ўзи? Ҳм-ҳм. Ахир бу Унинг Сўзлари-ку. “Еру осмон ўтар, лекин Менинг Сўзларим амалга ошади”. Хўп қани буни ҳаммаси? Кўряпсизми? О-о, ахир бу ерда дархол кўринаяпти-ку!

275 Бу нима? Бу қандайдир чатиштира ҳолат. Қаранглар, агар йирик чиройли чатишган маккажўхори дони олинса, бу чатишган донни олсак —бу кўринишидан яхшигина дон. Лекин у экилса, нима бўлади? Мана бундай пояча бўйнини кўрсатади, сарғаяди ва сўлийди. Ҳар бир деноминация билан ҳам у чатишганида худди шундай бўлади: инсон сўзлари билан Худонинг Сўзлари аралаштириб юборилган. У мўжиза ва аломатларгача ўсиб боради, Исонинг Сўзга ишонч ҳақида гапирганларига келган пайтда шундай сарғайиб қоладилар ва: “Бизлар Буни қабул қилолмаймиз”, — дейдилар ва орқага қайтиб кетадилар.

276 Худди Канъон юртини кўргани борган, қолган айғоқчиларнинг ҳаммаси қилгани сингари. Улар у ерга қайтдилар ва: “О-о, биз уларни олдида чигирткадаймиз! Бизлар уларни енголмаймиз! Бу Онок авлоди, уларнинг бариси шунақа ишларга кодирки!”, — дедилар. Шу билан улар орқага қайтишди.

277 Холиб билан Ёшуа эса Худо Сўзининг асл фарзандларидан бўлиб (омин), Худо уларга: “Мен бу юртни сизларга бераман”, деганини билардилар. Улар: “Биз уни олишдан ҳам кўпроғига кодирмиз!”, — дейишди.

278 Ҳаммаси сизни нимадан туғилганингизга боғлиқ. Агар сиз Худо Каломидан туғилган бўлсангиз, унда Худо Каломи Унинг Жамоатида устунликка эга бўлади. Шу учун ҳам У ўлди. Унинг мақсади шунақа эди — Жамоатида амал қилаётган Ўз устунлигига етишиш...эга бўла олиш учун. Ҳаммасидан илгари Худо Каломи порласин, қолган ҳаммаси қанақа бўлишини аҳамияти йўқ. Ақл-заковатли одамларни унақа, бу бунақа деганлари мени ҳеч қанча қизиқтирмайди. Худо Каломи шундай дейилган, ва биз буни олишдан кўпроғига кодирмиз!

279 “Агар мен буни ўз черковимда ваъз қилганимда, — деди менга бир хизматчи, — унда мен черковнинг тўртта устунига ваъз қилган бўлардим”.

280 Мен деди: “Мен эса ваъз қилар эдим”. Худди шундай. Худо Каломидан шундай дейилган. Биз буни қилоламиз. Худо айтди шундай қилишни. Омин!

281 О-о, албатта, улар бу билан ўзларини оқлайдилар. Кўряпсизми? Мана нима учун улар шу охири кунларнинг охири вақт Мактубига нисбатан кўрлар, қачонки Худо Ўзини исботлаяпти. Улар Буни қандайдир бир спиритизм ёки нимадир, э-э (буни нима деб атасам экан?), қандайдир ақлий, қандайдир хом-ҳаёл ёки шунга ўхшаш бир нарса деб тасвирламоқчи бўладилар. Тушуняпсизми, улар Бундан Уни Ўзи бўлмаган бошқа нарсани қилмоқчи бўладилар.

282 У шу ерда бўлганидагидек, Исо ерда бўлганида — Уни Баалзабул, фолбин деб қандай атаган бўлсалар, худди шундай қилдилар. Ҳозир эса улар буни қанақадир ақлий телепатия демоқдалар. Кўряпсизми? Ўшанда ҳам улар Исони ўша ерда туриб ва одамларга қараб, уларнинг юрагидаги фикрларни фаҳмлашини билган эдилар. Муқаддас Китобда шундай айтилган.

283 Ахир Ибронийларга 4-бобда: “Худонинг Каломи жонли ва таъсирли, ҳар қандай дудама қиличдан ўткирроқдир. У жон билан руҳни, бўғинлар билан илиқни ажратгудек сукилиб киради. Худонинг Калому ҳаёлу юракнинг ниятларини фош этади”, — деб айтилмаганми? У эса худди шу Каломни Ўзи эди. Одамда мана шу Сўз устунликка эришган пайтда яна худди шу нарсалар юз беради, зеро бу — Калом! Омин! [Бранхам ака тўрт марта кафедрани қокди.—Тахр.] Бундан кейин қандай қилиб қоқилиш мумкин бунда? Ахир бу мутлақо равшанку. Кўряпсизми? Яхши.

284 Мана нима учун улар худди ўша вақтларда Масих ер юзида бўлганидаги каби кўзлари кўр. О-о, қойил! Улар ҳам худди ўшандай иккиланаяптилар. Улар: “У Баалзабул. Баал...”, — дегандилар. Улар бу ишларни У қила олишини кўрдилар, шу учун: “У шунчаки... Ноқонуний туғилган ва умуман У қандайдир ғалати. У шунчаки қандайдир жинга чалинган. У... у қандайдир Самариялик ва унда жин бор. Мана у бу нарсаларни қандай қилади”, — деб айтгандилар.

285 Исо уларга: “Мен буни сизларга кечираман”, — деди, кўряпсизми, Худо Каломини ва Худонинг ишларини ёвуз руҳ деганларини. У: “Мен буни сизларга кечираман. Лекин бир кун Муқаддас Руҳ келади ва шунда Унга қарши бирор сўз ҳеч қачон кечирилмайди, на бу дунёда, на келажак дунёда (ёки ўша буюк кунда). Бу кечирилмайди”, — деди. Шу учун, кўряпсизми, бу Ёзувда аниқ қилиб ёзилган.

286 Шу учун, ўша кун одамлар келганларида, қанчалик ўқимишли ва қанчалик катта деноминацияга тегишли бўлмасинлар, аҳамияти йўқ — улар маҳкум бўлганлар. Бошқача бўлиши мумкин эмас! Улар Муқаддас Руҳни “сақровчи такводорлар” ёки қандайдир бошқача, қандайдир ёмон номлар билан ёки шунга ўхшашлар билан атаб, Уни ҳақорат қилдилар. Худонинг Черкови эса буни (ҳақоратни) доим олиб юришига тўғри келган.

287 Ҳатто Павлус Агриппа олдида: “Улар ‘бидъат’ деб атаганлари, —қайсики ақлдан озганлик дегани, — мен айнан шундай қилиб ота-боболаримизнинг Худосига сажда қиламан”, — деди. Мана шу буюк ўқимишли олим эркак ўша, “улар ‘бидъат’ деб атаган” ҳолатга келиши керак эди.

288 Нега? Бу унга очилган эди. Унинг олдида чикқан Ўша Олов Устун: “Мен Исоман, чўлда Мусо билан бўлган буюк Худованд. Мен Ўша, нишга қарши юришинг қийин”, — деди.

289 Шунда Павлус ўша ерда туриб, унинг ҳаёти гаровда турганини билиб туриб, деди: “Улар ‘бидъат’ деб атаганларига, мен айнан шундай қилиб ота-боболаримизнинг Худосига сажда қиламан”. Бу шундай номланган эди, чунки Масихнинг буюк Ҳақиқати нимада эканлиги Павлусга очиқ эди.

Бугун бўлса одамлар: “Бу деноминация”, — дейдилар.

290 Бу Исо Масих, сизда очилган янгидан Туғилиш, У Ўз Сўзини ифодалай олиши учун сизда устунликка эгаллиги. Ва ушбу кунларга У нима ваъда берган бўлса, ҳаммасини Ўзининг Танаси орқали, қайсида У ҳаракатланади, амалга ошира олади. Омин! Бу Худо Каломининг намоён бўлганлигидан бошқа нарсамасдир. Эътибор қилинг. Яхши.

291 Худди Масих вақтида бўлгани каби, Худо Масихнинг Ўзини очиши учун калитга эга. Сиз ишонасизми бунга? [Йиғилиш: “Омин, — дейди.—Таҳр.] Теология мактаблари Буни ҳеч қачон тополмайдилар. Исо шундай деган. Агар ҳозир буни ўқимокчи бўлсангизлар, унда Матто баён этган Инжилда 11:25 ва 27 оятларда. “Сен бу ишларни донолару идроклилардан яшириб, гўдакларга маълум этганинг учун, Сенга шукурлар айтаман”. Кўряпсизми? Кўряпсизми? Аҳамияти йўқ...

292 Ўша кунларнинг олимларига қаранг, ўша яҳудийларга (шунақа ажойиб кишилар), уларнинг ташкилотларига: фарзий, саддуқий ва Хирод тарафдорлари, ва улар ким бўлишидан қатъий назар (кўряпсизми?), уларнинг барча буюк ташкилотларига, қайсиларгаки Исо деди: “Сизлар кўрларнинг кўр йўлбошчиларидирсизлар. Сизлар ҳақингизда Ишаё яхши айтган: ‘Сизларнинг кулоқларингиз бор-у эшитолмайсиз, кўзларингиз бор-у кўрмайсизлар’. Чунки Ишаё буни Рухдан илҳомланиб айтди, шунинг учун Самовий Худо сизларнинг кўзларингизни кўрмайдиган қилди. Сизлар ўқимишлилик томонни қабул қилиб, Момо Ҳаво қилганидек қилаяпсизлар, бироқ Худонинг Рухи ҳақида ҳеч нарса билмайсизлар. Шу учун ҳам, наҳот уларнинг ҳаммаси чуқурга йиқилмайди: йўлбошчи ҳам, кўр ҳам?” Йўлбошчи кўрлар билан бирга йиқилади, чунки уни ўзи ҳам кўр. Йўлбошчи йиқилади...кўр кўрни етаклагани учун, улар ҳам, бошқалари ҳам чуқурга қулайди.

293 Фақат Худогина бу очкичга (калитга) эгадир! У худди шу нарсани Ёзувнинг бундан олдинги жойида айтган, қайсики мен ҳозиргина ўқиган эдим, қачонки У: “Одамлар Мени, Инсон Ўғлини ким деб ҳисоблайдилар?”, — деган эди.

294 Шунда Бутрус жавоб бериб деди: “Сен барҳаёт Худонинг Ўғли — Масихсан!”

295 Исо Бутрусга жавобан деди: “Сен бахтиёрсан, эй Юнус ўғли Симон! Бу сирни сен ўз уқув-идрокин билан уққанинг йўқ; балки Осмондаги Отам сенга очиб берган! Мана шу биргина очикликда Мен Ўз умматимни бунёд этаман. Жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас”. Кўряпсизми? Энди сиз тушунапсизми?

296 Демак, ҳеч қандай мактаб, ҳеч қандай теологлар, Муқаддас Китобнинг мактабдаги ҳеч қандай дарс ўтилишлари Бу тўғрисида билишмайди. Улар Бунинг тўғрисида ҳеч нарса билолмайдилар. Уларнинг Бу ҳақида бирор нарса билишларининг иложи йўқ. Худо Буни асл мақсад моҳиятини англашни энг сара ўқитувчи ва ҳамма шундайлардан яширди.

297 Бу шахсий, инсон билан индивидуал тарзда бўладиган иш, қайсигаки Масих очилади.

298 Агарда сиз айтсангиз: “У менга очилди”, — деб, кейин эса, Масих Муқаддас Китобда кўрсатган Ҳаёт, Ундаги ўша Ҳаёт сизда бўлмаса, унда сиз нотўғри ваҳий олгансиз.

299 Агарда мен ошқовокни ҳаётини нокни ҳаётига жойлаштирганимда, унда нокда ошқовоклар етишарди. “Сиз уларни мевасига қараб биласизлар”. Мутлақо тўғри. Шундай қилиб биринчи дарахт экасан, ток новдасини ва у узум шингилларини келтиради: биринчи чиққан куртак узумни етиштирса, кейингиси лимонларни ўстирса, учинчиси — нокларни, тўртинчиси олмаларни келтирса — унда у ерга нимадир пайвандланган ва ўз ҳаётини келтираяпти. Ҳар бир деноминация ўз ҳаётини келтириб чиқаради. Лекин, агар ўша бошдаги узум токи қачон бўлса ҳам бошқа куртак чиқарса, у биринчи марта бўлгандаги каби узум бошини етиштириб беради.

300 Ва агар Ҳаёт...Исо Масихнинг Ҳаёти имонлиларни яна бир гуруҳини яратса, унда у биринчи имонлилар келтирган ҳосилни олиб келади, ва натижада улар ўзларининг ишлари билан Фаолиятлари Китобини ёзадилар, чунки Бу худди ўшандай бўлади, худди ўша Ҳаёт. Тушунапсизми, мен нимани кўзда тутаяпман? Бу шунчаки муқаррар. Бу, сизни ичингизга Муқаддас Рухнинг Ўзи томонидан киритилган сиздаги Масихнинг Ҳаётидир, Қайсики Ўз Ҳаётини сиз орқали яшайди.

301 “Кўрларнинг кўр йўлбошчилари!” Эътибор беринг, фақат Худо бу очкичларни тутиб турибди. Биронта теолог сизга айтолмайди, буни иложи йўқ. Бу улардан яширин. Улар Бу ҳақида ҳеч нарсани билмайдилар.

302 Хуллас мактаблар... Сиз айтасиз: “Мен файласуфлик, ҳуқуқшунос доктори даражасига эгаман”, — деб, сиз фақат қиласиз... Мен учун ва, мен ишонаман, Худо учун ҳам ва ҳар қандай ҳақиқий асл имонли учун ҳам бу нарса сизни айнан ўша даражада янада узоқлашганингизни англатади, сиз шунчаки



чекингансиз. Худо билим орқали ўрганилмайди. Уни тушунтирилишдай нарса орқали ўрганиб (билиб) бўлмайди.

<sup>303</sup> Худо — Исо Масих ваҳийсини оддийлигини энг саводсиз одамга очилиши орқали билиб олинади. Тушуњапсизларми? Сизнинг теологиянгиз билан эмас. Айнан Исо Масихнинг ваҳийси билан. “Мана шу қояда Ўз Черковимни бунёд этаман”. Янгидан Туғилиш орқали Исо Масихнинг ваҳийсини Ўзидан бўлак бошқа ҳеч қанақа қоя қабул қилинмайди, бошқа биронтаси эмас, ҳеч қанақа католик қояси эмас, ҳеч қанақа протестант қояси, ҳеч қанақа мактаб, ҳеч қанақа бошқаси қабул қилинмайди. У у ерда, ичкарида туғилади, ва Ўзининг Шахсий Ҳаётини олиб киради ва сизнинг ҳаётингиз энди йўқ, тугади. Ва Масихнинг Ҳаёти сизнинг ичингизга кириб, инсонлар назарида шунақа устунликка эга бўладики, У қилган ўша мўжизалар, аломатлар, ишлар, ўша Ҳаёт айнан ўша нарсаларни сиз орқали амалга ошаётганини яққол кўришади. Бусиз бошқа барчаси эса ҳатто умуман инобатга олинмайди. Дикқат билан қаранг, буюк Илоҳий ваҳий қандай очилапти!

<sup>304</sup> Айнан шу ваҳийнинг етишмаслиги оқибатида бизларни орамизда шунчалик кўп турли бўлинишлар ва шунчалик кўп масхаралашлар бор. Орамизда шунчалик кўп бўлинишлар борлигини сабаби одамларга Сўзнинг очилгани етишмайди. Кўряпсизми, бу ваҳий (Каломдаги) устозларга етишмайди.

<sup>305</sup> Павлус ўзининг Масих тўғрисидаги буюк шаҳодатидан кейин, Коринфликларга 1-Мактубида, 2-бобида... Модомики ёзиб олаётган экансизлар, албатта ўқинглар. Қаранг! О-о! Шунда у: “Мен ҳеч қачон сизларга инсоний донолик билан келмайман”, — деди. Мана бу доноликка эга одамга қаранг ва мана бу олимликка эга одамга қаранг, — “Мен ҳеч қачон сизларга бунга ўхшаш сўзлар билан келмайман”. 1-Коринфликларга 2-боб. О-о, мен... шундай хоҳлардимки...

<sup>306</sup> Келинлар, шу жойни ўқиймиз. Қандай... Бизлар битта ёки иккита оятни ўқиймиз, сизлар бир дақиқа сабр қилоласизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] Сизлар... иккиланмасликларингиз учун, мен ўқимокчи эдим. Ҳар ҳолда, кассетани эшитаётганларга бу ерга қарашига имкон берган бўлар эдим.

<sup>307</sup> Коринфликларга 1-мактуб, 2-боб. Мана бу буюк ҳаворий Павлусга қаранг, Худонинг ақлли хизматкорига. Келинг бунга қараймиз.

*...Мен, Павлус, мен сизларнинг олдингизга Худонинг режасини эълон қилгани келганимда, сўзамонлик ва инсоний донолик билан гапирмадим. (Мен ҳеч қачон: “Мен ана шундай ва ана бундай Докторман”, — демадим. Кўряпсизми?)*

*Орангизда эканман, Исо Масихдан ва Унинг хочга михланганидан бошқа ҳеч нарса билмасликка қарор қилдим.*

*Олдингизда заифлик ва қўрқув ҳисси ҳамда катта қалтироқ билан келдим.*

*Менинг сўзим ва ваъзим инсон заковатининг ишонтирувчилигидан эмас, Худо Руҳи ва қудратидан далолатдир.*

<sup>308</sup> Мана, кўряпсизми, мана бу Хушхабар. Исо шогирдларига: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинлар”, — деди. У: “Боринглар, ўқитинглар”, — демади. У: “Боринглар, ваъз қилинлар”, — деди. Бошқа сўз билан айтганда: “Мана шу қудратни кўрсатинг ва шунда бу аломатлар уларга ҳамроҳ бўлади”. Шунчаки ўқитиш буни етиштирмайди. Бу аломатларни етиштирадиган Руҳнинг Ўзи керак бўлади. Тушуњапсизми? Эшитинг буни.

*Токи сизларнинг имонингиз инсон донолигига эмас, балки Худонинг қудратига асослансин.*

<sup>309</sup> (О-о! Ана бу бошқа гап! Кўряпсизми?) Мана шу одамни ўзгартиради! Мен у ерда тушунтирсам ва: “У худди Ўшани Ўзи эмас” – десам, бунда эмас, қачонки У Ўшани Ўзи. Агар мен шундай қилсам, бу шуни кўрсатадики, бу нарса... Албатта, агар инсон менга шундай деса, унда ҳаммаси равшан, у ваҳийга, Худонинг уч ёқлама ваҳийсига эга эмас. Тушундингизми? Мана шундай ва...

*Бироқ, заифликда... етук бўлганлар орасида сўзлаб берадиган бир ҳикмат борки, у бу дунёнинг ва бу дунёдаги ўткинчи ҳокимларнинг ҳикматидай эмас.*

*Биз Худонинг махфий, сирли ҳикмати борасида гапирамиз. У бу ҳикматни дунё яратилишидан аввал бизга улуглик яратиш учун шайлаб қўйган эди.*

*Бу ҳикматни, сирни бу дунёнинг ҳокимларидан ҳеч ким тушунмади: на руҳонийлар, на раввинлар... (мени кечиринглар)... яна кимдир, бу ҳақида ҳеч нарса билмадилар. Тушунсалар эди, улуг Раббимизни хочга михламас эдилар.*

<sup>310</sup> “Бу ерда сен раввин ва руҳонийлар хусусида адашасан лекин”, — деб айтишингиз мумкин. Ким Уни хочга михлади? Оҳ-ҳо.

<sup>311</sup> О-о, бизлар яна ва яна давом эттиришимиз, буни ўқийверишимиз мумкин эди, кўряпсизми. Вақтни тежаймиз чунки биз фақат... Вақтимиз ҳали бор, лекин бизларда бу ерда айтадиганларимиз кўп, агар Раббий ёрдам берса. Мана шундай, ҳозир бу етишмайди...

312 Павлус ҳам, бу олий интеллект одами, ҳеч қачон одамларга ўзининг буюк теологик терминлари билан гапиришга уринмади. У Раббий Сўзини камтарона қабул қилди ва шу Сўз билан яшадики У унинг орқали ифодаланган эди. У шунақа...шунчалик художўй бўлиб яшадики, улар унда Исо Масихни кўрардилар; шунчалик эдики, улар ундан унинг қўл рўмолчасини сўрардилар, уни олиб касалларга кўйишлари учун. Мана бу Масихнинг Ҳаётидир.

313 Энди қаранг, баъзилар: “О-о, энди, тушунасанми, ким-қачонлардир Илёс шундай қилган эди, (у ҳассасини кўйган эди), аммо, о-о, бу Илёс яшаган кунларда бўлган эди”, — дейдилар. Мана шундай, дунё шундай деб ўйлаган эди. Ўша замон черковлари, интеллектуал руҳонийлари ва бошқалар шундай деб ўйлаган эдилар.

314 Бироқ ўша имонлилар гап нимада эканлигини билган эдилар. Улар Илёсда бор бўлган Масихнинг очиклиги, айнан ўша Ҳаётни ифодалаётган худди ўша ваҳий Павлусда бўлганини кўрдилар, чунки у пайғамбар эди. Тушунапсизми? У башорат қилар эди, ва барчаси айнан айтилганидек бўлар эди, ва Худо шу тарзда пайғамбарни тасдиқлашини билар эдилар. У Худонинг пайғамбари эканлигини улар билар эдилар. Уларни бунда умуман иккилантира бўлмас эди. Улар Бутрусни башорат қилганини ва ҳаммаси амалга ошганини кўрганларида: “Менга фақат унинг сояси тушса бас”, — дердилар. Омин! Ана бу Черков. Бу ўшалар, қайсиларки бунга ишонадилар. Худди шундай. Бу...орқали очилган эди.

315 Бўлмасачи, ахир Павлус: “Улар менга ишонадилар, чунки менда файласуф ва ҳуқуқшунос олими дипломи борлиги ва бошқалар учун”, — дедими? Йўқ. “Мен буларни барисини унутдим. Инсон донишмандлиги, — деди у, — ўлиши керак эди ва мен Уни Унинг тирилиш қудратида биламан. Мана мен сизларга нима билан келаман, Худонинг қудратини намоён қилиб келаман”, — деди у.

316 Бу нима қилар эди? Бу Исо Масих кеча, бугун ва то абад Ўша эканлиги кўрсатар эди. Исо қилган худди ўша ишларни Павлус ҳам қилди. Ва улар ёнаётган бутада зоҳир бўлган Худо, буюк Ота, Павлусга Буни зоҳир қилганини кўрган эдилар ва бу очик намоён бўлар эди.

317 Ва У ҳар бир даврда худди Ўшадир. Худонинг уч хил ҳаракати тарзи: “кеча, бугун ва то абад”. Нима? Қутқарувчи Ўзининг Черковида, биринчилик келадиган Шоҳликда. Омин! Сиз буни кўряпсизми? Бунданда мукамал бўлиши мумкин эмас!

318 О-о, эътибор беринг! Масихнинг Илоҳий шаҳодатини фақатгина Муқаддас Рух очиб беради. Ҳеч қандай мактаб буни қила олмайди. Бирорта олим бу ишни қила олмайди. Ҳеч қайси одам, қанчалик у олий маълумотли, художўй ёки яна бир нима бўлмасин, ҳеч қандай одам бундай қилолмайди.

319 Бу ерда мен қаттиқ чақиб олсам бўларди. Сиз Масихчилардан кимлар янгидан туғилгансизлар, Муқаддас Рухга тўлганлар қўлларингизни кўтаринглар? Яхши. Унда давом этамиз. Яхши. Эътибор беринг.

320 У бу нарсани фақат тақдир қилинганларга очади. Тушунапсизми? Худди шундай. “Отам кимни Менга берган бўлса, Менинг олдимга келади. Агар Мени юборган Отам бировни жалб қилмаса, у Менга ҳеч ҳам келолмайди”. Кўрдингизми?

321 “Бу Одам — Баалзабул, У фолбин. У иблис”, — деган ўша руҳонийларга қаранг.

322 Мана бу, олти нафар эри билан яшаган ўша аёл; у беш нафари билан яшаган ва ўшанда олтинчиси ҳам бор эди. Исо унга: “Бориб, эрингни бу ерга чақириб кел”, — деди.

У эса: “Менинг эрим йўқ”, — деди.

323 “Эрим йўқ деб, сен тўғрисини айтдинг, — деди Исо. — Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас”.

Аёл Унга: “Ҳазрат”, — деди. Нима? Ўша Нур мана бу Уруғга тушди.

324 У (Нур) ўша руҳонийларга тушганида улар: “Бу Одам – сеҳргар”, — дедилар. Кўряпсизми, у ерда Ҳаёт йўқ. Қандайдир чатишма. Улар ташкилотгача ўсдилар, аммо ўша ерни ўзида ўлдилар.

325 Аммо бу аёл гибрид эмас эди. “Ҳазрат, мен тушундим”, — деди у. Мен уни катта-катта чиройли кўзларини ёришганини кўряпман, юзларидан кўз ёшлари оқаяпти. “Ҳазрат, кўриб турибманки, Сен пайғамбарсан. Мен Масихни кутаяпман. Масих келган вақтда, У айнан шу ишларни қилади, ҳамма нарсани бизга маълум қилади”, — деди ўша аёл.

Исо аёлга: “Сен билан гаплашаётган Мен Ўшаман”, — деди.

326 О Раббий! У кўзасини ўша ерда қолдирди. “Мана, У шу ерда! Боринглар, менинг қилган ҳамма ишларимни айтиб берган Ўша Одамни кўринглар”. Нима эди бу? Бу Нур ўша Уруғга тушди. У ерда эса Ҳаёт бор эди. У униб чиқди.

Бугун ҳам худди шу нарса!

327 Аммо илоҳиётчи олим: “Бир дақиқа. Мен текшириб қарайчи, пастор Муди ёки яна кимдир нима деган...”, — дейди.

328 Пастор Мудини бунга, бу кунга нима даҳли бор? Пастор Муди ўзининг кунида яшади, лекин бугун эмас. Албатта. Лютер ўз кунида яшади, лекин Веслей кунида эмас. Веслей Элликчилар кунида эмас,

балки ўз кунида яшади. Элликчилар ўз кунида яшади, аммо ҳозирги соатда улар Бундан аллақачон узоқдалар. Бизлар охирги соатда яшаймиз. Шак-шубҳасиз.

<sup>329</sup> Уларнинг ташкилотлари ва юзакиликлари Бунинг у ерда йўқ эканини кўрсатади. Сўз ҳеч қачон бутун қудратида тўғри тасдиқланмаган эди. Деноминациялар, уруғлар... Ва улар деноминацияларни тузадилар, сўнг эса ҳақиқий буғдойга бангидевонанинг ёввойи уруғини қўшадилар ва ўша заҳоти ўладилар. Экин ёввойи бангидевона билан (тўғри), тиконли яшил буталар ва қичитқўтлар билан босилиб, қисиб қўйилади(аҳа, кўряпсизми), ортга қайтади. Ўша ерни ўзида ҳаммаси ўлади. Кейин улар далани ҳайдадилар ва ҳаммасини янгидан бошладилар, ҳақиқий Уруғларни экдилар ва уларнинг баъзилари кўкариб чиқди — уларни қисиб қўйдилар.

<sup>330</sup> Бироқ кейин Худо ушбу охирги кунларда Унинг Қонида ювилган халқини У олиб чиқишини айтди ва улар шу учун танланган эдилар. Улар албатта бўладилар. Худо шундай деган. Ва Бу очиб юборади... Ва айнан “Мана, Мен... юборяпман”, Малаки 4 даги аломатни ва У нима қилади? “Қайтадан тиклайди”, У ваъда қилган ваҳийни охирги кунларга у қайтаради, ўша буюк ишларни бу охирги кунларга олиб келади. Нима қилиши керак... Малаки 4 нима қилади? Оталар Имонини фарзандларга қайтариш керак. Тушуняпсизми? Бу шундай, ўша нарсани келтириш, худди ўша Олов Устуни ҳаракатда: яна ўша аломатлар, яна худди ўша мўъжизалар, худди Ўша Исо; У Ўшанинг Ўзи эканини кўрсатиб, У худди Ўша эканини ваъз қилиб, У кеча, бугун ва абадий Ўша эканини тасдиқлаб.

<sup>331</sup> “Бу барча йиллар давомида методистлар қурти, баптистлар ҳамда католиклар ва уларнинг барча қуртлари бу...бу Имонни умуман уруғи қолмаган деноминация тўнкасига айлангунигача еб битирган бу Имонни Мен тиклайман”, — дейди Раббий. Бироқ Мен ўша ҳамма йиллар учун яна қайтадан тиклайман”, — дейди Раббий. Нима? “Улар қолдириб кетган барча аломатлар ва мўъжизаларни, Мен яна мана шу энг бошдаги Дарахтга қайтараман ва Мен Уни тиклайман”, — дейди Раббий. Ўша пайғамбар тасдиқланган пайғамбар эди. Унинг сўзлари амалга ошиши лозим. Омин.

<sup>332</sup> Фақат Муқаддас Рух Масихнинг Илоҳий ваҳийсини очувчисидир, ва бу барча даврларда шундай эди. Ёдингизда бўлсин... барча асрлар оша? Раббийнинг Сўзи кимга келар эди? Фақат пайғамбарга. Тўғри. Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, —деди.—Таҳр.] Пайғамбар ҳам олдин тасдиқланган бўлиши керак. Унинг пайғамбарман дегани билан эмас, бироқ у пайғамбар бўлиб туғилгани ва уни пайғамбарлиги исботлангани; ва унинг барча айтганлари аниқ Калом бўйича амалга ошгани эди; шунда қолган барчасини эътиборга олманг. Кўряпсизми? Бу шундай эди, Раббийнинг Сўзи фақат Муқаддас Рух билан келар эди. Муқаддас Китобда: “Бу пайғамбарлар Муқаддас Рух томонидан бошқарилиб, Худонинг Каломини ёзганлар”, — дейилган.

<sup>333</sup> Қаранглар. Агар Муқаддас Рух Уни кўрсатмаганида, Яхё Чўмдирувчи Исони ҳеч қачон танимаган бўлар эди. Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, —деди.—Таҳр.]

<sup>334</sup> Яхё Чўмдирувчи, бу буюк пайғамбар, келиб деди: “Ҳозир ораларингизда Ўша турибди. Қаердадир шу ерда оддий Одам турибди, Худонинг Кўзиси”. “Ўшанда мен гувоҳлик бердим...гувоҳлик бераман. Мен Худонинг Рухини, Муқаддас Рухни, осмондан каптардай тушаётганини ва У келиб Унга қўнганини кўрдим ва Осмондан: ‘Бу Менинг севимли Ўғлимдир, Ундан мамнунман’, — деган нидо келди”, — деди Яхё.

Бу нима эди? Муқаддас Рух унга: “Мен Уни кўрсатаман”, — деган эди.

<sup>335</sup> Фақат шу тарзда бугун сиз Уни таниб қоласиз, фақат шу тарзда сиз Худонинг уч ёклама ваҳийсини билиб оласиз — Муқаддас Рух... Бу эса фақат бир йўл билан — буни кўришга тақдир қилинган бўлсангизгина. Агар бундай бўлмаса, унда сиз буни ҳеч қачон кўрмайсиз. Агар буни кўриш сизга тақдир қилинмаган бўлса, унда сиз буни ҳеч қачон кўрмайсиз, чунки бу Нур чакнаши мумкин, ва Худонинг Ўзи Ўзини намоён қилиб буни тасдиқлаб турганида, сиз нари кетиб буни устидан куласиз, ва буни қандайдир интеллектуал қарашлар билан тушунтириб қўл силтайсиз. Кўряпсизми? Лекин буни кўриш сизга берилмаган бўлса, сиз буни кўрмайсиз.

<sup>336</sup> Худо шунчаки: “Мен мана буни танлайман, ана уни танлайман”, — демади, аммо У билган эди Ўзининг... У олдиндан била олар эди, чунки У чексиздир, ва У — У билади ҳар бир... У чексиз, шундай экан, У ҳамма нарсани биларди. У охирини билар эди ва охирини бошдан аниқлай олар эди. У — Худо. Агар У бундай қилолмаса, унда У Худо эмас. Худди шундай. У чексиз. Яхши.

<sup>337</sup> Яхё Уни ҳеч қачон танимас эди, агар унга Муқаддас Рух кўрсатмаганида. Кўряпсизми, Худо Ўзининг сирини олий маълумотли ва ҳоказолардан қандай яширади? Қаранглар, бу одамлардан ҳар бири айтган эди... У кимга буни кўришни тақдир қилган бўлса, бу нарса ўшанга оддийликда очилади. Эшитинглар! Бошқа одамлар ёнгинасида тургандилар ва каптарни кўрмадилар, улар ҳеч қандай Овозни эшитмадилар ҳам, чунки бу нарса фақат азалдан танланган Уруғга юборилган эди. “Азалдан белгилаганларга?” Албатта, у азалдан белгиланган эди.

338 Ахир Ишаё унинг туғилишидан етти юз йигирма йил олдин бу инсоний туйғулардан Илоҳий Рухда кўтарилди ва: “Бир овоз янграмоқда: “Чўлда Эгамизга йўл ҳозирланг, Сахрода Эгамизга тўғри йўл очинг”,” — деди.

339 Агар Ишаё буни кўра олган бўлса, унда Малаки ҳам худди шу тарзда азалдан танланган охириги пайғамбар ҳақида, Эски Аҳднинг барча пайғамбарларини тож кийишини, ўша асосий... ўша, аср охирида турган буюк пайғамбарни кўра олмас эдими? Кўрдингизми? “Бу тақдир қилинган!” — деди у. Албатта танланган. Малаки ҳам уни кўрган эди.

340 Исо шундай деди: “Агар буни қабул қила олсангиз, у — ўша кишики, қайсики ҳақида шундай дейилган: ‘Мен Ўз элчимни юбораяпман, — Малаки 3, — у Мен учун йўл ҳозирлайди.’” Кўряпсизми? Шубҳасиз, ушбу мактубни кўриш унга тақдир қилинган эди. Унинг у ёққа қараб, ўша тушиб келаётган каптарни, сахрода Исроил билан бўлган ўша Нурни, пастлаб учиб ҳаракатланаётганини кўриб билгани ҳайратланарли эмас.

341 Худонинг Ўзи: “Бу Менинг севимли Ўғлим, Ундан ниҳоятда мамнунман”, — деди. Худо ва одам бир бутун бўлди.

342 “Мен гувоҳман, — деди Юҳанно, — мен Уни кўрдим, Отанинг Ягонасини. Мен бунинг гувоҳиман”. Омин! [Бранхам ака бир марта қарсак чалди—Таҳр.]

343 Мана, марҳамат сизга. Оддийлик! Унинг отаси, бу мўсафид ваъзхон... Унинг отаси буюк илоҳиётчи бўлган, сиз биласиз, у мактабни тугатган эди. У отасининг деноминациясига қайтиши керакдай эди гўё. Бу Худонинг иродаси бўлмас эди.

344 Худо унга ҳали у ердалигида, унинг туғилиши арафасидалигида унга текканида, туғилишидан уч ой аввал Муқаддас Рухни олди. Худди шундай. Марьям у ерга келганида, кичкина Яҳё онасининг қорнида олти ойлик бўлган эди ва ҳеч қачон... Унинг кичкина мускулчалари ҳали ҳечам қимирламаган эди. Ва Марьям кўрқар эди... Аниқроғи, Элисабет, унинг (Яҳёнинг) онаси, гарчи кичкинтойнинг мушакчалари ўсаётган бўлса ҳам, бироқ у қорнида ҳаёт борлигини сезмаган эди. Ва Марьям келиб уни кучоқлаганида, унга кўлларини кўйганида... Ҳм. Тушуняпсизми? Худди шундай. “Худо менга айтди, менда ҳам бола бўлади”, — деди у.

“Сизлар Юсуф билан турмуш қурдингизми?”

“Йўқ”.

“Марьям, бу қандай бўлиши мумкин?”

345 “Муқаддас Рух мени қамраб олади, ва менда ҳомила пайдо бўлади. Шунда мен Унинг Исмини “Исо” деб атайман. У Худонинг Ўғли бўлади”.

346 Ва шу “Исо” деган сўз айтилиши биланоқ кичкина Яҳё онасининг қорнида ўйноқлаб қимирлай бошлади.

347 “Дуолидир, Раббий Худованд! Не бахтки, Раббимнинг онаси менга ташриф айладилар! Раббимнинг онаси!” — деди у. О-о, ана бўлмаса! [Бранхам ака бир марта қарсак чалади—Таҳр.] “Раббимнинг онаси қаердан меникига ташриф буюрди? Зеро сенинг саломинг қулоғимга етиши биланоқ, қорнимдаги бола қувончдан ўйноқлаб кетди”.

348 Қандайдир бир таълимотни унга ўргатиши мумкин бўлган ҳеч қанақа семинария керак бўлмагани ҳайраланарли эмас. Унда муҳим топшириқ бор эди. У чўлни одами эди, чўлга кетди ва кутди. Ўша ерда Худо унга гапирар эди ва деди: “Энди...”, — ва унга очди. О-о, мана сизга яна очиклик! “Ва Мен сенга айтаман, У Ким эканини. Сен пайғамбарсан. Сўз — сенга. Сен ўзинг ким эканингни биласан. Сен келишинг керак”. Бу ўтган якшанбадаги саволга жавоб бераяпти. Кўрдингизми? “Яҳё, сен ким эканингни биласан. Хотиржам бўл, ҳеч нарса гапирма. У ерга бор. Ва Кимни кўришинг керак бўлса, Ўшани кўрганигда, Осмондан аломат бўлади, худди Нурга ўхшаган каптар тушиб келади. Бу Ўша бўлади, сен Уни кўрасан”.

349 Мана нима учун Исо сувга кирганида, Яҳё қаради ва Илоҳий Рухнинг осмондан каптардай учиб келганини кўрди. “Мана, Худонинг қурбонлик Кўзиси! Мана У! Бу Ўша — дунёнинг гуноҳини Ўзига олувчи”, — деди у.

350 Исо уни ёнига келиб, тўппа-тўғри сувга кирди. Яҳёнинг кўзлари Исонинг кўзларига тушди. Танавий олганда улар қариндош эдилар. Марьям билан Элисабет холаваччалар эди. Уларнинг кўзлари тўкнашди. Бу Худо ва Унинг пайғамбари эди (омин) — у ерда турар эдилар.

351 Яҳё Унга: “Аслида Сен мени сувда чўмдиришинг керак! Сен бўлсанг менинг олдимга келдингми?” — деди.

352 Исо унга деди: “Кел ҳаммаси шундай бўла қолсин. Ахир биз Худонинг иродасини тўла бажаришимиз зарур”.

353 Нима учун Яҳё бундай қилди? Чунки У Қурбонлик эди. Яҳё пайғамбар эди, у буни билар эди; Қурбонлик эса У қурбонлик қилинишидан олдин ювилиши керак эди. О-о! О-о! Шунда у Унга индамади ва Уни чўмдирди.

354 Шундан кейин, мана, Осмон очилиб кетди (оҳо!) ва Унинг устига Худонинг Рухи каптар шаклида тушиб қўнди ва осмондан: “Бу Менинг севикли Ўғлимдир. Ундан ниҳоятда мамнунман”, — деган овоз келди. Шоҳ Яковда (Китобидаги таржимада): “Мен Унда яшашим (бўлишим) керак”, — дейилган. Хуллас, қанақасига айлантирма, ўша нарса келиб чиқади, “яшашим керак”, ёки... “Бу Менинг севикли Ўғлим, Ундан Мен ниҳоятда мамнунман”, ёки “яшагим келади”, умуман олганда, худди шу нарса.

355 Кўриб турибмизки, бу ўшанда унга очилган эди. У ерда бошқа одамлар ҳам турган эдилар, бироқ бу ҳақида ҳеч нарса эшитмадилар. Буни фақат биргина Муқаддас Рух очади.

356 У Ўзини Павлусга, яна бир танланган Уруғга очганда ҳам, худди шу нарса бўлди.

357 У ерда Павлус ўша атрофларда юрганида, эҳтимол: “Агар мен ўша тўдани топсам эдим, мен уларни нимталаб ташлар эдим, чунки мен Доктор Шоулман. Мен Гамалаилнинг қўлида тарбияландим. Мен Мудининг Библия мактабиданман”, ёки яна бир бошқасидан, тушуныпсизми. “Мен...мен маълумотли одамман. Мен нима деяётганимни биламан. Мен бу сакровчи тақводорларни ниматалаб ташлайман. О, буюк авлиё ота, сен фақат менга ана у ёққа боришимга рухсат бер, мен ўша ердаги урушқоқ баттолларни битта қўймай ҳибсга оламан. Биз бу барча Илоҳий шифоланишларни тўхтатамиз”, — деган бўлиши керак.

Чўнтагига солди-да: “Мен йўлга тушаман”, — деди.

358 Ва ўша куни (ана қойил!) кундузи соат ўнбирларда Нур унинг юзига тушди ва у ерга кулади.

359 Нима сабадан? У азалда танланган Уруғ эди. Худо: “Мен уни танладим. (Ҳа!) У Менинг номим ҳақи қанчалар азоб чекиши кераклигини унинг ўзига кўрсатмоқчиман. Мен уни Мажусийларга юбораман ва у ҳар қанақасига обрўсизланади, таҳқирланади; бироқ у Менинг Исми ҳақида гувоҳлик қилади”, — деди.

360 Шунда Павлус чўлга, уч ярим йилга Арабистонга жўнади, токи ўша черковга хос бўлган барча нарсани унутиб, Каломни ўрганмагунича, ва Калом уни ўзи бўлди, ва у асирга айланди. Ва мана у муҳаббат ришталарида қайтаяпти! “Менинг барча семинария тажрибаларим билан тамом, тугади! Мен — Исо Масихнинг қули. (Омин!) Биродарим Филимўн, мен — Исо Масихнинг қулиман. Мен фақат У менга нима деса, шуни гапираман”.

361 Бугун Худога ўзини Унинг иродасига, Унинг Сўзига маҳбус қиладиган асирлар керак.

362 Мана Павлус ким эди. У қанчалик интеллектуал билимга эга бўлмасин, бунинг аҳамияти йўқ, Худони у ваҳий орқали таниди. Худди шундай. Ваҳий келганида интеллектуал билимлар умуман четланди, шу ваҳий қоясида Унинг уммати бунёд этилган. Худди шундай. Эътибор беринг, у азалдан танланган Уруғ эди.

363 Унинг Ким эканини фақат Муқаддас Рух кўрсатади. Биронта одам эмас... Одамлар бундан: “Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух” ва шунга ўхшаганларни қилади. Тушуныпсизми? Аммо Муқаддас Рух Уни намоён бўлган Самовий Раббий Худованд каби очади (о-о!), бу — У эканини!

364 Энди, эътибор беринг. На пайғамбарлар, на подшоҳлар, на бошқа бирор киши, бироқ бу ерда биринчи марта Худо Масихда очилган эди, Ўз комиллигини Унда жо қилиб, инсоний танада. [Бранхам ака олти марта кафедрани қоқди.—Тахр.] Ана шу очиқликдир. О, менинг Раббим! Ҳозир мен сизларга бир куплетни куйлаб бераман.

Халқлар ўзгармоқда, Исроил уйғонмоқда (шундай эмасми ахир?)

Мажусийларни (черковларни, деноминацияларни) — уларни кунлари санокли;

Аломатларнинг амалга ошишлари, халқларнинг саросимаси,

Халқ, ўзингиларга қайтгин! (Сизларни у ердан қувган эдилар.)

Ўша сотиб олиниш куни келаяпти,

Қўрқувдан халқ инграмоқда;

365 Уларнинг барча голливудча ҳазиллари буни бекитолмайди. Бу худди ёш болани кечаси мозордан ўтаётганида чалган хуштагига ўхшайди. Тушуныпсизми?

Чироғингни тўлдир ва тоза сақлагин,

Юқорига назар сол! Қутқарилиш яқин.

Сўздан узоқ бўлган сохта пайғамбарлар кўтариладилар,

Худованд Исо Масих бўлганлигидан. (Бу шундай.)

Дунё бизнинг вақтимизда Ваҳийни рад этган бўлсада,

Бироқ бизнинг йўлимиз унда асосланган.

Ўша сотиб олиниш куни келаяпти,

Қўрқувдан халқ инграмоқда;

Чироғингни тўлдир ва озода сақлагин,  
Юқорига назар сол! Қутқарилиш яқин.

<sup>366</sup> Биродар, бу ваҳийни қабул қил. Бу насл Илоҳий ваҳийни рад этайдими? Кўряпсизми? Сохта пайғамбарлар қилади буни. “Уларни мевасидан билиб оласиз”. Улар чатишганлар. Улар, Калом бўлган, Ўзини Масих орқали очаётган Худонинг ваҳийсини, Худонинг Каломини ўрнига ташкилот билан бир хил бўлди. О-о, ана бўлмаса!

<sup>367</sup> Шу ерда тўхтасак ҳам бўлар эди, лекин агар...агар истасангиз мен яна келганимда давом эттираман. Ҳозир... Сиз давом эттиришимизни хоҳлайсизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] Ўзингиз биласиз, агар хоҳласангиз. Шундайми? Озгина... Мен чакқонроқ гапираман, хуллас, шу учун... Лекин бу...сизлар учун етарлича вақт ажратаман... Ундан кейин сизда дам олишингизга вақтингиз бўлади. Яхши.

Худди шу нарса. Эътибор беринг, бу танланган Уруғ!

<sup>368</sup> Унинг Ким эканлигини биргина Муқаддас Рух сизга кўрсатади; пайғамбарлар ҳам ёки шоҳлар ҳам эмас. Лекин бу ерда танада бўлган Худо. Бу тўлиқлик. У бутунлай очилди ва дунёга маълум бўлди! О-о, қойил!

<sup>369</sup> Худонинг Ўзи гувоҳлик берган ўзгариш тоғига қаранглар: “Бу Менинг Севикли Ўғлимдир. Унга кулоқ солинглар!”, — деди. У ерда қонунни ифодалаганича Мусо турган эди. У ерда пайғамбарларни ифодалаганича Илёс турган эди. Бироқ У... Улар кетдилар ва У деди: “Бу Менинг Севикли Ўғлимдир. Унга кулоқ солинглар!” – деди. У ерда уч нарса тақдим этилган эди: қонун, пайғамбарлар ва Масих. Ва шунда У: “Бу Ўшадир”, — деди. Худо пайғамбарларда тўлиғича намоён бўлмади, қонунда ҳам ифодаланмади; лекин У Масихда намоён бўлди. У намоён бўлди.

<sup>370</sup> Масих раҳм-шафқатли. Қонун сизни зиндонга тикди, лекин озад қила олмади. Сизни бу учун ҳукм қилиш ва ўлдириш учун пайғамбарлар — Худонинг адолатидирлар. Рост. Лекин Исо танланган Уруғга, уни Ўзи чақирганини била олиши учун Худонинг муҳаббати ва шаҳодати (ваҳийси) эди. “Бу Ўшадир. Унга кулоқ солинглар!”

<sup>371</sup> Билиб олинглар ахир! Худонинг бутун комиллиги маълум бўлди. Ушбу яширин сир энди очилди, Худо намоён бўлди. Худо билан инсон битта бўлди, мойланган Одам, Масих! Масих нима дегани? “Мойланган”. Мойланган, Қайсики Худонинг тўлиқлиги билан танада мойланган. Қандай қилиб одамлар бундан шубҳаланадилар?

<sup>372</sup> Қачонлардир Мусо Унга қисман эга эди; Довуд Унга қисман эга бўлган эди; аммо бу ерда У тўла комилликда намоён бўлди. Одамларнинг гуноҳлари учун ўлиш учун, Ўзининг Черковда устунликка эга бўлиши учун унга муқаддас Ҳаётни келтириши ва бу охириги кунларга берган ҳар бир ваъдасини ушбу кунларда намоён қилиш учун — Худонинг Ўзи ер юзиде турар эди. Худо Ўз тўлиқлигида, Тушунапсизми? Нима учун...

<sup>373</sup> Энди, эшитинглар. Эшитаяпсизларми? Ўзингизни озгина чимчиланг. Яхши? Дикқат қилиб эшитинглар.

<sup>374</sup> Нима учун Исо намоён бўлди? Худони кўрсатиш учун. Уни Ўзи Худо эди. Ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас; ҳеч ким ўла олмас эди, ҳеч қандай пайғамбар ўла олмас эди. У Худо эди. У пайғамбарларнинг Худоси эди. У пайғамбарлар ҳам эди. У шоҳлар ҳам эди. Тарих ҳам Унинг Ўзи эди. У келиши керак бўлган Ўша эди. У азалдан бор бўлган Ўша, ҳозирда бор, ҳамда мана шу кунда бўлиши керак бўлган Ўша: кеча, бугун ва Абадий Ўшани Ўзи. У мана шу мақсадда намоён бўлди.

<sup>375</sup> У Черковда устунликка, биринчиликка, Ўз ўрнига эга бўлганида, бу охириги кунларга ваъда қилинган Худонинг ҳар бир Сўзини У — Худонинг тўлиқлиги — мана шу мақсад орқали амалга ошира олиши учун. Исо: “Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан ҳам буюкроғини қилади. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман”, — деди. Кўряпсизми, Унинг мақсади шунақа эди. Намоён бўлиши шунақа эди. Энди бугун У буни шунчалик кўра оладиганларни топишни истайди, қайсиларки Сўзга батамом руҳсат беради...

<sup>376</sup> Тушунапсизми, Исо буни шунчалик кўрдими, У ўша кун учун шунчалик ўз вақтида туғилган эдики, Худо Унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатида намоён бўлган эди. У Худонинг шаҳодати, ваҳийси, очилган Худо эди.

<sup>377</sup> Хуллас, бу охириги кунда У ҳар бир ваъдани очиб бера олиши учун, Ўз Рухи ва Қони билан У Черковни муқаддаслади. Энди қаранглар, қолган барча руҳоний эрлар олмаган, ўтган замонлардан қолган ўшаларни бу охириги кунларга йиғишни удалай олмадимми ахир, ва Муқаддас Рухи билан Етти Муҳрнинг барча сирини оча олмадимми? Мана кўряпсизми? У Ўзини ифодалапти. Мана шунақа Унинг Мақсади. Мана нима учун ҳам У ўлди! Унинг уч ёқлама намоён бўлишидан иккинчи қисми шунақа. Биринчидан, Ўзини Масихда ифодалаш, кейин Черковда Ўзини намоён қилиш. Ва худди шундай — Масих Калом эди, ва Черков ҳам Каломни ўзи орқали ўтишига қўйганида Калом бўлади.

378 Аммо улар деноминация гибридини, чатишмасини қабул қилганларида қандай қилиб Сўз у орқали ўта олади? Бу ерлашади (ерга тегади, тушади) ва шунда қисқа туташув бўлиб, сақлагич куюди.

Кўряпсизми?

379 Лекин ток эркин оққанида — Худонинг Каломи — У Ўзини ифодалайди. “Мен қилган ишларни сизлар ҳам қиласизлар”. Ва охирги кунларда бу содир бўлади: “Мана, Мен сизларга Илёс пайғамбарни юборяпман ва у фарзандларнинг юракларини оталари Имонига қайтаради”.

380 Ва шунда У Ўзини Ўзининг Илоҳийлигини тўлиқлигида, Илоҳийликни Ўз Черкови орқали намоён қила оладиган шунақа вақт келади, шу Черковида устунликка эга бўлади. О-о, ана холос! Нима? Мойланган Зот, энди мойланган одамлар (о-о!), яна Мойланган Келин ва Куёв бўлиши учун. Нима билан мойланган? Момо Ҳаво ва Одам Ато рад этган нарсани қабул қилиб, Каломдан мойланиб қайтиш, чунки У деди: “Менинг Сўзим Рух ҳамдир”. Тушуняпсизми, Сўз билан мойланган. Момо Ҳаво рад этган нарса билан У қайтапти, биз эса қабул қилаяпмиз.

381 Яна шу гибрид ҳолатни кўряпсизми? Момо Ҳаво билан айнан шу нарсани қилган эди у.

382 У Момо Ҳавога: “Сен буни қилма ва уни қилма, ва сен мана буни ва ана уни қилишинг мумкин”, — деди.

383 Иблис эса: “О-о! Сен биласанку...”, — деди. Лекин у ўгирилди ва уни эшитди.

384 Аммо бу Момо Ҳаво охирги кунда бундай қилмайди, чунки унга буни қилмаслик тақдир этилган. Худди шундай. Худода ҳаммаси шундай бўлади. У билади. Унда...бўлмайди... Черков бенуксон бўлиши керак, деди У. У у ерда Унинг намоён бўлган Каломининг улуғворлигида туради.

385 У бу дунё учун Нишона, Аломат бўлади. У... бўлади. У бу дунё учун шунақа бўладики, дунё қарайди ва: “Э...”, — дейди. Қолган бутун дунё: “У шундай тақводор. У бизга қариндош эмас. У бизнинг гуруҳга тегишли эмас”, — дейди. Мен буни биламан. Ва бу яхши ҳам, тушуняпсизлар. У...У ўша юқоридаги Гуруҳга тегишли.

386 Яқинда бизлар гаплашиб турганимизда бир одам мендан сўради: “Яхши, сиз қайси деноминацияга тегишлисиз?” — деб.

“Ҳеч қайсига”, — дедим мен.

“Нима?”

“Ҳеч қайсига, — дедим мен, — мен Шоҳликка тегишлиман.”

“Яхши, аммо сиз қандай қилиб қўшилдингиз?”

“Унга келиб қўшилмайдилар. Унда туғиладилар”. Мана қандай!

“Бу қанақа Шоҳлик экан?”

“Исо Масихнинг сирли Танаси”, — дедим мен.

387 “Ҳаммамиз бир бадан бўлиш учун ўша битта Рухга чўмганмиз”, — Унинг Рухидан туғилдик, шунда биз Шоҳликка тегишли бўламиз. Ва ҳаётимиз бўйича америкалик эмасмиз, немислар эмасмиз, кимлардир эмасмиз, биз — Христианлармиз (Масихчилармиз). Биз дунёвий нарсаларга нисбатан муҳаббат куллариديمиз, мустаҳкаммиз ва Рухда юрамиз. Бу дунёга бўлган ҳуқуқларимизни сотдик ва ушбу Қимматбаҳо Зумрадни сотиб олдик ва Муқаддас Рухга Ўзини намоён этишига имкон бериб яшаймиз. Мана қанақа Унинг ҳақиқий Черкови. Мана сизлар қанақасизлар ва мен қанақаман, агар бизлар фақат шу ўзимиздаги “мен”ни қолдирсак ва қандайдир таълимотда айтилгани бўйича эмас, балки Худога Унинг Сўзи бўйича хизмат қилсак.

388 Эътибор беринглар, бу ерда мойланган Инсон, Масихнинг Ўзи, Худованд очилаётган бўлсада, лекин энди... Қаранглар! Аммо...аммо энди... Нега? У устунликка эга. Худо Исо Масихда тўла-тўқисликда намоён бўлди — Худонинг буюк сири Унинг ваҳийси.

389 Ваҳийнинг ушбу буюк нури доим бу дунёнинг донолигини кўр қилганди.

390 Исо Масих кунларида, У ер юзида бўлганида, улар-улар кўрмайдиган бўлгандилар. Улар: “Ахир, сен ўзингдан Худо қилаяпсан-ку! Сен ўзингни Худога тенглаштираяпсан!” — дедилар. У нафақат Худога тенг, балки У Худонинг Ўзи эди. Тушуняпсизми? Кўряпсизки, улар буни тушунмадилар. Ҳа, дарвоқе, сизлардан баъзиларингиз...

391 Мунофиқлар бир куни менга, Исо ҳеч қачон Худонинг Ўғлиман демаган, деб айтдилар. У айтган. У аниқ айтган. Сен Муқаддас Китобни билмайсан, холос. У қудуқ ёнидаги аёлга нима деган эди?

Кўряпсизми? Унга нима деганди У?

392 “Масих келишини биламиз. У келганида, У шу ишларни қилади”.

“Сен билан гаплашаётган Мен Ўшаман”.

Худди шундай Павлусга ва бошқаларга ҳам.

Эътибор беринг. Аммо ҳозир Черков устунликка, биринчиликка эга.

393 Худонинг буюк сири ҳар доим бу дунёнинг донолигини кўр қилган. Улар буни тушуниб етолмайдилар. Улар шунчаки буни англамайдилар. Шайтон буни тушунмайди. Қолганлар буни

тушунмаяпди, лекин фақат буни — Худо билан Масих Бир эканини тушуниши учун танланганлар тушунадилар. Улар ҳар сафар Уни учга бўладилар. Кўряпсизми? Улар шубҳасиз шундай қиладилар.

<sup>394</sup> Дикқат қилинглари, кейингиси, иккинчидан, улуғворликка умидингиз — намоён бўлган Масих сизда. Бу Масихда намоён бўлган буюк Худо — энди Масих сизда намоён бўлаяпди.

Бизлар шошиламыз.

<sup>395</sup> Қаранглари! Бир пайтлар Худонинг буюк сири, Унинг фикридаги буюк яширин сири, энди Унга ишонганлар юрагига, яъни Унинг Танасига солинди. Дунё яратилишидан аввал Унинг ақлида нима буюк сир бўлган бўлса, энди, ҳозир намоён бўлди. Бир ўйлаб кўринг-а!

<sup>396</sup> Буни бизлар тушунмаяпмиз, буни англаяпмиз, деб ўйлайман. Ҳа, мен буни керакли тарзда кўролмаяман, сизларни ҳам шундай деб ўйлайман. Кўряпсизми?

<sup>397</sup> Аммо Худонинг буюк сири, эндиликда Исо Масихда очилган эди ва ундан кейин Черковга узатилган эди. Бир вақтлар Худонинг фикрида нима бўлган бўлса, энди Масихнинг Танасида. Исо Жамоатига, Ўзининг Келинига муҳаббатини изҳор қилмоқда, Унга сирларини пичирламоқда.

<sup>398</sup> Сиз хотинингизгами ёки уйланмоқчи бўлган қизингизгами ниманидир қандай айтиб беришни биласиз. Сиз уни шунақа қаттиқ севадизки, сиз унга сирларингизни айтасиз ва ёнингизга яқинроқ ўтирғизасиз, “сени севаман”, дейсиз ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасини биласизлар.

<sup>399</sup> Айнан мана шу нарсани Худо, Масих Жамоати билан қилади. Кўрдингизми? У Унга сирларини билишига кўйиб беради, фақат сирларини. Таннозликни эмас; мен Унинг Хотинини назарда тутаяпман. Тушуняпсизми? Яхши. Энди қаранглари. Ўзининг марҳамати туфайли уларга Унинг сирини ваҳийсини очиб беради. Унинг марҳамати билан улар тушунадилар! Худди Худонинг марҳамати... Одамлар, мен буни биламан...умид қиламанки, сизлар буни шахсан қайсидир бир *ана бу* ёки *ана* у гуруҳга айтиляпти деб тушунмайсизлар; бироқ Худо сирини бутун Черков билан бўлишаяпди, агар улар уни қабул қилсалар. Тушуняпсизларми? Бу фақат менга ёки сизга тегишли эмас. Бу, У киришга уринаётган Черковига тегишли.

<sup>400</sup> Ва сиз: “Яхши, нима учун улар буни қабул қилмайдилар?” — деб айтасиз. Улар буни қабул қилолмайдилар. У яна деди... у буни ҳаммаси ҳақида айтди. “Бу қандай бўлиши мумкин?” Чунки Ишаё, улар буни кўриб билмайдилар, деб айтган эди. Тушуняпсизми? Ва У доим дегани...

<sup>401</sup> Пайғамбар Павлус бундай деган эди: “Охирги кунларда одамлар бемулоҳаза, мағрур, Худодан кўра айш-ишратни кўпроқ севадилар, муросасиз ғийбатчи, нафсни тия олмайдиган, инсонлик ва яхшилик душмани; кибрли, мақтанчоқ; ўзларини художўй кўрсатиб, илоҳий кудратни эса инкор этадилар; бундай одамлардан узоқлаш. Улар гуноҳларга ботган, турли ҳирсу-ҳавасларга берилган жувонларнинг уй-жойларига суқилиб кирадилар ва уларнинг дилини овлайдилар, — шортлар кийган ва сочларини кесган ва ҳоказо, — турли ҳирсу-ҳавасларга ботган ва: ‘Ҳаммаси жойида. Э, буларни ҳаммаси ақлдан озганлар. Ҳеч қандай... эътибор берманг...’” Кўряпсизми? “Ҳеч қачон ҳақиқатни уқа олмайдилар. Янис билан Ямбрис Мусога қандай қарши турган бўлсалар, бу одамлар ҳам ҳақиқатга худди шундай қарши турадилар”, черковлар тузишга ва одамлар гуруҳлари тузишга қодирдирлар. Ҳа, худди шундай.

<sup>402</sup> “Аммо уларнинг ақлсизлиги ҳаммага маълум бўлади”, — қачонки Исо Ўз Келинини олиб кетиб, Уни юқорига кўяди ва: “Мана У”, — дейди ва У Келин билан учиб кетади. Мана шундай. Уларнинг ақлсизлиги эса билиниб қолади.

<sup>403</sup> Унинг марҳамати туфайли уларга бу сирнинг ваҳийсини очилишига қаранглари! Қаранглари! Бу буюк ваҳий, очилган сир, сизга маълум бўла бошлаганида, сиз бу дунёнинг барча (ишларини) нарсаларини рад қиласиз. Кўрдингизми?

<sup>404</sup> Мен яна бир бор бунга қайтмоқчиман. Мен буни айтмоқчи эмас эдим. Мен буни кассеталар учун ва ҳамма жойларда уларни эшитадиган, ўша одамлар учун бунга қайтаяпман. Бу кассета бутун дунё бўйлаб боради. Тушуняпсизларми?

<sup>405</sup> Сиз аёллар, Муқаддас Рухга чўмганман дейсизлар-у, аммо сочларингизни ўстиришга журъатингиз етмайди; ҳолбуки Муқаддас Китоб буни қоралайди ва аёл... эркак, агар унинг аёли сочини кесса, хотинини ҳайдаб юборишга ҳаққи бор, дейди. Ва бундай қилиши Худонинг олдида шармандалик бўлмайди. Яна Муқаддас Китоб, агар у сочларини кесиб турса, унда у ўзининг бошини бадном қилади, дейди. Ва бу нарса умумқабул қилинган...ахир биласиз, бу умумқабул қилинди, чунки аёл қирқилган сочи билан ибодат қилаяпди ҳатто. Тушуняпсизми?

<sup>406</sup> Шортлар, шимчалар ва шунга ўхшаш ҳар нарсаларни киядилар! Муқаддас Китоб эса: “Ҳар қандай аёл, қайсики (о-о, сен айтасан...) эркакка тегишли бўлган кийимни кияди Худо учун жирканчлидир”, — дейди, уни расво бўлган, ифлос, қандайдир эски, сассиқ хожатхонадай дейди. Тушуняпсизми? Худо учун бадбўйлик! Ва ундан кейин шу кўринишинг билан сен ибодат қилмоқчимисан? Худо рад этади, сендан юзини буради. Бу ҳақиқат.



407 “Хўп, — дейсиз сиз, — энди бир дақиқага тўхта-да Бранхам ака, сен Эски Ахд ҳақида гапиряпсан”.

408 У кеча, бугун ва абадий худди Ўшанинг Ўзидир. Бу Худонинг тўла очилганидир. Худо қачондир нима деган бўлса, у буни ҳеч қачон ўзгартирмайди. У доимо буни кучайтиради, аммо ўзгартирмайди буни. Қонун кучайтирилган эди, лекин ўзгартрилмаган эди. Кучайтирилган!

409 “Ҳар қандай зино қилган киши, ўлдирилсин”, бироқ, ҳозир эса кучайтирилган, “аёлга шахват билан қараган ҳар қандай одам!” У ҳеч қачон амрларини ўзгартирмаган. У мураккаблаштирди, уни оширди, орттирди.

410 “Шаббат кунини муқаддас деб билинг, бу кунга риоя қилиб юринг”, ҳафтада бир кун; энди У буни кучайтирди, “фароғат” Худони Руҳини ўзида сақлашдан келиб чиқади. “Амр устига амр, қоида устига қоида; озроқ у ердан, озроқ бу ердан. Яхшилик пайида бўлинглар. Зеро Мен бу халққа ўзга тилда ва тушунарсиз шевада гапираман. Ва мана шу оромдир. Бу Раббий Ҳузуридан чиқиб келаётган тинчланиш”.

411 Аммо улар Буни эшитишни хоҳламадилар ва бошларини сарак-сарак қилдилар, секин-секин нарига, ўзларининг деноминацияларига одимладилар. Ҳа, “Бу тинчланишдир”, — тушуняпсизми, шанба кунини мураккаблаштираяпди, бу шаббатчилар ва бошқалар учун. О-о, ана қойил! У ўзгартирмаяпди, У буни кучайтираяпди. “Дўзах уларни қабул қилиш учун эшикларини очди”.

412 Мана шундай, энди охири вақт Мактубини кўряпсизми, нима учун Уни рад этадилар. Шундай эмасми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр] Мана шундай, деноминация эмас, балки Унинг сирларини очилишидир. Тушуняпсизми, ҳеч қанақа деноминация эмас. Ваҳий! Худо деноминация орқали тушунилмайди. У ваҳий орқали тушунилади.

413 Қаранглар! Худо Ўзининг Танасида — Масихда, Масих эса Ўзининг Танасида — Келинда. О-о-о, ана бўлмаса! Худо Масихда намоён бўлди, Масих эса Келинда намоён бўлди! Худо Одамнинг танасидан аёлни олганидай ва у йиқилган эди; худди шундай Худо Масихнинг Танасидан, Унинг Каломи бўлган Унинг этидан Келинни чиқараяпди, қайсики деноминация ёки таълимот орқали йиқилмайди. Ҳеч қанақасига! Бироқ У тоза, беғубор Худо Каломи намоён қилаётган кўринишида қайтади.

414 Умид қиламанки, бу кассетани эшитаётган ҳар бир одам буни тушунади. Тушуняпсизми?

415 У — иккинчи Момо Ҳаво, аммо У Ўзининг поклик ва муқаддаслик либосларини Эрини олдида ифлос қилмайди, кир қилмайди. У ким нима гапиришига қарамасдан, Унинг Сўзи билан туради; сиз бу барча ўзингиз истаган экуменик ҳаракатларга ва бу тегишлиликларга эга бўлишингиз мумкин.

416 Ҳа, улар яқинда таъқиб қилишни бошламоқчилар ва шу яқинларда, ҳамма черковларни ёпмоқчилар. Сиз буни кўряпсизми. Черковларни бўлса, мана шунга ўхшаганларни, деноминация бўлмаганларни улар омборларга айлантирадилар. Агар экуменик ҳаракатга (экуменик ҳаракат – бу ҳаракат, турли диний конфессияларни бирлашиш ҳаракати. – Тарж.) тегишли бўлмаган борса-да, бирор киши учун ибодат қилса, уни ўша жойда отиб ташлайдилар. Бу бор... Олий лютеран хизматчиси, буларнинг энг каттаси шундай деди. Бу нарса шу ерда, уни сиз ана у ерда, журналдан ўқишингиз мумкин. Бу аниқ.

417 Уларни нима дейишларини аҳамияти йўқ, бу Черков ушбу Нурга содиқ қолади. У буни аллақачон, ўшандаёқ исботлади, ва У нима бўлишидан қатъий назар, яна шунақа бўлади. [Бранхам ака минбарни бир неча марта тақиллатди—Таҳр.] Бу Худонинг Каломидир. Улар бўлса, барча экуменик ҳаракатлар ва барча қолганлари тамом бўлади. Келин У Ерда тоза ва бенуқсон туриш ҳаракатида. Бу аниқ. У ўша ерда ҳозир бўлади.

418 Эътибор беринг, Худо Унинг Танасида, Масихда намоён бўлди. Энди сиз уч ёқламаликни кўрдингиз, жуда созми?

419 Масих Ўзининг Танасида, Черковда, Худо Масих орқали қандай тасдиқлаган бўлса, Ўзининг ваъда этилган Каломини тасдиқламоқда.

420 “Ким Мени гуноҳда айблаб билади? Агар Мен Отамнинг ишларини қилмасам, унда Мен қаерда риоя қилмай қўйдим? Энди сизлар, йигитлар, сиз уларни бажараётганингизни (сизнинг деноминациянгиз) айтасизлар, унда кўрсатинглар Менга. Ҳа, шундай. Кўрсатинг Менга, Масих сифатида қаерда Мен чекиндим. Кўрсатинглар, қаерда Мен хато қилдим ва қаерда битта бўлса ҳам аломатни бажармадим, қайсики уни Худо Каломи бўйича Масих бажариши керак эди-ю, Мен уни бажармадим”, — деди У. Кўряпсизми? Худо Ўзининг Танасида.

421 Шундай қилиб, Масих: “Мен қилаётган ишларни сизлар ҳам қиласизлар”. Кўряпсизми, кўряпсизми, худди Ўша Худо. Тушуняпсизларми? “Менга ишонган киши, Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман”, — Черков Унинг ваъда этилган Сўзини тасдиқлаб кўпроқ Нурда бўлади. Энди Ўзининг сирини Ўзининг Келинни

Дарахтига охирги кунда очиб, Дарахтда бўлган дастлабки меваларни олиб келиб, худди Худо Ўзининг ваъдаларини Масихни Танасида [Бранхам ака минбарни икки марта тақиллатди—Тахр.] амалга оширганидай, Масих ҳам айнан ўша Ўзининг ишларини Масихни Танасида, Черковда (тушуняпсизми?) бажараяпди Кўряпсиз, энди аввал бошдаги Дарахтда бўлган ўша меваларни келтириб, Унинг сирини Унинг Келини Дарахтида топиб, Худо ваъдасини Масих танасида қандай амалга оширган бўлса, худди шундай Масих ҳам Унинг ишларини Масихнинг Танасида, яъни Черковида ҳам қилади.

<sup>422</sup> Дикқат қилиб қаранглар, дарахт новда ўстирди — лютеранларни. У нима қилди? Дарахт ўса бошлаганида у билан бирга мева ҳам ўсди. Нима бўлди? Улар уни деноминация қилдилар. Шунинг учун боғбон келди (Ота, Хўжайин) ва уни кесиб ташлади: “У ўлик”.

<sup>423</sup> Веслей издошлари пишдилар; жуда яхши етилди. Улар нима қилишди? Мева яна қайтиб дарахтга борди, хуллас У узум новдасини кесди — ўлик.

<sup>424</sup> Менга биттасини бўлса ҳам, битта черковни кўрсатинг... Мен билмоқчиман. Мен черковларнинг тарихини ўттиз уч йилдан бери ўрганаман (биламан). Менга битта жой бўлса ҳам, бир марта бўлса ҳам черков бирор жойда ташкилот айлансинда ва ўша ерни ўзида ўлмаганини кўрсатинг. Фақат аъзоликни сонини, уйғонишларни ва шунга ўхшашларни ҳисобга олмай, менга битта жой бўлса ҳам кўрсатинг-чи, уларни яна оёққа турганларини. Кўряпсизми? У ерда бунақаси бўлмаган. Ҳеч ҳам йўқ. У тамом бўлди.

<sup>425</sup> Шундай қилиб, уни Боғбони нима қилди? Келди-да, уни кесиб чикди. Кўряпсизми? У деноминация мевасини етиштирди; апельсин дарахтида лимонлар, шунинг учун У уни қириб чикди. (кўряпсизми?), парваришлаган эди, ўстирган эди уни....

<sup>426</sup> Аммо дарахтнинг ўзаги қаерда? Шундоққина ўртасида. У уларнинг ҳаммасини тагидан то энг учигача кесди...

<sup>427</sup> Бу ерда унинг томирида Уруғи бор. Оқар сувлар бўйида ўтказилган дарахтга ўхшаб, ким Худонинг қонунлари ва севгисини юрагига (жойлади) қабул қилади: “Оқар сувлар канорига ўтказилган, — 1-Сано, — мевасини мавсумида тугадиган, барглари эса сўлмайдиган дарахт кабидир у киши”. Бу ерда бўлса, тўппа-тўғри...

<sup>428</sup> Мевалар қаерда тезроқ етилади? Дарахтни учида. Нима учун? Унга ёруғлик тушади. Омин! Бу тўғри. Ва дарахтнинг нақ учида, мана шу охирги кунларда, У Келин Дарахтини ўстиради.

<sup>429</sup> Энди ёдингизда бўлсин, “илон уруғи”га умуман тескари, У Ҳаёт Дарахтидир, кўрдингизми. У — ўша Уруғ, “аёл Уруғи”, боғдаги Ҳаёт Дарахтидир. “Энди у қўлини узатиб, ҳаёт дарахти мевасидан ҳам олмасин, мевани еб, абадий яшайдиган бўлиб қолмасин”. У эса — ягона Дарахт, Ундан еб, абадий яшаш мумкин. Унинг Каломи — Ҳаётдир. Демак, бу Калом, Худованд Каломи қайсиданки Адан боғида Момо Ҳаво юз ўгирган эди; ва шунда мана Масих — намоён бўлган Калом.

<sup>430</sup> У ер юзига келганида, У мана шу Ҳаёт Дарахти эди. Сиз бунга ишонасизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] Рим бўлса-чи, улар нима қилдилар? Уни кесиб ташлашлари керак эди. У шармандалик дарахтига осилган эди, “Ёғочга осилган ҳар бир киши лаънатидир”, — инсоният ирқи учун лаънати бўлди.

<sup>431</sup> Энди эса бу орқали У Келин Дарахтини ўстираяпди, қайсики Унга қайтарилган Ҳаёт Дарахти бўлади У, худди Эдем Боғидаги Эр ва Хотиндай, [Бранхам ака бир марта қарсак чалади—Тахр.] (о-о, Худога шон-шараф!); худди ўша Калом ва худди Ўша Худо орқали, [Бранхам ака тўрт марта минбарни тақиллатади—Тахр.] Эр ва Хотинда намоён бўлган — яна қайтадан худди ўша Келиннинг Дарахти; эътибор қилинг, уни очаяпди!

<sup>432</sup> Хуллас, о-о, бу ерда шунча кўпки, биз узок давом эттиришимиз мумкин. Шунинг билиб қўйингки, Масих Дарахти, боғдаги Таналар, қилаяпди...ҳозир Ўзининг сирини ушбу Келин Дарахтига ошкор қилаяпди.

<sup>433</sup> Эътибор қилинг, Масих томонидан, иккинчи Одам томонидан кутқарилган! Бу ўша эканлигига сиз ишонасизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] Яна Уйга қайтиб, Аданга, ўзининг йиқилган хотини билан, яна Уйга қайтарилиши учун сотиб олинган хотини билан! Бугун бу Масих ва Черковдир; Ўзининг Хотинини қайтариб олиб кетаяпди. Энди кўряпсизми уч ёклама сирни? [“Омин”] Худо Масихда намоён бўлди; Масих Черковда намоён бўлди — ўша Қондан ва ўша Рухдан ва бошқалардан яратилган, битта бўлган эркак ва аёлни, биринчи Одам Ато ва Момо Ҳавони ортга қайтариш учу ҳаммаси биргалиқда.

<sup>434</sup> Рух орқали Черков Масихнинг Қонидир, чунки Ҳаёт Қондир. Бу Муқаддас Рухга чўмдирилиш, қайсики Унинг Танасига чўмдиради, қайсики фақат Унинг Танасини, Унинг Этини, Унинг Каломини тан олади. [Бранхам ака кўп марта Муқаддас Китобини қоқади.—Тахр.]

<sup>435</sup> Деноминация ҳеч қачон бунгача етиб бормади. Бу — (вахий) очикликдир. У (деноминация) буни билади. Худди шундай Момо Ҳаво ҳам буни билган эди, бироқ у йиқилди, Бу (Келин) эса бу ҳақида билади ва йиқилмайди. У олдиндан танланган шунга! Ҳалеллуйя! Унга йиқилмаслик тақдир этилган. У

хато қилмайди. У мана шунга тақдир қилинган. “Қандай саодатли ундай киши-ким, Худованд инобатга олмас айбин”. Хизматчи акалар мен нима ҳақида гапирётганимни биладилар, бу ерда сизлар кўпчиликсизлар. Кўряпсизми? “Қандай саодатли ундай киши-ким, Худованд инобатга олмас айбин”, — Довуд.

<sup>436</sup> Дикқат қилинлар, қутқаради ва қайтаради Ўзи билан, Уйга кетадилар, инсон танасида Абадий Ҳаётга ортга: ейдилар, ичадилар, абадий яшайдилар. Ишаё шундай деган эди: “Халқим уйлар қуриб, ўзлари ўша ерда яшайди, тоқзорлар ўтқазиб, ҳосилини ўзлари ейди. Энди улар қурган уйларда бошқалар яшамайди”. Болаларини олиб қўймайди, балки улар У ерда ўз авлодлари билан бўладилар. У уни қуради ва ўша ерда яшайди. Омин. “У бошқа киши ейиши учун ўтқазмайди, у экади ва ўзи ейди”. Омин! Бу нима дегани? Унинг Келини У билан бирга қайтади, қутқарилган ва яна аввал, бошдаги Одам ва Ҳавога қайтади, [Бранхам ака тўрт марта минбарни тақиллатади—Таҳр.] зеро ўлим ортга қолади. Улар орқага, хочга қарайдилар ва ўлим билан орани очиқ қилганларини, узилганларини кўрадилар.

<sup>437</sup> У билан Уйга кетишимиз учун Куёвни кутиб, ортимизга, бизни сотиб олганга қараб ва ҳозирнинг ўзида Самовий жойларда ўтирганимизча, бизлар имонимиз билан У билан бирга тирилдик.

<sup>438</sup> Асрлар оша ҳар бир пайғамбариди, ОдамАто ва Момо Ҳавода намоён бўлган Худонинг уч ёқлама мақсади. Ва Ўша Кимки келади, Ўша Кимки бор... Ўша кимки келаде — тўлик намоён бўлиш, Худо Каломининг очилиши, Одам Ато а Момо Ҳавони ортга Уйга сотиб олинган ҳолда қайтиши — Худовад Ўзини очаяпди!

<sup>439</sup> У ерда У Довуднинг Тахтида ўтиради. Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Ва ҳамма нарса бўлади... Барча халқларни темир ҳассаси билан бошқаради. У ерда ҳар икки томондан дарахтлар бўлади. Ва бу келадиган ҳар бир халқ учун шифо бўлади. Бу барглар халқларнинг шифоси учун бўлади. Шохлар унга ўз шарафларини келтиришади. У ерда ҳеч нарса камситилмайди, бунақа нарса у ёққа кирмайди. Ва Сион тоғида кечаю-кундуз Нур бўлади ва нажот топганлар ўша Нурда юрадилар. Ҳаллелуйя!

<sup>440</sup> Бу ўйлаб топилган афсона эмас, бу теологик концепция эмас. Бу Унинг порлаган Каломи орқали Исо Масихнинг ваҳийси. У ҳар бир асрда ҳақиқат эди, ва бу Калом мана шу ерда ҳам ҳақиқат! Бу ҳозир шу ерда ҳақиқат. Бу мен учун ҳақиқат, бу сиз учун ҳақиқат ва мана шу ваҳийга эга ҳар бир эркак, ҳар бир аёл учун ҳам ҳақиқат. Омин.

<sup>441</sup> Худо Ўзини қандай очаётганини кўряпмиз ва сиз Унинг асири эканлигингиздан Ҳаёт булоғи тошаяпти. Сиз — Унинг севгисини асирисиз. Дунё кулиши мумкин, уларни масхара қилишлари ва: “Кетдик бу ёқдан”, — дейиши мумкин. Сиз кетардингиз, бироқ сиз — маҳбуссиз. Тушуняпсизми? Бошқа аёллар голливудлашиши мумкин, аммо сизлар эмас. Сиз — асирсиз. Кўряпсизми, сиз — Масихнинг асири. Бошқа эркаклар агар истасалар чекиши ва ичиши, айш-ишрат қилишлари, сўнг христианлар, нозирлар ва ҳатто воизлар бўлишлари мумкин, лекин сиз эмас. Сиз — асирсиз, Каломнинг асири. Худди шундай. Худди шундай.

<sup>442</sup> Ўз сирини Ўзининг Келинини Дарахтига очаяпди: Иккинчи Одам Ато, Масих томонидан қутқарилган, аввалги Аданга тикланган бўлиши учун Уйга қайтаяпди; ўлимдан, касалликдан, қайғудан, шармандалиқдан озод бўлганича, Абадий Ҳаёт билан қайтмоқда.

<sup>443</sup> Унда... Эшитинглар, шунча одам нотўғри тушунчага эгалар. Бу... Одамларни христианликка киритиш, унга бўйсундириш — бу Худонинг фикрида умуман бўлмаган. “Биз одамларни Христианликка киритдик, унга бўйсунтирдик”, — дейсизлар. Бу ундай нарса эмас. “Хўп, улар энди ичмайдилар, улар энди ёлғон гапирмайдилар”. Биласизми, Мухаммаднинг издошлари сиздан устун келишлари мумкин. Сиз биласизми, Африкадаги мана бу мажусийларни, мана шу қора танлилар қабилаларида шунақа қонунлари борки, улар сиз Христианликда қила биладиган ҳамма ишингиздан устун келиши мумкин.

<sup>444</sup> Бўлмаса-чи, мен ўша ёққа Шунгай деган қабилага борганман. Агар ёш қиз маълум бир ёшгача эрга тегмаса, у қолдириши керак... қабиласини тарк этиши керак, ўзининг қабиласига хос бўёғларини ўчириши керак. У шаҳарга кетади, шунчаки мардикор аёл бўлади. Ва агар у... Турмушга чиқиши олдидан бокиралиги текширилиши керак. Борди-ю, агар у бирор киши билан зино қилганлиги аниқ бўлиб қолса, унда у...у ким эканини айтиши лозим ва уларни иккисини ҳам ўлдирадилар. Ҳа. О-о, улар... улар, мана бу... ..аталувчилардан ўтиб кетолади.

<sup>445</sup> Хўш, агар шу Христиан деб аталувчилар орасида шундай қилганларида нима бўлар эди? Улардан тўқсон тўққиз фоизи тонг отгунича ўлган бўлардилар. Худди шундай. Рост, эркаклар ҳам, аёллар ҳам. Бу шундай эканлигини биласизлар.

“Нима?” “Мен тозаманку!” — дейсан сен.

446 “Ким бир аёлга шахват билан қараса ҳам, аллақачон кўнглида у билан зино қилган бўлади”. Энди бунга нима дейсиз? Сен ўзингни нима дейсан, эй опа, эркак кўзига ўзингни намоёиш қиласан? Сен ҳам, худди шу ишни қилганлар каби, айбдорсан. Тушуняпсанми?

447 “О-о, лекин буни ҳеч қиси йўқ”. Пастор кўрқади, бу ҳақида гапиришга, нега ахир? Агар у бу ҳақида очикчасига айтса, унинг деноминацияси раҳбарлари уни ҳайдаб юборадилар. Улар — чатишганлар. Улар Каломни қабул қилмайдилар. [Бранхам ака уч марта қарсак чалади—Таҳр.] Буни шундайлиги Каломда айтилган. Исо шундай деган, У эса — Бош.

448 Энди, эътибор беринг, Худованд Ўзини ошкор қиляпти. Йўқ... Биз одамларни Христианликка бўйсундириш орқали эмас, балки Худо Масихда бўлгани каби, Масих сиздалиги ваҳийси орқали. Худо Масихда қандай бўлган бўлса, худди шундай Масих сизда! Худо Масихда нима қилган бўлса, Масих сизда шуни қилади! Худо Масихда қанақа аломатлар қилган бўлса, Масих ҳам сизда шунақа аломатларни амалга оширади! О-о, ахир бу ажойиб эмасми? Менга бу ёқади.

449 Исо деди: “Ўша кунларда”, — яъни мана шу кунда. “Ўша куни, — мана шу ваҳий, очиклик маълум бўлганида, — Мен Отамда, Отам эса Менда; Мен сизларда, сизлар эса Менда эканлигини билиб оласиз”. Қачонки ваҳий намоён бўлади, “Ўша куни сиз биласиз, Мен ва Отам бирмиз; Мен Отамда ва Отам Менда”. Ваҳий келганида, ўшанда бу “Мен сизларда ва сизлар Менда”. Мана марҳамат сизга. Ўзаро боғлиқликка қаранглар, уч ёқлама намоён... нима учун? Яна орқага қайтариш учун. Бизлар қайтишимиз керак...

Исо Худо Каломи бўлгани каби, У буни исботлади ҳам...

450 Агар У қандайдир буюк теолог бўлганида эди, У Каломни намоён қилмас эди. Дунё излаган ҳақиқий ўша Масих (Мессия) бўлмас эди. Тушуняпсизми? Худди шундай, шундай бўлар эди ҳам.

451 Мана кимни изляптилар бугун улар, Билли Грейемдан ҳам устун келадиган қандайдир...кимнидир ёки уларни ташкилоти ёрдамида босиб ташлайдиган бирор кимсани кутаяптилар; ўрнидан турсаларда, бу Баптистларга улар нимада турганини билишини кўрсатса. Шубҳасиз. Улар шунақасини қидирадилар. Бироқ Черков итоаткорлик ва Тирик Худо, Масихнинг аломатини қидиради.

452 Исо буюк теолог бўлмаган эди. У дурадгорни ўғли деб аталадиган оддий деҳқон эди. Кўряпсизми? У ҳамма жойда юрди, лекин Худо... У деди: “Сизлардан бирор киши Муқаддас Битикларда Мен ҳақимда айтилганлардан биронтасини қилмаганимни кўрсатсин”, — деди.

453 Шундай қилиб, Черков бугун худди ўша ишларни қилиб билади. Масих нима қилган бўлса, Черков ҳам бугун шуни қилади. “Мен Отамда, сизлар Менда ва Мен сизларда ҳозир эканимни ўша кунда фаҳмлайсизлар”. Кўряпсизми? Мана шунақа, Сионга қараб олдинга одимлаб боряпсиз (қаёққа?) — Шоҳликка! “Мен сизларда эканимни ўша куни фаҳмлайсизлар”.

454 Бу ёққа бир қарангларда! Бу ерда, бу ажойиб. Сиз буни ўтказиб юборишингизни истамайман. Энди ҳамма, сизлар ҳам, кассеталарни эшитаётганлар ва жунглилардагилар ҳам, сиз қаерда Буни эшитганингизда ҳам, эшитинглар.

455 Исо: “Отам Мени юборганидек, Мен ҳам сизни юбораман”, — деган эди. Кўряпсизми? Энди диққат билан қаранглар. Уни юборган Ота, Унга кирди, Ўзининг ҳуқуқини исботлаш учун, зеро У Калом эди. Сизни юбораётган Ўша Исо ҳам, худди ўша Худони исботлаш учун, тасдиқлаш учун сизлар билан боради ва сизларда бўлади. “Худди Барҳаёт Ота Мени юборгандай, Мен Отам орқали яшайман; худди шундай Мен ҳам сизларни юбораман ва сизлар ҳам Мен орқали яшайсизлар”. Ким ўзи У? У Каломдир. Сиз Калом билан яшаяпсиз. Мен мана шу мавзуда бир-икки соат ваъз қилишни қанчалар хоҳлар эдим. Эътибор беринг: “Мени юборган Отам ҳам”, юбораётган Ота У билан борди.

456 Бизларни юбораётган Исо ҳам, боряпти... “Яна бироздан кейин дунё Мени бошқа кўрмайди, сизлар эса кўрасизлар, зеро Мен — “Мен” шахсий олмош, Шахс, Исо, — сизлар билан бўламан, ҳатто сизда дунёнинг охиригача бўламан. Мен қилган ишларни, сизлар ҳам қиласизлар”. Энди орқага қарангда, У нима қилган эди-ю, кейин яна қаранг, сизлар нима қиляпсиз ва энди таққосланг.

457 “Нух пайғамбар даврида қандай бўлган бўлса, Инсон Ўғли келишида ҳам шундай бўлади. Ва Лут кунларида бўлганидек...”, қачонки замонавий Билли Грэйем, Орал Робертс Садўмга тушдилар ва Садум одамларига ваъз қилдилар ва уларни кўзларини кўрмайдиган қилдилар, кўряпсизми, мана шу Хушхабар билан. Битта Фаришта қолди, Элчи, Иброҳим билан ва Танланган гуруҳ билан, У қанақа аломат қилди ўзи? Кўрдингизми? [Бранхам ака пауза (тўхталиш) қиляпти—Таҳр.] Иброҳим Уни ким деб атади? Ҳазратим, Раббим, Худо, Танада намоён бўлган. У Унинг Ўзи эканини, Худо Унда эканини кўрсатган Исо, охириги кунларда Ўз Келинида намоён бўлади! Шундай, бунинг охири йўқ; фақат Худонинг очилиши, ошкор бўлиши! Бу Абадий, фақат ҳаракатда юради ва юраверади.

458 Эътибор беринг: гуноҳ ўлим орқали уларни ажратмагунича, Одам Ато ва Момо Ҳаво каби ўша битта бор эди ўшанда; энди эса Масих, иккинчи Одам Ато Ўзининг Келинини Ҳаёти орқали ўлимдан

сотиб олаяпди ва Ўзининг Келинини худди Адан Боғидаги Эр ва Хотин каби Худо билан мулоқотга тиклаб, энди У аввалги Аданга қайтаяпди: Масих ва Унинг Келини.

<sup>459</sup> Шунда ўша куни Худо “Шоҳлик Отага ўтади, У ҳамма нарсада ҳаммаси бўлиши учун”. “У Мени чакирган чоғида жавоб бераман”. Довуд Масихда, Довуд Тахтга ўтирган, инсоният ирқи устидан Подшоҳ. “Улар ўйлаганлари ҳамано, Мен уларни нима ҳақида ўйлаётганлигини биламан. Улар гапиришга улгурмаслари Мен уларга жавоб бераман. Бўри билан кўзичоқ бирга ўтлаб юради. [Бранхам ака бир марта қарсак чалади—Тахр.] Шер ҳам хўкиз каби сомон ейди. Муқаддас тоғимнинг бирон ерида ҳеч бир ёвузлигу ёмонлик қилинмайди”, — яна тўппа-тўғри ўша Аданга, кечиктирмасдан.

<sup>460</sup> Мана Унинг уч ёқлама мақсади. О Худойим, буни тушунишимизга ёрдам бер! Буни англашимизга ёрдам бер!

<sup>461</sup> Энди диққат қилиб тингланг, давом этамиз: аввалги бошдаги Аданга қайтишга.

<sup>462</sup> Бизлар Ундан туғилганимизда, биз У билан тўламиз. Тушуняпсизми, сизнинг ҳаётингиз...Унинг Ҳаёти сизларда бўлади. Ўшанда сизнинг барча ҳатти-ҳаракатингиз, фаолиятингиз У ҳақида гапириши лозим.

<sup>463</sup> Бу худди бир...бир дарахтни ҳаётини бошқасига ўтказасан, нокдан ҳаётини олсак ва уни олмага ўтказсак, у нок етиштиради. Шундай бўлиши керак, чунки ундаги бор ҳаёт, ҳаётий шира, куртак — нокдан. Яхши.

Унда бизнинг барча ҳатти-ҳаракатларимиз У ҳақида сўзлаши керак.

<sup>464</sup> Бизларда Унинг Исми. Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] Биз Унинг Исмини олишимиз керак.

<sup>465</sup> Ёдингизда бўлсинки, ҳозир бизлар Унинг Келини сифатида, Унинг Руҳидан ҳомиладормиз. О-о, ана қойил! Черков болаларни туғади (тушуняпсизми?) Унинг Исмига эга, Унинг Руҳидан ҳомиладор: Унинг Ҳаёти аломатларини биринчилиги билан амалга ошириб, У ўлмаган, бироқ абадул-абад тирик, Унинг тирилганининг исботини кўрсатиб, Унинг Исмини олади, Унинг Ҳаётини кўтариб юради. Бу Абадий Ҳаётдир. Ва бизлар Унда тирик эканлигимизни бу дунёга исботлаяпди!

<sup>466</sup> Сен буни қаердан биласан? Черков аъзоси бўлганинг учунми? Чунки Масих сен орқали яшаяпти, сен Унинг Руҳидан шунчалик ҳомиладорсанки, қолган нарсалар учун сен асирсан. Сиз Хушхабарга занжирбандсиз, Каломга занжирбандсиз, худди шундай болаларингизнинг ҳаммаси ҳам, қайсиларники сиз туғасиз, худди шунақалар, чунки сизлар асирсизлар.

<sup>467</sup> Сиз зино қилолмайсиз; сиз аллақачон ҳомиладорсиз. [Бранхам ака бир марта қарсак чалади—Тахр.] О, Шон-шарафлар бўлсин! У енголмайди. Ҳаёт қорни бошқа нарсалар учун ёпиқ. Сиз азалдан танланиш орқали аллақачон Уникисиз. Ўша Уруғ Ҳаётга ўсди; дунё буни тушуниб билмайди. О-о! Мана шунга бир соат тўхташни қанчалар хоҳлар эдик! Ишончим комил, сизлар буни тушундингизлар. Тушуняпсизми? Масих ва фақат У тугатди. Уруғ ўша ерда эди. Уруғ аллақачон бор эди. У ёққа У қачон жойлаштирганди? “Дунё яратилишидан аввал У бизларни азалдан Абадий Ҳаётга муқаррар қилди”. Шундай ҳаёт киритишлари билан бу Уруғ у ерда ётган эди... Ёриб ўтган бошқа уруғ у ерда ушланиб қололмади, чиндан ҳам бундай қилолмади, гўё... Шу учун, қачонки мана шу Уруғ кирган эди, қорин шу заҳоти ёпилди, қолган барча уруғлар ҳайдаб чиқарилган эди.

<sup>468</sup> Шунда сен Масихда мавҳ этилган асирга айланасан. Масих сенда. Унинг Ҳаёти Унинг исботини келтиради, Унинг аломатларини. О Худойим! Қаранглар, Ўзининг тирилганини исботи учун Ўзининг Ҳаётилигини белгиларини кўрсатади, дунёга мана шу Абадий Ҳаётни кўрсатади, биз Унда тириклигимизни дунёга тасдиқлайди. Ўйлаб кўринг-а, Нажоткоримиз билан, Худо билан тирикмиз, бизларни (Черковни) айнан шу мақсадда яратган ва Унинг яратувчи Ҳаёти бизларда.

<sup>469</sup> Яъни, Мусо Худонинг Каломи бўйича: “Сўналар галаси келсин”, — дейиши мумкин эди, — шунда чивинлар келди. Сўналарни ярата оладиган Худованд олмахонларни ҳам яратиши мумкин. Тушуняпсизми?

<sup>470</sup> Шундай қилиб, У нимани хоҳласа, шуни қилиши мумкин. У яратиши мумкин. У ҳамма нарсани қилиши мумкин. У Худо. Худди Ўша Худо, ўша яратувчи Ҳаёт, тушуняпсизми, ўша сизларда бўлган... Сен — асирсан; сен буни айтолмайсан, токи сенда У айтишингни айтмагунича. Аммо қачон сен айтасан, бу Худонинг Сўзидир. Шунда У буни шундай бўлишини тасдиқлайди. Қолган ҳаммаси тўғри, ва у буни айтганида, бу шундай бўлиши кераклигини у билади.

<sup>471</sup> Мусо ҳассасини олди ва: “Қурбақалар бўлсин” — деди, чунки Худо: “Қурбақалар бўлсин”, — деган эди. У фақат буни айтди холос. Тўғри. Шунда қурбақалар ҳар жойда, ҳамма ерни босиб кетди. Улар қаердан келиб қолди? Ҳеч ким билмайди. Олдин у ерда улар йўқ эди, аммо одам орқали амал қиладиган Яратувчи, Худо, мана шу тирик мавжудотларни яратди.

<sup>472</sup> Биринчи қурбақани яратган худди Ўша Худо, иккинчисини ҳам яратади. У ҳамма қурбақаларни яратади. Сиз мени тушуняпсизми? Биринчи олмахонни яратдим, иккинчи олмахонни яратади, ҳамма

олмахонларни яратади, олмахон умуман бўлмаган жойда олмахонларни яратиши мумкин. У хоҳлаган ишини қилиши мумкин! У Худодир! У Худодир! У — Ҳаёт! Мен бу ҳақида ўйлаган пайтимда, мени титроқ босади!

<sup>473</sup> О-о, У билан яшаш, биз У билан яшаш учун У билан Уйга бораяпмиз! Абадий Ҳаётга эга бўлиб, У билан доим бирга яшаш учун У билан биргаликда Уйга кетаяпмиз!

<sup>474</sup> Худо билан инсон бир бутун бўлгани бу — Худованд севгисининг буюк сирини ифодаланганидир. Тушуняпсизми? Худо ва одам — бирдир, ва ҳамма гап шундадир. Худо ва одам бир бутун у ерда, ва Худо билан одам — бир бутун бу ерда. Тушуняпсизми? Бу нимани билдиради? У бизларда устунликка эга бўлиши учун, Унинг Руҳига тўлган бўлишни. Бу Худонинг ютуғи эди, яъни шундай қилиш Худонинг мақсади эди: У Масихда бўла олиши учун, Масих эса бизларда ва биз ҳаммамиз биргаликда — бирмиз. Муқаддас Руҳ, Масихга буни очган худди Ўша бу ерда ҳам буни очади: ғайритабиий яратувчи Қудрат. О-о, ана бўлмаса!

<sup>475</sup> Худди Ўша Худо, Қайсики қила олди...Қайсики Мусога буни айта олган эди: “Бақалар пайдо бўлсин”, — деб, худди Ўша Худо, мана бу ерда ҳам: “Сув винога айлансин”, — деб айта олган эди. Тушуняпсизми? Омин. Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] У — Худди Ўша Худо, худди Ўша.

<sup>476</sup> Ҳақиқатдан ҳам У ўзгармайди. Бу одамдаги Худо. Унинг намоён бўлиши шунақа. У айнан шуни очади. Айнан шуни қилишга ҳаракат қилади У. Одам яратиб билмаслигини Худо Каломи очади ва кўрсатади — Худо Яратувчи ҳисобланади. Энди бу одамлар эмас, бу одамлардаги Яратувчи Худо, қайсики ҳозир Унинг Черковидадир. Омин!

<sup>477</sup> Уйга, осмонга бораяпмиз, доим У билан яшаймиз. Худо Черковига Абадий севгисини изҳор қилаяпти.

<sup>478</sup> Эшитинглар, энди диққат қилиб тингланглар. Мен буни сизлар тушуниб етишингизни хоҳлайман. Бундан ташқари бўлган ҳеч қанақа черков, ҳеч қанақа белги, ҳеч қанақа жамият, ҳеч қанақа гувоҳлик, ҳеч қанақа таълимот, ҳеч қанақа деноминация қабул қилинмайди. Худо “улуғвор умидимизнинг мағзи — сизнинг ичингиздаги Масих”дан бошқа ҳеч нарсани қабул қилмайди. Ана шу Худо тан оладиган ягона нарса. Жамоат эмас, черков эмас, таълимот эмас, деноминация эмас, ҳеч нима — қолган ҳаммаси ўлик. Бу бўлакчаларни кесиб ташлаш керак, [Бранхам ака икки марта кафедрани қоқади—Таҳр.] Масих сизда устунликка эга ҳолда яшай олиши учун, буларни ҳаммасини кесиб ташлаш керак.

<sup>479</sup> Орқага қараманглар! Ўтган нарсаларни эшлаш керак эмас: “Бу ерда менда бир шохча бор, у: ‘Бу менинг ташкилотим’, — деяпти”. Бу кесиб ташланиши лозим. “Бу ерда менинг *ана буним* ва *мана буним*. Мана бу бундай дейди. Онам мени тақводорсан, дейди”. Бу ҳам қирқилиб ташланиши керак. Тушуняпсизми? “Кўяверинг, лекин менинг эрим мана шу шортларни кийишимни хоҳлайди”. Бу ҳам шунақа — кесиш ва ташлаб юбориш. Тушуняпсизми? Бу қирқилиши ва кесилиши керак, токи, фақат сен ва Масих қолсин. Тушуняпсизми? Ҳм!

<sup>480</sup> Ўйлаб кўринг! Тирик Масихнинг тирик Ҳозирлиги, тирик Каломи билан; о-о, тирик Масих, тирик Ҳозирлик, тирик Калом! Қаранглар! Ўзининг Хусусан шахсий, шахсий исботи билан Ўз Черковини тасдиқлайди.

<sup>481</sup> Аъзолик эмас. Мусонинг кунларида У ҳеч қачон бунақа ишлар қилмади. У буни бошқа ҳаммаларининг даврида, дунёнинг охирида, гап вайрон бўлишга қараб бораётганида ҳам ҳеч қачон қилмади. Лутнинг кунларида аъзолик деган гап йўқ эди. Бу Шахсан тасдиқ бўлганди: Худо танада. Тушундингизми? Шахсан тасдиқланиш!

<sup>482</sup> Эсингизда бўлсин! Ўйлаб кўринг-а, одамлар мана шунга ўхшаган ана шундай вақтда, буюк деноминациялар даврида, қайсидаки биз яшамокдамиз, Унинг Руҳидан туғиладилар, ва тирик Худо Ўзининг тирик Сўзини олади ва...ва Уни шахсан тасдиқлайди! [Бранхам ака бир марта қарсак чалади.— Таҳр.] Каломдаги бу Ҳаёт, Уруғдаги ўша (куртак) ҳомила (Калом эса Уруғдир, қайсиники уруғ сепувчи сепишга чиққан), ва Ҳаёт — бу Каломдаги Масих бўлиб, У шахсан сизда, сиз ўзингиз қилолмайдиган ўша нарсани тасдиқлагани ҳолида, У шахсан сизда; бу сиз эмас, балки Ўзи эканини тасдиқлаб турибди. Ва сиз энди Унинг Келини бўлишингиз учун, Унинг севгисини қули, У билан бир бутун бўлдингиз.

<sup>483</sup> Осмонни ва ерни ва ундаги ҳамма нарсани яратган Худога шукурлар бўлсин! Табиийки, “У Ибтидо ва Интиҳо, Аввали-ю Охиридир. У ҳозир бор, азалдан бор бўлган, келажакда бор бўлгуси. У Довуд авлодидан келиб чиққан Зот, Ёруғ тонг юлдузидир”. У ҳамма нарсада ҳамма нарсадир.

<sup>484</sup> Унинг алоҳида бир кишидаги Уни Ўзини Ўзи ифодалаётганлигини шахсан тасдиқлаши билан; мана шу вақтга ваъда қилинган тирик Сўз — Худонинг буюк ваҳийсининг тасдиғи сиз орқали Ўзини ифодалайди. Қаранглар, фақат алоҳида бир одамда, гуруҳда эмас! Алоҳида одамда, гуруҳда эмас! У ҳар бир одамни алоҳида тасдиқлайди. Сиз буни тушуняпсизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.]

Методистларни эмас, баптистларни эмас, пресвитерианларни эмас, лютеранларни эмас, элликчиларни эмас, балки алоҳида олинган одамни!

<sup>485</sup> “Бирини оламан, бошқасини эса қолдираман; Мен уларни айираман”. Бу рост. “Ўшанда икки киши далада бўлади; бири олинади, бири қолдирилади. Ўша кеча бир тўшакда икки киши бўлади: бири олинади, бири қолдирилади”.

<sup>486</sup> Бу бир гуруҳ эмас. Бу Муқаддас Рухга тўлган, Худонинг ҳомиладор фарзандини шахсан тасдиқланиши, у ўзини Худога шу қадар топширадики, бошқа ҳеч нарса ҳақида хавотир олмайди. Шунда Муқаддас Рух унда булоқдай тошиб, одамлар олдида ҳамда бу дунё олдида ўзини ифодалаганича, шахсан... Каломнинг Ўзини шахсан тасдиғини кўрсатиб, Ўзининг Ҳаёти билан яшайди.

<sup>487</sup> Қандай қилиб дунё шундай нарсани ёнгинасидан кўр-кўрона ўтиб кетади? Худди шундай, католиклар Муқаддас Патрикни билмадилар ва у ўлмагунича тан ҳам олмадилар. Улар Муқаддас Мартин билан ҳам шундай қилдилар, уни тушунмадилар. Улар барча асрларда шундақа қилдилар.

<sup>488</sup> Жанна Д’Арк билан ҳам худди шу муносабатда бўлдилар. Католик черкови уни жодугар деб, оловда ёқдилар, чунки у художўй аёл эди. Кейинроқ эса, юз эллик йилдан кейин ўша (уни ёқиб ўлдирганларни.—Тарж.) руҳонийларни жасадларини очиб олдиларда, уларни жазо сифатида улоқтирдилар.

<sup>489</sup> Бу шундоқ уларнинг ёнгинасидан ўтаяпди, улар эса, бу ўтиб бўлмагунича, тушунмайдилар. Буни фақат ер яратилишидан олдин Худо тақдир қилган, азалдан танланган Уруғгина пайқайди. Худди шу нарса Нух даврида ҳам бўлиб ўтди, худди шу нарса Мусо вақтида бўлиб ўтди, Илёсни вақтида, пайғамбарлар вақтида, Исо вақтида ва токи мана шу соатгача! Худо Уруғидан ҳомила олган одам, Ўзини намоён этган, Каломнинг Ўзидан ҳомила олган одам, у ўзини Худонинг ихтиёрига шунчалик топширадики, бу одамда, уни алоҳида ўзида Калом ва фақат Калом Ўзини намоён қилади.

<sup>490</sup> “Менинг черковим...”, — деб ўтирманг. Мана шундай, “сени черковингни” бу ерда ҳеч қандай алоқаси йўқ.

<sup>491</sup> Бу алоҳида одам, битта одам! Бутун дўзах бу Таълимотга қарши. Бутун дўзах бу Ҳақиқатга қарши, аммо бу Ҳақиқат.

<sup>492</sup> Исо ҳеч қачон айтмаган эди: “Хўп, сен, Бутрус, Юҳанно ҳам, қолган ҳаммаларингиз, сиз ваҳий олдингиз, энди бутун черков қутқарилади”, — деб.

<sup>493</sup> Йўқ, бу шахсан унинг ўзи учун эди. “Мен сенга айтаман, сенга — уларга эмас, — сенга, сен — Бутрус, мана шу қоя устида Ўз Жамоатимни қураман”. Бутрус дегани эса “тош” дегани. Тош “тан олинган, танилган” ёки “ажратилган” демакдир.

<sup>494</sup> Маълум бир қояда, қандайдир бир ишончли (тушуныпсизми?) — чақирилган нарсада, Черков чақирилган — мана шу қояда, мана шу сирнинг “очирилишида”. “Бу сирни сенга инсон ақл-идроки очмади. Аммо мана шу сирнинг очирилишида, ваҳийда, чақирилган гуруҳда, Мен Жамоатимни шулар устида қураман. Бутун жаҳаннам кучлари ҳеч қачон бунга қарши туролмади”.

<sup>495</sup> “Бошингдаги бирон тола сочинг ҳам тушмайди. Сен Меники! Мен сени охиратда тирилтираман, унга Абадий Ҳаёт бераман ва уни охирги кунларда кўтараман”. Мана у — ваҳий. “Уларни” эмас, балки “уни”, алоҳида бир одам. Гуруҳни эмас; Алоҳида одам! Бутун жаҳаннам кучлари, дўзах бунга қарши.

<sup>496</sup> Лекин Унинг сири фақат Унинг севиқли Келинига очилади. Яъни, фақат уни биргина ўзи буни кўра олади.

<sup>497</sup> Исо уларга шундай деди: “Ишаё пайғамбарнинг каромати сиз иккиюзламачиларга, ўт-ўланда ўрмалайдиган илонларга жуда тўғри келади. Сиз бу ерда юрасиз-да: ‘О-о, буюк, муқаддас пайғамбарлар! Биз уларга макбаралар қурамиз’, — дейсиз. Уларни сизни ўзингиз у ёққа тикдиларингиз”, — деди У. Ахир У шундай демадимиз?

<sup>498</sup> Ўша уларни кунларида католик черковларига Римда уларни Никеяси бўлишидан олдин уларга эски аҳд... Эски Аҳд пайғамбарларини юборганида худди шу нарсани У айтган бўлар эди, ва илдизлар ҳамда ердан чиққан бошқа нарсалар билан озиқланган, ҳатто кийимлари бўлмаган, қўй терисига ўраниб олиб, узоклардан келган ўша қари пайғамбарлар бу Инжил Ҳақиқатини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган эдилар. Аммо Католик черкови интеллектуал тушунчаларни хоҳлади. Шунда улар чиқардилар... Шунда Муқаддас Иринеи, Поликарп, Мартин ва бошқалари пайдо бўлишди. Улар сўнг нима қилдилар? Улар уларни қабрларга тикдилар: Жанна Д’Аркни, Муқаддас Патрик ва қолган ҳаммасини. Улар ўшаларни гўрга тикдилар, энди эса қайтишяпди ва ўша қабрларни оқлашяпди, Жанна Д’Арк билан қилганлари сингари. Улар нима қилдилар? Уларни уларни ўша ерга ҳайдадилар! [Бранхам ака тўрт марта минбарни тақиллатади—Таҳр.]

<sup>499</sup> Мен мана нима дейман. Унинг Рухи сизларга илтижо қилиб: “Оқланган деворлар! Ўзини ким-нима деб ҳисоблайдиган мунофиқлар, сиз инсоний фикрларни қабул қиласиз, Каломни эса қолдирасиз. Каломни қабул қилиб, Худо Уруғидан ҳомила олиш ўрнига, сизлар ҳар турли гибрид, чатишмаларни

қабул қиласиз”, — деб қичқираяпти. Уни “фоҳиша”дек ўтиргани ажабланарли эмас, чунки у “одамларни Худони эмас, инсонлар таълимотига ўргатиб, руҳий зино қиляпти”.

<sup>500</sup> Лекин У: “Кўрқмагил, эй кичик пода! Отангиз Шоҳликни сизга беришни муносиб кўрди”, — деди.

Рост. Албатта. Биз унга эгамиз.

<sup>501</sup> Бибиляда, ваҳийда: “Бу буюк шаҳар ер юзи подшоҳларига бош бўлади” — дейилган. У — фоҳиша, дейилган. Бу ким? У ўзини тартиблиман деб, хоним деган номга лойиқман деб, аммо зино қиладиган аёл у. “Унинг кўлида зино ҳаромликлари нопокликлари билан тўлиб тошган коса — бу дунё учун қадах бор эди”. Ва унинг қизлари — протестант черковлари ҳам бор эди. Уларнинг ҳар бири ундан худди ўша ёлғон таълимотлар билан, худди ўша сувда чўмдирилиш билан ва Муқаддас Рухга чўмдирилиш ўрнига кўлини қисиб қўйиш каби одатлар билан ундан чиқдилар; ва улар Куёвнинг Исмини қабул қилиш ўрнига ўзларини “Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух” деган сохта таълимотлар ва ҳоказолар билан чиқдилар.

Сен: “Буни ҳеч қандай фарқи йўқ”, — дейсан. Йўқ, фарқи бор.

<sup>502</sup> Агар мен чекка (чек, квитанция—Тарж.) исмим ўрнига “муҳтарам”, “хизматчи” ва ҳоказоларни қўйсам, унда менга нақд пул бермайдилар. Рост. Банк рад қилади. Яхши. Энди эътибор беринг.

<sup>503</sup> Лекин бутун сир, У ваъда берганидай, фақат Келинга очилади. Дўзах бу Ҳақиқатга ва бу сирни очилишига қарши. Лекин Келин мана шунда турибди. Бу унинг жойи.

<sup>504</sup> Черков, сен нима учун очсан, сен нимага чанқадинг? Бу Ота яширин сирни сенга очишга ҳаракат қилмоқда. Лекин сиз кўп нарсаларга сизни ундан маҳрум қилишларига йўл бераяпсиз: ишингизга йўл берасиз, хотингизга қўйиб берасиз, ўз болаларингизга имкон берасиз, сиз бу дунёнинг ташвишларига йўл берасиз, қанақадир бир пасторга руҳсат берасиз, яна кимларгадир буни сиздан қоқиб туширишларига имкон берасиз, ўзингиз эса шу пайтда аллақачон букилиб бўлиб, юрагингизда ташналикни ва очликни ҳис этасиз. Бу Худо сизга мана шу ваҳийни ошкор қилишга уринмоқда, кўряпсизми, бу охирги кун аллақачон келди. Эътиборга олиб қўйинг.

<sup>505</sup> Келинг, яна бир бор ортга қараймиз. Мен буни ёнидан ўтиб кетолмайман. Бу ёққа бир дақиқага қаранглар, бир неча дақиқадан кейин эса биз тугатамиз. Яна бир дақиқага диққат эътиборингизни бир жойга тўпланг.

<sup>506</sup> Қаранглар, мана бу ерда, Колосаликларга 18-оят. Колосаликларга Мактубининг 18-ояти.

*Масиҳ жамоатнинг бошидир,*

*Жамоат Масиҳнинг танасидир.*

*Ҳамма нарсанинг ибтидоси Масиҳдир,*

*У ҳаммадан устун бўлиши учун*

*Биринчи бўлиб ўликдан тирилтирилган.*

<sup>507</sup> “У – Жамоатнинг боши, қайсики Унинг Танаси ҳисобланади ва У афзалликни, устунликни хоҳлайди”. Энди эшитинглар, диққат билан эшитинглар, давом эттирамиз. Нима? У Тананинг Боши, Ўзининг Келини Танасини, қайсики Уни Ўзидан олинган: эти ва суягидан, Одамдан бўлгани каби, тушунапсизми, Келин.

<sup>508</sup> “Ўликдан туғилган”, кўряпсизми, яъни, ўликдан – ишонмаслик гуноҳидан туғилган.

<sup>509</sup> Момо Ҳавони нима ҳалок қилди? Ишонмаслик. Тўғрими? [Йиғилиш: “Тўғри”. — деди.—Таҳр.] Уларнинг нимага ишонмаганлиги? Худога ишонмаганлигими? Йўқ. Уни Худога имони бор эди. Албатта. Ахир у: “Худо йўқ”, — дедими? Йўқ, жаноб. У (Момо Ҳаво) даҳрий (Худосиз, кофир) эмас эди. “Э, — деб у, — биласизми, мен Унинг Каломига умуман ишонмайман”, — дедими? О-о, йўқ. У бир осон, оддий нарсдан бошқа ҳамма нарсага ишонар эди.

<sup>510</sup> Энди, ахир Муқаддас Китоб айтмайдими, Ваҳий Китобида, Исони Ўзи: “Мен — Исо Ўз фариштамни олдингизга юбордим, токи у булар тўғрисида жамоатларимга шаҳодат берсин”, — деб? “Кимда-ким Бунга бирон нарса қўшса ёки Бундан бирон нарсани олиб ташласа”. Агар бир аёлни Худо Каломини бир жойида шубҳалангани учун мана шу барча азоб-уқубатлару-қайғулар келиши керак бўладиган бўлса, У сенга битта Сўзда бўлса ҳам шубҳаланишингга йўл берармиди? Бу нотўғри бўлган бўлар эди. Тушунапсизми? Кўряпсизми, бу адолатдан бўлмас эди.

<sup>511</sup> Мана, бир одам ўртага чиқади ва Сўзнинг бир жойида шубҳаланиб, бутун азоб-уқубатларга сабаб бўлади; ундан кейин у яна давом этаверади, йиллар давомида тажрибасини ва Муқаддас Китобни тушуниши ва ҳоказолар ортаверади, бошқалар ҳам бунга ҳаётларини бағишлайдилар; ундан кейин: “Ҳей, бемалол шундай озикланаверинг. Ҳаммаси жойида, ҳар ҳолда, мен бунга йўл бераман”, — дейдилар. Шундайми? Йўқ-йўқ. Худо иккиюзламачи эмас, лекин...? Худо шахсга юз-хотир қилиб ўтирмайди. Энди диққат қилинглр.

<sup>512</sup> Эътибор беринг ҳозир. “У — Тананинг Боши”, яъни ишонмаслик гуноҳидан Худо Каломига туғилганларнинг. Бу ҳар бир деноминациянинг, ҳар бир таълимотнинг баҳонаси. Каломга ишонмаслик,



Қайсики У Унинг Ўзи, Ҳаёт Каломидир. Кўряпсизми? Фақат Каломгина Ҳаётга эга. Ҳар қандай бошқа сўз гибриддир. Бу қанчалик Унга ўхшамасин, буни аҳамияти йўқ, у Калом эмас.

<sup>513</sup> Калом Ўзининг Шахсий Ҳаётини келтириб чиқаради, уни Момо Ҳаво ўзининг шахсий тушунчасига алмаштирган эди. Бугунги ҳам Уни қандайдир бир кишининг тушунчаси туфайли қандай ўзгартирганини кўринг? Мусо, токи ёнаётган бутани кўргунича, Худо ҳақида ажойиб тушунчаси бор эди, кўрганида ўзини мағлуб бўлганини кўрди. Мусо эътибор бермаган нарсага ёнаётган бута эга эди. Деноминация эътибор бермаган нарсага Калом эгадир.

“У, Бош, тирилишнинг биринчи мевасидир”.

<sup>514</sup> Биз мана шу “вахий” деган сўздан четга чиқамиз, яна озгина, агар истасангиз. [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] Яхши. Яхши, фақат озгина.

<sup>515</sup> “У — бу тирилишнинг биринчи мевалари”. Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Тахр.] диққат қилиб қаранглар. Унда, Уни Ўзи Ким? “У Танаси бўлган Ўз Жамоатининг, Келиннинг Боши”.

<sup>516</sup> Демак, Келиннинг Танаси Бошга эргашиши керак, зеро У — Унинг тирилишининг ва сирининг бир қисмидир. У эргашмаслигини иложи йўқ. О-ҳо-ҳо, ана бўлмаса! У (Келин) – Худо сирининг бир қисми: Худо у ерда Ўзини қандай очиб ва қандай Уни (Масихни) Каломи билан тирилтирган бўлса, худди шундай У Ўз Черковини очади, бино қилади ва уни худди шу Калом билан тирилтиради. Келин — Унинг уч ёқлама сирининг бир қисмидир.

<sup>517</sup> Қабрдан Бош қандай чиқарилган бўлса, худди шундай Тана ҳам Унинг ортидан Аданга бориши керак, қаердаки оиланинг Боши — Эркак, Куёв. Куёвнинг Танаси бўлган Келин, Куёвнинг ортидан эргашиши керак, чунки бу Бошдир. Бош намоён бўлган, Абадий Ҳаёт билан қайтаяпти, Тана эса Унинг ортидан эргашиши керак, чунки бу яна Эр ва Хотин. Омин! Мана шу Калом билан ҳомилали экансиз, Қайсики Унинг Танаси; сиз Каломни қабул қилганингизда, Уни Танасини қабул қилгансиз, Унга қирагансиз. Таълимотни эмас, балки Каломни қабул қилганингизда!

<sup>518</sup> Мана шу мавзуни олсакда, тушдан кейин давом эттирсак бўлмасмиди? А? Мана, қойил бунга, яхши бўлмасмиди? Тушуныпсизми? Энди бир ўйлаб кўринг-а, буларни ҳаммаси нима дегани.

<sup>519</sup> Шу учун Тана...тан ололмайди. Буни ўтказиб юборманг. Шу учун Тана Каломдан бошқа, ҳеч қандай раҳбарликни тан ололмайди. Чунки Бош Тана билан боғланган, Бош эса бу — Калом ва бу ҳам худди ўша Калом, [Бранхам ака қафтларини бир марта қарсиллатди.—Тахр.] биргина Устунлик! Шу сабабдан деноминация ва “авлиё оталар” ва қолган ҳаммаси — бу бир ҳосилсиз ер. Фақат битта Устунлик бор, бу Масих. Тана фақат бир нарсани — Каломни тан олади!

<sup>520</sup> Энди, менга кўрсатинг-чи, қаерда бирор киши Танага “Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух” Исмидан чўмдирилган эди? Сизни ўзингиз нимани тан оласиз? Тушуныпсизми, мен кассетани эшитаётган, биласизми, минглаб одамларга мурожаат қилаётганимни тушунаман, ва кассеталарни бутун дунёга тарқатиш бизнинг хизматимиз. Сен қайси исмда чўмдирилгансан? “Нажот топишимиз учун осмони фалак остида одамзотга берилган бошқа ҳеч бир исм йўқ”, — дейди Калом. Агар сен Масихга бўлган имонингни кўрсатиш учун чўмдирилган бўлсанг, ва шу билан бирга таълимотни номини олсанг, унда сен — гибридсан.

<sup>521</sup> Агар сиз ўша черковга ўхшамасангиз, ва уларнинг таълимотига тўлиқ қўшилмасангиз, унақада, католик (кўряпсизми?), қандай қилиб энди сиз папанинг юрисдикциясида бўлишингиз мумкин, Мас...Бутрусдан бошлаб у хаворийларнинг меросхўри деб туриб, гарчи бу папа ва бу черков Худо Ўз Черковини аломат ва мўжизалар ёрдамида чақирган биринчи (бошдаги) Сўзга мутлақо зид тарзда ўргатаётган экан? Худди ўша нарсаларни қилаётган, Ўз халқини орасида яшаётган, ўшанда Унда, Худода бўлган худди ўша тирилишни намоён қилиб, бугунги кунда худди ўша Калом покликда тарғиб қилинаётганини кўриб туриб, Римнинг бошқарувини (устунлигини) қандай қилиб қабул қила оласиз?

<sup>522</sup> Бизнинг Устунлигимиз — Осмонда. Мен Римга бормоқчи эмасман, мен ўлганимда Осмонга бормоқчиман. Тушуныпсизми? Кўряпсизми? Устунлик — Самода.

<sup>523</sup> Хотин эрига эргашиб боргани каби, Тана ҳам Бошга эргашиши лозим. Одам Ато, гарчи у йўлдан озмаган бўлса-да, лекин у Момо Ҳаво билан бирга чиқди. Момо Ҳаво алданган эди, у жинойтга қўл урди, акс ҳолда У қабрдан чиққан вақтда, Раббий Исонинг кунида бутун Тананинг бутунлай тирилиши юз берган бўлар эди. Лекин У Ўз Танаси бўлган Келинни гуноҳларидан сотиб олиши керак эди. Келин Унга бориши учун қутқарилган бўлиши керак. [Бранхам ака икки марта қарсақ чалади—Тахр.] Сизлар буни тушуныпсизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.] Ҳа-да! Кўряпсизми, унда бу содир бўлмас эди. Қутқарилиш давом этмоқда.

<sup>524</sup> Энди Мухрларни кўряпсизми? Ўшанда У воситачилик хизматини қилди ва қутқарди, бироқ бир куни У қутқариш Китобини олиш учун келади. Ва мана шу Китобда бўлганларнинг ҳаммаси Уники бўлади, зеро Китобдаги сўзлар — бу имонлилардир, Сўз эса — бу Унинг Ўзи. У бу Қутқариш Китоби

учун ва У Қурбонлик Қўзиси сифатида қурбон бўлганида, дунё яратилишидан олдин ўша Китобда ёзилганларнинг ҳаммаси учун келади.

<sup>525</sup> Мана У ўшанда қилган ишларини бугун ҳам намоён қилиб, Ўзининг Сўзидадир. Келин бошқа нарсани бошчилигини тан ололмайди. Йўқ, жаноб. Ҳеч қандай епископни ва бошқа бировини. У (Келин) битта Бошчиликни — Масихни тан олади, Масих эса Каломдир! О-о! Мен буни яхши кўраман. Худди шундай.

<sup>526</sup> Бош қабрдан кўтарилгани каби, худди шундай Унинг Танаси ҳам Аданга Унинг ортидан бориши керак. Шунинг учун Тана Сўзнинг Устунлигидан бошқа ҳеч қандай устунликни тан ололмайди.

<sup>527</sup> Ҳеч қайси деноминация ҳеч нимани Унга қўша олмайди. “Кимда-ким Бундан бирон нарсани олиб ташласа ёки бирон нарсани Унга қўшса...” Улар Ундан олиб ташладилар; шу заҳоти сиз ўлган бўлиб қоласиз, гибридга айланасиз. У шу ерда кўлларидоги бу гувоҳлиги билан, “Ўзининг зиноликларини ҳаромлиги” билан, ўзининг такидлаганига кўра ишонган Ўша Каломга қарши руҳий фоҳишаликларни қилади. Кўряпсизми?

<sup>528</sup> Шунинг учун ё Калом, ё умуман ҳеч нарса. Рост. У — Калом! Сиз буни шундай эканини қаердан биласиз? У, Калом, исботланган. Тушуњапсизми? У тегишли равишда тасдиқланган Калом, Черковнинг Бошлиғи, Боши. У — Калом, Бошлиқ. Ўзини Ўзи тасдиқланишини кўрсатиб, У Черковида, инсонда бўлган Ўзининг Руҳи билан тегишли равишда тасдиқланади — бу бутун Тана учун тўғридан-тўғри исботдир. [Бранхам ака пауза қилади ва бир бор қарсак чалади.—Таҳр.] Шунда ҳеч қанақа таълимотни кераги йўқ. Деноминациялар ўлдилар. Бироқ Бошчиликнинг ўзи, шахсан тасдиқланиши билан Танада тан олинган (тушуњапсизларми?), Ўзини тасдиқлаган ҳолда, Танага Бошчиликни исботлайди. Шунда бизлар Битта тасдиқланган Бошчилик билан, яъни Масих билан, Худонинг Каломи билан бирлашганмиз, бироқ қандайдир черков таъсири остида эмас.

<sup>529</sup> Демак, бизнинг Бошчилигимиз Шоҳликдир. “Худонинг Шоҳлиги ўз ичингиздадир”, — дейди Муқаддас Китоб, Исо. Шоҳлик! Бизлар деноминация эмасмиз. Бизлар Шоҳликка тегишлимиз, Шоҳлик эса — бу, Худо ва Каломи бир бўлган кундаги каби, шу кунларда ҳар бир ваъдасини амалга ошириб, бизларнинг шахсий ҳаётимизда Руҳ ва Ҳаёт бўлган Худо Каломидир. Бугун Калом ва Худо — Ўз Черковида бир бутун, худди аввалгидек Адан боғида Одам Ато ва Момо Ҳаво каби — қайтиб келиб тикланган бўлиш учун, охириги кунда Мактубни олиб бориш ва ўликлардан тирилиш вақтида кўтарилиш учун қутқарилган Танани Унинг Бошчилиги билан амал қилаяпти. Худонинг уч ёқлама мақсади — Унинг Танаси!

Энди бутун диққатингизни Қадим Исроилдаги тимсоллардагига қаратинглар.

<sup>530</sup> Мен бунга жуда ҳам кўп тўхталдимми? [Йиғилиш: “Йўқ”, — дейди.—Таҳр.] Мени қўйманглар, мен жуда ҳам... киришиб кетишимга қўйманг... Энди эшитинг. Бизларда яна йигирматача саҳифа қолди, холос. Лекин мен ҳозир... Яна озгина, шу билан мен сизларни ҳаммангизни кейинги ёзгача ёки қайсидир вақтгача қолдираман; агар Худонинг иродаси бўлса. Тушуњапсизми?

<sup>531</sup> Энди қаранглар. Эътибор беринг, худди Қадимги Исроил тимсолига ўхшаб, битта Бош остида бирлашган. Энди тушуњапсизми? Қадим Исроилдаги каби: битта Худо, Олов Устуни билан тасдиқланган ва пайғамбар орқали Каломдай очилган. Худди ўша Худо, худди ўша Олов Устуни, худди ўшандай услубда; У Ўз йўлларини ўзгартиролмайди. Ахир бу... Бундан мукамал бўлиши мумкин эмас. Шундай эмасми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.]

<sup>532</sup> Битта Худо! Исроилда нечта Худо бор эди? [Йиғилиш: “Битта”, — дейди.—Таҳр.] Келинда эса нечта? [“Битта”] Умуман улар нечта? [“Битта”] Албатта.

<sup>533</sup> Кўряпсизми, Муқаддас Руҳ етакчилиги остида, Қайсики У буюк пайғамбар, Мусо кунларида Олов Устуни эди. Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Яхши. Ваъда этилган ерга кета туриб.

<sup>534</sup> Христианлар даврида ҳам битта Худо бор. У Павлус исмли пайғамбарга Олов Устуни кўринишида зоҳир бўлди, у бўлса Унинг Исми учун бир халқни олиб чиқиш учун Мажусийларга юборилган эди. Тўғрими бу? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.]

<sup>535</sup> Охириги кунларда ҳам Ўзини исботлаб худди ўша кўринишда келди, кўряпсизми, худди ўша аломат билан, худди ўша мўъжиза билан, ўша Олов Устуни билан, худди ўша Хушхабар, худди ўша Сўз билан, худди ўшандай намоён бўлиш билан.

<sup>536</sup> Унинг Танаси ваъда қилган ишларини худди Марк 16 даги ва бошқа жойлардагидай амалга оширади. Қабр Унинг Танасини ушлаб тура олмайди, аммо тирилишда у (тана) У (Масих) билан биргаликда тан олинди. Сиз буни тушуњапсизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Демак, (У келганида) қабр Унинг имонли (художўй) фарзандларини Танасини ушлаб туролмайди, балки У (Келинни танаси) У билан бирга тан олинади, чунки У Танаси бўлган Келинни тирилтириш мақсадида ўлди. Тан олинади, чунки бу Унинг Танаси, чунки бу Унинг Каломи. У деноминациядан тўлиқ ажралиб Унга берилган, У эса Каломдир. Тушуњапсизларми? Бу Тана У билан танилади, чунки бизлар ўлимдан

Ҳаётга ўтганимизни, Унинг асири бўлганимизни билиб, — энди бизнинг тирилганимизни биринчи меваларига эгамиз. Худо ҳам Ўзининг шахсан Бошчилиги билан У кеча, бугун ва абадий худди Ўшанинг Ўзи эканлигини исботлаяпти, ўшанда Ўзи қилган ишларни, худди ўша ишларни бажариб: “У Менда, Мен эса Унда, сизда”, — ва ҳоказо, сиз биласиз. Бу рост.

<sup>537</sup> Унинг Танасини қабр ушлаб тура олмади, тирилишда У билан биргаликда тан олинган эди, ҳозир ҳам худди шундай (эшитинглар), мана у нимани билдиради: Унинг Каломи, Қайсики Унинг Ўзи, тирила бошлади. Лютер, Веслей даврлари давомида бўлган Ўша Калом Ўз Қудратида тирила бошлади; ўшанда У ҳаракат қилишни бошлади, ундан кейин У, Калом янада кўпроқ сурилди, ҳозир У айнан бир бўлишга қараб яқинлашмоқда. Тушуняпсизми? Қаранглар. Энди Танадаги Ҳаёт Кўтарилиш жуда яқин эканлигини тасдиғи ҳисобланади. Қачонки сизлар, Бошчилик (Устунлик) ҳамда Тана бир бўлишини ва Унинг намоён бўлишини тўла равишда кўрасиз, бу энди Тана ҳадемай Бошчилик томонидан қабул қилинишидан дарак беради.

Халқлар барбод бўлмоқда, Исроил кўтарилди.

<sup>538</sup> Мен нимани назарда тутаётганимни тушуняпсизларми? У Ўзи қутқарган Ўз Танасига Ҳаёт бера бошлади (нега?). Воситачилик меҳнати ниҳоясига етди, У Танани Кўтарилиши учун исбот сифатида Танага Ўз Ҳаётини киритаяпти. Энди эсингизда тутинг, охирги кунда...

<sup>539</sup> Мен... Агар озгина сабр қилсангизлар, яна озгина, жуда яхши бўлади. Буни пайқамай қолишингизни мен истамайман. Мен яна бир нарсани гапирмоқчи эдим, яна озроқ давом эттираман.

<sup>540</sup> Энди диққат қилинглари. Эшитинглар. Бу жуда муҳим. Мана нимага биз эътиборимизни қаратишимизни истардим. Эсингизда бўлсин, ўша биринчи кунда бўлган худди шу нарса охирги кунларга қайтади ва тасдиқланади. Тушуняпсизларми? Одам Ато ва Момо Ҳаво, эр ва хотин, ҳеч қандай гуноҳ йўқ, Ҳаёт, кейин эса ҳалокат. Эътибор беринглари, диққат билан қаранглар.

([Бранхам ака кимгадир айтаяпти—Таҳр.]: Ўша ерда ўранглар. Оҳо.)

<sup>541</sup> Эътибор қилинг, бунинг сабабичиси ким эди? Люцифер (Иблис). Люцифер биринчи марта қандай қилган бўлса, ҳозир ҳам шундай қилмоқда.

<sup>542</sup> Мажусийлар шоҳлиги шоҳ Навухадназардан бошланганидай, худди шундай: мажусийлар ирки ўзга тилларни, ваҳий, тушларни таъбирлай оладиган пайгамбар орқали тасдиқланган эди. Ва кейинги мажусийлар даври бунга ўхшаган нарсаларсиз ўтди, шунчаки мидёнликлар ва персликлар, темир ва ҳоказолар. Оёқ бармоқлари эса худди шу тарзда тугайди, яна — мажусийлар шоҳлиги.

<sup>543</sup> Диққат қилинглари, Иблис охирги кунларда ҳам, у бошида нима қилган бўлса, шуни қилади. Люцифер нима қилган эди? Люциферни қилган биринчи иши, бу одамни Худо билан мулоқотидан айирди — у ўзига бундан ҳам ҳашаматли бирлашган шоҳлик ўрнатмоқчи бўлди, бир қараганда анча маданиятли; Микоилда, Масихда бўлгандан ҳам анча буюк шоҳлик.

<sup>544</sup> Сиз тушундингизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Хўш, агар сиз буни назардан қочирган бўлсангиз, унда қўлингизни кўтаринг холос, мен яна бир марта такрорлайман.

<sup>545</sup> Люцифер бошида, унинг юрагида Осмонда Масихда бўлгандагидан ҳам анча ёрқин, анча ҳашаматли бир нарсага эришиш мақсади бор эди (тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.]); гўё у Масихнинг Шоҳлигидан кўра анча маданиятли, анча гўзал, анча баҳайбатдек туюлар эди. Сиз ўйлайсиз, бизлар Миллениумда (Мингйиллик Шоҳликда – Тарж.) автомобиллар ва самолётларга эга бўламизми? Шунақами? Кўряпсизми, Люцифер нима қилади?

<sup>546</sup> Шундай қилиб, гердайдан йирик интеллектуал деноминациялар ҳам худди шу ишларни қиладилар; худди шу нарсаларни қилиш учун биргаликда тўпланишади. Кўряпсизми? Улар тўпланадилар ва деноминациялар ташкил қиладилар, ҳаммаси бир-биридан ўтишга (зўр бўлишга) уринади. Ва ҳозир улар шундай дабдабага эришдиларки, энди фақат католиклар черковига бирлашишдан бошқа яна нима қилишларини билишмайди. Эҳ-ҳе. Кўряпсизми? Люцифер деноминацияга ишонмайдиганларни итариб киритиш учун яна каттароқ шоҳлик қураяпти ва ҳатто улардан черков биноларини олиб, уларни омборларга айлантираяпти, уларнинг пасторлари эса ҳуқуқларидан умуман маҳрум бўлишяпти.

<sup>547</sup> Худодан бўлган одам, агар унда боришга ва бунга қарашга етарлича жасорат бўлса, Буни эшитиб ёки Буни кўриб, ҳеч қачон деноминацияда қолмаган бўлар эди. Албатта. Тушуняпсизми? Мен буни танқид сингари айтмаяпман, мен буни ҳақиқат сифатида айтаяпман, буни очик ҳолда кўриш учун.

<sup>548</sup> Эътибор беринг, мана шу охирги кунларда Люцифер худди шу ишларни қилади. Сиз буни кўряпсизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Иблис худди ўша ишларни қилади — гибрид черковлар қуради, гибрид аъзолардан гибрид, Калом ўрнига билим билан; янги туғилган одамлар ўрнига интеллектуал одамлардан, интеллектуал шоҳликни бунёд этиб, қайсики у Масихнинг кичик подасидан устун бўлар эди. Тушуняпсизми? Буни айнан ким қилади? Йиқилган фаришталар.

<sup>549</sup> Ахир Библияда ёзилмаганми, айнан шу йиқилган фаришталар ўзлари олдин тегишли бўлган Масихга эмас, балки Люциферга кулоқ солдилар, деб? Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.]

550 Энди диққат қилиб эшитинг — “йиқилган фаришталар”. Булар ўзи қанақа фаришталар? Лютер, Веслей, католиклар, элликчилар фаришталар қилганига ўхшаб, олдинги ҳолатларини сақламадилар ва Люцифернинг Никейдаги асосий қилган эпчиллигига ўхшаб, ташкилот бўлдилар. Ва улар нима қилдилар? Муқаддас Китоб айтгани каби, “ҳайвоннинг тасвири”ни қилиш учун, хизматчиларнинг буюк экуменик ассоциациясини ташкил қилдилар.

Шундай қилиб, Христиан уюшмаларни тузадилар, у эса бу черковнинг ва шунга ўхшаган бошқаларнинг эшикларини ёпади. [Бранхам ака беш марта кафедрани тақиллатди.—Таҳр.] Кўряпсизми, Люциферни қилаётган ишини?

551 Мен сизларга Худонинг уч ёқлама ваҳийсини, ёки бўлмаса Худонинг сирини етказмоққа ҳаракат қилаяпман.

552 Улар ўзи нима қилдилар? Момо Ҳаво қилгани сингари, йиқилган фаришталар қилгани каби, улар донолик ва илмларнинг мулоҳазаларига сотилдилар. Веслей Худодан юборилган одам эди, лекин унинг ортидан нима содир бўлди? Бунга йиқилган фаришталар кирди. Бу фаришталар олдин ким эдилар? Худо яратган зотлар эдилар, аммо Люцифернинг донолиги тузоғига илиндилар, Люцифернинг донолиги домига тушдилар. Энди сиз кўряпсизми, улар ким бўлдилар? Йиқилган, адашган фаришталар бўлдилар. Худонинг элчилари ер юзида Ҳақиқатни ўрнатиш учун чиқдилар, улардан турли тузилмалар ташкил бўлди. Ўша Ҳақиқат янада олдинга юришидан ва ўзини эълон қилишидан, Масихни ҳақиқий очилишигача етиб боришидан олдин, адашган, йиқилган фаришталар кирдилар ва ҳамма нарсани қўлларига олдилар, ҳамда бундан деноминация қилдилар.

553 Мана нима учун Етти Мухрнинг сирини ваҳийси очилиши керак эди.

554 Энди сиз буни кўряпсизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Нимани улар қолдирдилар... Агар Лютер яна нарироқ борса эди, унда бу мана шу ерда бўлган бўлар эди. Агар Веслей янада нарироқ борса эди, агар Элликчилар нарироқ борсалар эди, унда нима қиларди улар?

555 Энди фақат битта нарса содир бўлиши мумкин. Охирги вақтда Мактуб бўлиши керак [Бранхам ака бир неча бор кафедрани тақиллатади.—Таҳр.], қачонки Унинг (Мактубнинг) кетидан бошқа ҳеч нарса энди эргашолмайди. Ва энди экуменик дунё шундай тартиб ўрнатдики, энди ҳеч қандай деноминация ва ҳеч нима Унинг ортидан эргашолмайди; сиз ё Бундасиз, ёки сиз Бунда эмассиз. Мева дарахтнинг учида турибди ва Нур ўша танланган мевани ёритади. Ва У худди шу пишиқлик ва таъмни кўрсатиб, Ундаги бўлган худди ўша Рухни намоён қилиб, Масихнинг меваси бўлиб етишади. Сизлар буни тушуняпсиз, деб умид қиламан! Шундайми?

556 Мен бир кунда жуда кўп нарсани беришга ҳаракат қилаяпман. Мен сизларни чарчатдим.

[Йиғилиш: “Йўқ”, — дейди.—Таҳр.]

557 Қаранглар, улар фикрларга сотилдилар, улар деноминацияларнинг мулоҳазаларига сотилдилар. “Агар мен мана шунга тегишли бўлсам эдим! Кўпчилик мана шу черковга боради”. Кўряпсизларми? “Қани эди, мен Методист ёки Пресвитериан бўлсам эди”. Бир қаранг-а, қаерга кетди улар. Мана шунақа, мен ҳозиргина тушунтирдим, бу шохчалар қирқилганлар. Улар ўлик. Улар энди Масих билан бошқа боғланмаганлар, акс ҳолда улар худди ўша Ҳаётни келтирар эдилар. Улар У билан бирлашмаганлар.

558 Лекин улар цитрус меваларига ўхшайдилар. Ҳар қандай цитрус меваси цитрус дарахтида ўсаверади, аммо у ўзининг мевасини беради. Агар апельсин дарахтига грейфрудни пайванд қилса, у апельсин дарахти ҳисобига ўсаверади, аммо у грейфрудларни етиштиради. Агар унга лимон (бу цитрус ўсимлиги) пайванд қилинса, у худди ўша нордон лимонни етиштиради, аммо у бунинг ҳаёти ҳисобига яшайди. Деноминациялар ҳам черков номидан худди шу нарсани қиладилар.

559 Айнан Келин оригинал асл Дарахт, оригинал Рух ҳисобланади. Ваҳий Масихдан келади, деноминациядан эмас. Масихдан! Ўзингизга белгилаб қўйинг.

560 Деноминация нима қилишга уринади ўзи? Люциферга ўхшаб ўзини кўкларга кўтаришни. Улар ўзларини “Черков, Келин” деб атайдилар. Улар Ваҳий 17да айтилганидай — улар сохта келиндир. Келин устидан, Масихнинг кичик подаси устидан кўкларга кўтарилдилар; Люцифер, улар кўтарилишидан олдин, у ўзини семинария маълумотлари ва теологияга жойлаштирди, ваҳий орқали тушиниладиган Илоҳий Ҳақиқатнинг камтар Сўзидан ўзини юқори қўйиб, ўзини иззатлайди. Агарда сен уларнинг гуруҳига тегишли бўлмасанг, унда сени супуриб ташлайди.

561 Люциферга ўхшаб, у бошда нима қилган бўлсин ва у одамларга айнан шундай дейди, ўшанда Ҳавога айтганидай: “Албатта, Худо бизларни қабул қилади! Биз камбағалларни боқаяпмиз”. Бу яхши. “Шак-шубҳасиз, У бизларни қабул қилади. Бизлар — кучли деноминация. Бизлар — ажойиб черков. Бўлмасамчи, бизларнинг улкан биноларимизга қаранг! Бизларни катта аъзолигимизга қаранг. Биз миллионлармиз. Албатта-да, Худо бундай катта гуруҳни рад этмайди”.

562 Қобил ҳам худди шу нарсани қилди — ўзи ишлов берган, ағдарган, меҳнат қилган ерида яхши меваларни етиштирди, ўстирди ва келтирди, ва қўзининг камтаргина қонини рад этди.

563 Худойим, раҳминг келсин, одамлар тагин ўйламасинлар, мен буни ниманидир, қандайдир шахсий тушунчани ёки яна ниманидир олқишлаш учун айтмаяпман. Мен сизларга бор-йўғи, фақат Ҳақиқатни айтаяпман. Наҳотки сиз уларни нима қилаётганини кўрмаяпсиз? Кўряпсизми? Мен буни баланд қилиб ва кескин айтаяпман, бироқ миҳни охиргача қоқиш керак ва букиш керак ундан фойда бўлиши учун (тушуняпсизми?), токи сиз буни кўрмагунингизча.

564 Мана шунақа, одамларга айтадилар: “Бўлмасамчи! Сен бизларнинг шунча вақтдан бери турган буюк католик черковимиз ҳақида, бизнинг буюк методистлар ва бизнинг... Бизларнинг ота-боболаримизга қара!” Кўряпсизми? Аммо улар Раббийнинг Сўзини буздилар. Момо Ҳаво ҳам Худоники эди, Уникилардан бири эди, у Одам Атодан (иккинчи даражали) қўшимча маҳсулот эди; Ва у Худо Каломининг битта Сўзга шубҳаланганида шуни ўзи етарли бўлди.

565 Мана бугун ҳам Люцифер бу ерда ўз ишини устида. Шундай, эсингизда бўлсин, дажжол — бу коммунизм эмас. Дажжол ҳақиқатга шунчалик яқинки, иложини топсалар, ҳатто танланган кишиларни ҳам йўлдан оздирадилар, — деди Исо Матто 24да, — “агар иложини топсалар, ҳатто Танланганларни ҳам”. Люцифер ўз сафсаталари билан Худо Каломини чегаралаб, одамда Худо билан бирликни яна ва яна бузади. Буни у тўғри деб ўйлайди ва бу билан у Худо Каломини бузади.

566 Шу нарсани у Исо вақтида ҳам қилди. Исо эса: “Сиз ўз урф-одатларингиз билан Худо Каломи қудратини бекор қиласиз”.

567 Деноминациялар ҳам ўз ташкилий интеллектуал фикрлари билан Худо Каломининг одамларга таъсирини йўқотдилар. Бу аниқ. Улар шундай Уни тушунолмайдилар. Кейин улар: “Муқаддас Китобнинг Худоси қани ўзи?” — дейдилар. У шу ерни ўзида. Уни Ўзи Муқаддас Китоб, мана У Ким.

568 Ўтиборингизни қаратинг. Люцифер ҳийла қилишга ўтади, Адан боғида қилганига ўхшаб, ўз қудрати ва кўкларга кўтаришлари ваъдалари билан васвасага солиб, Худо билан одамни бирлигига путур етказди. “Бўлмасам-чи, агар биз билан бўлсанг епископ бўлишинг мумкин. Сен вилоят пресвитери бўлишиг мумкин. Сенга нима керак бунақа нарсага қизиқишинг?” Қаранглар, бу элликчилар, католик ва ҳоказоларда шундай. Кўряпсизми? Инсонга Сўздан ва Худонинг ваъдасидан ташқарида куч олиши ҳақида кўплаб ёлғон ваъдалар беради. Муқаддас Рух сизга тушганида сиз куч оласиз, лекин епископ ёки нозир, ёки яна кимлардир бўлганингизда эмас. Тушуняпсизми? Аммо Люцифер яна ўзининг иши билан машғул.

569 Бу черков буни тушуняптими? Қўлларингизни кўтаринглар, мен кўришим учун. [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Яхши, унда мен бунга узоқ тўхталмайман.

...дан оғиб... Худо Каломига қарши борадилар! Кўряпсизми?

570 У Никейда, Римда ҳам худди шу нарсани қилди. Константин уларга нима берганини биласизми сиз? Сиз Черков Даврларини ўтдингизлар. Уларда Масихдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Улар эски кичкина уйларда, ҳамма жойда, қаер тўғри келса, тош ерларда ўтирар эдилар. Сиз буни биласиз, агар Никей Кенгаши ва Никей олди Кенгаши тўғрисида, Никей Оқсоқоллари ва бошқалар, черков тарихини ўқиган бўлсангизлар. Уларни ҳеч нимаси йўқ эди. Бироқ уларда мана шу кенгашни ўтказдилар ва Христианликка Рим мажусийлигидан баъзи бир нарсаларни ва тақводор одамлар ва оқсоқолларни ва бошқаларни, папаларни ва бу ҳамма бемаъни нарсаларни киритдилар, шунда Константин уларга нима берди? Менга бирон бир теолог жавоб берсин. [Бранхам ака беш марта кафедрани қоқди.—Таҳр.] У уларга мулк, мол-мулк берди. У уларга озодлик ва барча истаган нарсасини берди.

571 Шундай кейин улар Худо Каломини инсоний донолик ва маданиятга алмашдилар! Шунда Люцифер Адан боғида нима қилган бўлса, худди шу ишини қилди ва улар ўша заҳоти ўлдилар. Элликчилар Черкови Римда, Никейда ўлди, аммо охирги кунларда Келин Дарахтада тирилиши керак.

572 Ўтибор беринг, Люцифер, Худо Каломига тесқари равишда, ўшанда қилгандай, шумлик ва васвасалар билан келади, ҳокимликни беришининг ёлғон ваъдалари билан... У Римда, Никейда ҳам худди шу нарсани қилди. У бугун ҳам Бутун Дунё Экуменик Кенгаши олдида худди шу нарсани қилаяпти.

573 “Келинлар, ҳаммамиз бирлашамиз”, — дейди папа. “Барча экуменик биродарлар мен билан бирлашишларини хоҳлайман. Биз — бирмиз”. Ҳаммаси тўғри, ташкилотларингизда сизлар бирсиз. Лекин бу Масихнинг Келинига ҳеч қандай алоқаси йўқ, биродар, ҳеч қанақа. Сиз ҳеч қачон бунақанги нарсалар билан Унинг номини булғай олмайсиз.

574 Мана шунақа, охирги кунларда Келин Дарахти вақтида, Худонинг фарзандларида худди ўша аввалги Имон тикланиши ваъда берилган. Малаки Китоби 4-бобида Худо: “Мана, Мен, Эгангизнинг улуғ ва даҳшатли кунни келишидан олдин, олдингизга Илёс пайғамбарни юбораман, ва у фарзандлар Имонини тиклайди”, — деди. Мана шунақа, бу Илёснинг биринчи келиши эмас эди. Йўқ, йўқ.

575 Шундай қилиб, биз бу ерда Илёснинг ёпинчиғи ва чакмони ҳақида, шунга ўхшаган нарсалар тўғрисида ўқитмаяпмиз. Биз фақат Худо Каломини ўргатамиз. Тушуняпсизми? Айнан шундай деб У

айтган ҳам. Кўряписми, бизларда Илёс бунақа — Илёс унақа деган ҳар турли арзимас гаплар бор. Бу...бу... Биз буни биламиз. Бу... Мен бу ҳақида гапирмаяпман, руҳан фикрлайдиганлар буни тушунади. Кўряписиз, кеч бўлди...шундайга ҳам чўзиб юбордик, албатта, мана шу тасмага сиғдиrolмайман.

Мана шунақа, охирги кунларда ваъда берилган. Агар...

<sup>576</sup> Матто баён этган Хушхабарда Исо айтган, 11-чи ёки 6-бобда бўлса керак...ёки 6-боб ва 11-чи... Йўк, бу 11-бобда ва тахминан 6-оят. Яхё у ёққа шогирдларини кўриб келишга юборганида, ҳақиқатдан ҳам Исо Ўшами деб, Исо бундай деди: “Кимни кўргани бордингизлар? Шамолда ҳилпираб турган қамишними? Нафис кийинган одамними?” “Ёки бўлмаса, пайғамбарни кўргани бордингизми?” — деди У. “Пайғамбарданда улуғроғини”, — деди У. Яхё пайғамбардан улуғ эди, у Янги Аҳднинг элчиси эди. Ва У яна: “Агар бу башоратларга ишонишни истасангизлар, бу ўша, пайғамбарлар у ҳақида: “Мана, Мен Ўз элчимни юборяпман. У Мен учун йўл ҳозирлайди”, — деб айтган”, — деди.

<sup>577</sup> Шундай, бу пайғамбар Малаки Китобининг 4-бобида эмас, 3-бобида. Чунки Илёснинг Малаки 4да келишида ер ёниб кул бўлиши ва солихлар Мингйиллик Шоҳликда нопокларнинг кулини босиб юришлари керак. Тушунаписми? Шундай қилиб, бу у эмас. Кўряписми?

<sup>578</sup> Энди биз ушбу ваъданинг бажарилишини кўраяпмиз. Масих, ҳақиқий Бошчилик Ўзининг Келинига келади, дастлаб нима қилган бўлса, худди шу ишларни қилади ва Уни тайёрлайди ва Ўз Каломини, Юҳанно 14:12да аввал қандай бажарган бўлса: “Менга ишонган, Мен қилган ишларни у ҳам қилади”, — шундай бажаради. Шунда Бош ва Тана ишларда ҳам, аломатларда ҳам, Ҳаётда ҳам бир бутун бўлади — Худонинг Ўзи томонидан охирги кунлар учун ваъда этилган Сўзи орқали тасдиқланади. У буни охирги кунларга ваъда берди. Мана шунақа, агар сиз руҳан фикр юритадиган одам бўлсангиз, сиз буни англаб оласиз.

<sup>579</sup> Шунда биз кўрамизки, Никоҳ зиёфати яқин қолган. [Синодал тарж. “Кечлик”.—Тарж.] Шундай экан, агар мен сизларни бошқа кўрмасам, ёдингизда бўлсин, Никоҳ Зиёфати энди яқин. Ва шунда, ваъдага кўра Шоҳлик ҳадемай келади, буюк Мингйиллик, Черковнинг кўтарилиши ва нопокларнинг йўк қилиниши юз беради. Бу дунёнинг барча расволиги ва гуноҳларини йўқотиш ва уни яна эритиб юбориш ва келгуси вақтлар учун янги ёрқин Мингйилликни келтириш учун Ер Олтинчи Муҳр остида вулқонлар билан тозаланади.

<sup>580</sup> Қачонки бизлар буни ҳаммасини, буюк уч ёқлама очикликни кўрамиз: Худо Масихда; Масих Черковда; келаётган Шоҳликни. Одам Ато билан Момо Ҳаво, Масих ҳамда Унинг Келини рамзини ифодалаб, қутқарилдилар ва Адан Боғига қайтарилдилар ва шунда Унинг ваъдаси бўйича Шоҳлик тикланади. Худога ҳамдлар бўлсин! Энди уч ёқлама сир-синоатнинг очилиши орқали ва Унинг шахсан исботланган азалдан бор бўлган Каломининг Бошчилиги орқали.

<sup>581</sup> “Ажойиб, Худога шукур, биз олқишлаймиз, Ҳаллелуйя, биз куйлаймиз”, — дейиш керак эмас. Бу... бу бундай эмас. Мен миссионерман. Мен дунёни етти марта айланиб чиқдим. Тушунаписми? Мен ваҳшийларни, шайтон малайларини ва шунга ўхшашларни, қандай улар куйлашларини, қандай қичқиришларини кўрдим. Мен ҳар турли танавий намоён бўлишларни кўрдим. Булар танавийдир.

<sup>582</sup> Лекин мен Масихнинг Бошчилиги тўғрисида айтаяпман. Эътибор қилинг, азалдан бор бўлган Бошчиликнинг шахсан тасдиғини олиб, биз иблиснинг саволига бериладиган жавобга эгамиз. Омин! [Бранхам ака бир бор қарсақ чалади.—Таҳр.] Ҳамдлар бўлсин! Бизларда иблиснинг саволига жавоб бор. У, Масих тирилди ва баҳони тўлади ва Бошчиликни ўрнатапти... аниқроғи, Танани.

<sup>583</sup> Иблис бунга тоқат қилолмайди. Мана нима учун ушбу экуменик шоҳликлар тузилади. Мана нима учун уларнинг ҳаммаси ҳозир шу ишга қўшилмоқдалар. Мана нима учун иблис бўқирмоқда ва додламоқда. Унинг қаҳр-ғазаби... унинг режалари Унинг Танаси устидан Бошчилик қилаётган, қайта турган, тирилган Масих томонидан очилган эди. [Йиғилиш жуда хурсанд бўлаяпти—Таҳр] Ҳамдлар бўлсин!

<sup>584</sup> Сиз мени ўзини билмайди, деб ўйлаписми? Йўк! [Бранхам ака уч марта кафедрани қоқди.—Таҳр.] Бизда иблисга айтадиган жавобимиз бор. “Энди яшаётган мен эмас, балки менинг ичимда Масих яшайпти”. Буни мен ўйлаб топмадим, бу Унинг Қудрати. Мен ўйлаб чиқармадим, бу Унинг Каломи. У буни ваъда берди ва мана у, марҳамат. У шундай бўлади деди ва мана шундай бўлди ҳам. Бизларда унга берадиган жавоб бор.

<sup>585</sup> Масих тирилди ва бизнинг қутқарилишимиз учун тўловни тўлади. Худо Масихда нимани намоён қилган бўлса, ўшани У, Қондан Ҳаёт чиқа олиши ва тана сотиб олина олиши (қутқарилиши), бу сотиб олинган танада Худо Ўз Каломини бугунги кунга, худди ўша кунда У намоён қилганидай намоён қила олиши учун У бу танага берди. О! Шон-шараф!

<sup>586</sup> Сиз тушунаписми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Эҳ, мана буниси қойил! Қачон мен тўхтаё оламан? Қаранглар. [“Давом эттир”]

587 Демак, биз Худо Ҳузурида оқланган ҳолда турибмиз. Худди ваннадаги оқартиргичга тушган сиёҳ томчисидай, сиз энди бу сиёҳ доғини ҳеч қачон тополмайсиз. У йўқ бўлди. У ҳеч қачон яна пайдо бўлмайди. Ва киши ҳақиқатан қутқарилган (Буни кўраётган ва Буни Буни эшитаётган ўша тақдир қилиб танланган Уруғ), унинг гуноҳлари йўқотилди. Улар йўқ бўлди. Улар ажратилган. Улар Исо Масихнинг Қонига тушди ва бу энди ҳеч қачон эсланмайди. Худо буни унутади. Ва улар Худо Ҳузурида Худонинг ўғли, қизидай турадилар. Омин ва яна Омин! “Энди бизлар Худонинг ўғилларимиз”. *Бўламиз* эмас, бизлар шундаймиз! Энди биз қутқарилганмиз.

588 Бизларда иблисга жавобимиз бор. Худо Ўзини исботлади. Худо Ўзини мана шу кунга берилган Ўз ваъдаларида исботлайди. Ҳаллелуйя! Бошчилик шу ерда. Омин! Масих, тирилган Раббий ҳар доим У қандай бўлган бўлса, бу ерда ҳам худди ўша Ўзининг тирилиши кудратида Ўзини намоён қилади. Мана иблисга жавоб.

589 Мана нима учун шу кунларда мана шу ерда ўтирган одам беҳуш йиқилган эди, бизлар: “Ҳаёт, орқага қайт!” — дея олдик. Чунки Муқаддас Рух шундай деди.

590 Мана нима учун У Мексикада ўша ўн беш соатга яқин ўлик ҳолатда бўлган чақалоқ билан буни қилди У. Ваҳий келганида У деди: “Уни ҳаётга қайтар”, — деди. Шунда: “Бола тирилсин”, — дедим. Ва ўша бола, қайсигаки шифокорлар ўлими ҳақида гувоҳнома ёзган эдилар, ўша куни эрталаб соат тўққизда ўлган эди, кечқурун соат ўн бирда яна ҳаётга қайтди ва у бугун ҳам тирик.

591 Нима бу? Бу инсоний нарса эмас. Бош билан Тана бир бутун бўлди. Бу Ўз халқида намоён бўлган Худо. Мана шу сабабдан эр билан хотин бошқа энди иккита эмас; улар битта. Худо билан Унинг Черкови битта. “Сизлардаги Масих”, Худонинг буюк ваҳийси. Худога Шукур! Ҳаттоки Унинг Исмини олганмиз, Унинг Исми — Исо, Мойланган. У Исо деб номланган, чунки У Мойланган. Бу Масихнинг мойланган Танаси, худди Ўша тана каби Худони намоён қилади, ифодалайди. Ўша Тана эса буни барчасини...бу таналар, ва улар орқали Худо Шоҳлик сари интилиб, Ўзининг уч ёклама намоён бўлишини амалга оширмакда. Тирилди, баҳосини тўлади! Бизлар сотиб олинганмиз. Худо буни исботлади, тасдиқлади. Кўряпсизми?

592 Шунда бизлар Масихда оқланган ҳолда Унинг олдида турибмиз. Чунки У суд ҳукмини чиқаролмайди, негаки, мен ўзим унинг бир қисми бўлган ўша Танани У аллақачон ҳукм қилган. Нима... Қандай қилиб мен Унинг бир қисми ҳисобланаман? *Мана У, У менда.* “Агар сиз Менда ва Менинг Сўзим сизда бўлса, унда нима десангиз... Отамдан Менинг Номимдан нимаики сўрасангиз, сизга берилади”, — чунки У у ерда. Оқланган! Худога Шукур!

593 О-о, шундай қилсакки, дунё буни тушунса эди! Нима учун? Мана марҳамат сизга. Бу Масихнинг тирик Танаси, Қайсики нажот топган ҳолида, сотиб олинган бўлиб турибди. Қутқарилган!

594 Унинг назарида оқланган ҳолда! Биз нима учун оқланганмиз? Биз Унинг ғалабасидирмиз. Черков — бу Унинг ғалабаси. Бизлар Унинг ғалабасини кўрсатиб, ушбу охирги кунларда мана шу шонли Хушxabар билан чиқамиз. У мана шу мақсадда ўлди, бизлар — Унинг ғалабасининг исботи. Омин! Бизлар Уни тушганини ва Черкови аро яшашини кўрганимизда — бу Унинг ғалабаси бўлади. Бу Уни қабрда ушлаб туролмаганини кўрсатади ва худди шундай у бизларни ҳам ушлаб туролмайди. Рост. У...?... Бизлар энди потенциал ҳолатда тирилдик, чунки биз ўликлардан, Унинг Сўзига ишонмасликдан, деноминация таълимотларидан — кеча, бугун ва абадий Ўша, Унинг Ўзи бўлган, бизлар орқали ишлаб, Ўзини ифодалаб келаётган абадий Худонинг абадий Сўзига тирилдик.

595 Шундан кейин Калом Бошдан Танага қараб сурилди. Нима бу? Худди ўша Сўз. Ҳеч нарса кўшиш ёки Ундан олиш мумкин эмас. Шунинг учун, худди ўша Сўз, ўша Куннинг яқинлашгани сайин, улар битта эканлигини тасдиқлаган ҳолда, Бошдан Танага қараб туша бошлайди, тўппа-тўғри Танага. Улар — Эр ва Хотин. Улар — Танаси Унинг Танасидан, Сўзи Унинг Сўзидан, Ҳаёти Унинг Ҳаётидан, Рухи Унинг Рухидан. Тушуняпсизларми? Омин! Сиз буни қаердан биласиз? Худди шу гувоҳликни, худди ўша мевани, худди ўша Сўзни келтиради (кўряпсизми?), Масихни намоён қилади: худди ўша Ҳаётни, худди ўша Худони, Ўша Рухни, худди ўша Каломни, худди ўша Китобни! Омин! Худди ўша аломатлар: “Мен нима қилган бўлсам, сизлар ҳам қиласизлар”. О-о, Ҳаллелуйя!

596 Эътибор беринг, Унинг танасида тасдиқланган Калом Унинг ғалабаси ва Унинг ўлими сабабчисидир. Тушуняпсизми, Рухий ўлим эмас; У ўлганида, У фақат баданда ўлди. Унинг Рухи жаҳаннамга тушди ва қамалган жонларга ваъз қилди. Тўғрими? [Йиғилиш: “Омин”, — деди.—Тахр.] Унинг фақат бадани ўлди, кейин У янгитдан баданини турғазди ва уни тирилтирди. *Тирилтириши* “тирик қилиш” деганидир. Унинг Танаси бўлган Ўзининг баданини (у эса Каломдир). У кўп йиллар (ўлган ҳолда) жимжит ётган эди, лекин У аста-секин Реформация пайтида кўтарила бошлади ва мана энди У (Келин) Ўз оёқларида турибди!

597 Эҳ, афсуски Ҳизқиёлга қайтишга ва сизга “қуриган суяклар” мисолида кўрсатишга вақт йўқ. “Эй, инсон, бу суяклар тирилиши мумкинми?” — деди У.

- Сўнгра У: “Башорат қил”, — деди.
- 598 Башорат қандай келиши мумкин? Фақат пайғамбар орқали. Бу Раббийнинг Сўзи. “Эй қуриган суяклар, Эгамизнинг Сўзини эшитинг!” Ва шунда суяклар паю-мушаклар билан қопланди, сўнг устиларига тери тортилди ва улардан буюк бир оломон кўтарилди ва Сион томон юра бошлади. Худога шуқур! Бу У. Бу У — ғалаба.
- Худонинг нажот топганлари Сионга қувониб келадилар,  
Унинг муқаддас тоғларида ҳеч нарса зарар етказмайди ва бузмайди.
- 599 У Ўзини исботлаганида, Ўзининг тирилган Ҳаётини тасдиқлайди. У, Келин қолганларга боғлиқ эмас. У — мустақил Аёл, қолган барчасидан фарқ қиладиган, покланган улкан қуш. Бу ҳақида Каломда нима дейилганини биласиз: “Буюк покланган (қон сепилган) қуш”. Лекин У Унинг Исмига эга, У Унинг Ҳаётига эга. Унинг Ҳаётига эга. Зеро...
- 600 Улар қушга қандай қилиб қон сепгандилар? Уларнинг иккиси ҳам оппоқ эдилар, ундан кейин эса битта қушни бошини узгандилар ва унинг қонини бошқасига сепгандилар. Мана шу бошқа қуш қип-қизил қонга беланган ва *мана шундай* қилиб қанот қоқар эди ва қон ерга сепилганича: “Муқаддас, муқаддас, муқаддас”, — деб қичқиради эди.
- 601 Шундай қилиб Масих, ўлган Эр, Ўзининг Қонини, Ўзининг Ҳаётидаги Ўзининг Қонини бизларга, сепган... Унинг Қонини олиб бораётиб: “Муқаддас, муқаддас, муқаддас Раббийга!”, — деб хитоб қилганича, Унинг Қони бизларда. Бу антиқа қуш. Шак-шубҳасиз. Аммо У, Келин, У орқали тасдиқланган ва У қолганларга боғлиқлиги йўқ. “Токи сиз иккинги тирик экансизлар, фақат унга ёпишиб ол”. Фақат Уни тут, Сўзни — ҳеч қандай... ҳеч қанақа зино, ҳеч қанақа деноминация белгилари, ҳеч қанақа таълимот белгилари, умуман ҳеч қандай зинокорлик. Сўз ва фақат биргина Сўз!
- 602 Эдди Пруит: “Мен Масих қоясида турибман, қолган пойдеворлар нукул қум”, — деган эди.
- 603 Мана У, Масих, Сўз! У Калом эди; У Каломдир. Черков ҳам У орқали Унинг бир қисми бўлиб, ва бу яна Калом бўлади. Шахсан У томонидан тасдиқланиб, фақат Унинг мулки! Унинг мулки, фақат Уники! Келин У томонидан сотиб олинган, У орқали, У учун ва фақат Унинг учун қутқарилган. Бу рост. Демак, ўша, иблис нимадан увиллаши, ана шу очилапти.
- 604 Биз хавфли вақтда яшамоқдамиз. Ёзув айтади, қачонки булар юз бера бошлаганида, “бошқа энди вақт бўлмайди”. Мана шу нарсаларни намоён бўлишини кўрганимизда, у йўқолади. (Вахий 10:6.— Тарж.)
- 605 Ана шунақа кўринишларни кўрганимизда: “Зизилалар”. Сизлар эшитдингизларми, шу кунларда минг одам ўлди? “Айрим жойларда зилзилалар бўлди”.
- 606 “Осмонда дахшатли ҳодисалар, олов устунлари”, — деб ёзилган, учар тарелкаларга ўхшаган, атрофларда сузадилар. Буни нима эканини улар билмайдилар. Кўряпсизми? Улар ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар.
- 607 Сиз эътибор бердингизми, Садўм вайрон бўлиши олдидан у ерга тушган ва у ердаги аҳволни текширган фаришталарга? Буни сиз эслайсизми? [Йиғилиш: “Омин”, — деди.— Таҳр.] У ерга бир гуруҳ тушган эди, улар учта эдилар. Улардан бири Иброҳим билан қолди. Эслайсизми буни? [“Омин”] Улар суд-тергов ишлари учун Осмондан тушган Олов эдилар. Бири...
- 608 Қаранглар, уларни қаердан топаяпдилар. Уларни Пентагон атрофларида ва шундай жойларда топаяпдилар. Бу — дунёнинг устидан, Садўм устидан ҳукм. Ва Ўша, яна битта вакил, черковлар орасида ҳозир бўладиган Ўша — Ўзини тасдиқлаётган Масихнинг Ўзидир. Тушунапсизми? “Юқоридаги, осмондаги кўриниш ва пастдаги, ердаги аломатлар”. Албатта.
- 609 Тасдиқланганлар! О, бундан иблис додлайди: Ундаги (Келиндаги) Каломнинг ваъдаси Ҳақиқатнинг намоёишидан.
- 610 Уларда жавоб йўқ. Исо келган вақтда, нима учун ўша фарзийларда жавоб йўқ эди? “Агар Мен жинларни Худонинг қудрати билан қуваётган бўлсам, унда сизлар кимнинг кучи билан қувиб чиқаряпсизлар?”, — деди Исо. Кўряпсизми? У бир Ўзи турганди.
- 611 Унинг Черкови ҳам бир ўзи туради. У ҳеч нима билан боғланмаган. Лекин У Худо яшаган тана бўлиб, Худо томонидан тасдиқланган эди; Черков ҳам худди шу ишларни бажариб, Унинг Танаси томонидан тасдиқланди. У ҳам (Черков ҳам, Келин ҳам—Тарж.) охирги кунлар учун Унинг ваъда этилган Сўзининг намоён бўлган Ҳақиқати, Унинг Танаси ҳисобланади. Куёвга Келин, ва фақат Келингина содиқ қолади. Мана нима учун иблис бўкиради, мана шу буюк ташкилотлар Уни (Черковни; Келинни—Тарж.) ёпиш, қуршаб олиш учун нимадир тайёрлапти. Улар ҳеч қачон буни қилолмайди, У ёпилмайди, балки кўтарилади. У ҳозир, Унга ваъда қилинган, тасдиқланган Сўзнинг қудрати билан тирилди. Омин!
- 612 Мана ўша ваъдадан Келин қанчалар тутиб турибди! “У мен учун қайтиб келишини менга айтди. Мен бунга ишонаман”. Кўряпсизми? Ҳа, жаноблар. Унинг Бошини, Унинг Қутқарувчисини, Унинг



Эрини, Унинг подшоҳини, Унинг Раббийсини, Унинг Севиклисини, Унинг нажоткорини учратиш учун.  
Белгиланган учрашув жойида!

<sup>613</sup> Улар билан учрашиш учун Унда учрашув жойи бор. Сиз биласиз, У... ҳа, Куёв ҳеч нарсани эътибордан қочирмайди. Унда тасдиқланиш, узук бор. Унда Келин киядиган кийим бор. Тушуняпсизми? Ва Унда Келин билан учрашадиган маълум бир жой бор, яъни ҳавода. Мутлақо ҳаммаси олдиндан кўзда тутилган. Унда энди Никоҳ Зиёфати тайёрланган, меҳмонлар танланган ва таклиф қилинган. Унинг хизматчилари, атрофда барча фаришталар диққат қилиб туришибди. О-о-о-о-о!  
Ўша вақт яқин, ширин учрашув вақти яқин  
Юқорида, булутлар устида.

У ерда мен сени учратаман, бизни учрашув кутмоқда  
Осмондаги ажойиб уйда.  
Одамлардан ҳеч бири бунақа кўшиқларни эшитмаган,  
Шош-шуҳратини тўлиғича У кўрсатар.  
Худо Ўғлининг Ўзи у ерда Бошловчи бўлади (Худонинг тўлиқ намоиши)  
Ўша учрашувда юқорида. (О-о, ана бу ажойиб!)

<sup>614</sup> Энди Унинг тасдиқланишишларига эътибор беринг.  
Сиз Мусо деган чақалоқ ҳақида эшитганмисиз,  
Қандай Довуд душман билан жангга палахмон билан борди;  
Сиз туш кўрган Юсуф ҳақида эшитганмисиз,  
Дониёр ҳақида ва бошқаларни саноларини куйлаймиз.  
О-о, Каломда кўплаб тасдиқланган қахрамонлар мавжуд.  
Кун келади, ва ўша одамлар ҳозир бўлишади.  
Уларни тезроқ кўришни истайман  
Ўша учрашувда юқорида.

Чунки ўша вақт яқин, ширин учрашув вақти яқин  
Юқорида, булутлар устида.  
У ерда мен сени учратаман, сизларга салом дейман  
Осмондаги ажойиб уйда.  
Одамлардан ҳеч бири бунақа кўшиқларни эшитмаган,  
Шош-шуҳратини тўлиғича У кўрсатар.  
Худо Ўғлининг Ўзи у ерда Бошловчи бўлади,  
Ўша учрашувда юқорида. (О-о, ана бу ажойиб!)

<sup>615</sup> Бу ёқадими сизга? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Энди Унинг уч ёқлама сири ваҳийсининг учта мақсади очилди. У – Бош, яъни Ягона У. Келинг, буни куйлаймиз. Мен энди бошқа ваъз қилолмайман. Мен ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман.  
О-о, ўша вақт яқин, ширин учрашув вақти яқин  
Юқорида, булутлар устида.

У ерда мен сени учратаман, сизларга салом дейман  
Осмондаги ажойиб уйда.  
Одамлардан ҳеч бири бунақа кўшиқларни эшитмаган,  
Шош-шуҳратини тўлиғича У кўрсатар.  
Худо Ўғлининг Ўзи у ерда Бошловчи бўлади,  
Ўша учрашувда юқорида.

<sup>616</sup> Сиз ўша ёққа бормоқчимисиз? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Омин! Худонинг марҳамати билан, Худонинг инояти билан! Тушуняпсизми? О-о!  
Сиз Мусо деган чақалоқ ҳақида эшитганмисиз,  
Қандай Довуд душман билан жангга палахмон билан борди; (уларнинг барчаси-тимсоллар)  
Сиз Юсуфнинг туш кўрганлари ҳақида эшитганмисиз,  
Дониёр ҳақида ва бошқаларни саноларини куйлаймиз.  
О-о, Каломда кўплаб (Қайсики Удир) тасдиқланган қахрамонлар мавжуд.  
Кун келади, ва ўша одамлар ҳозир бўлишади.

Уларни тезроқ кўришни истайман  
Ўша учрашувда юқо-...

<sup>617</sup> У ерда фақат Битта Бош!  
О-о, ўша вақт яқин, ширин учрашув вақти яқин  
Юқорида, булутлар устида.  
У ерда мен сени учратаман, сизларга салом дейман

Осмондаги ажойиб уйда.

Одамлардан ҳеч бири бунақа қўшиқларни эшитмаган,

Шош-шуҳратини тўлиғича У кўрсатар.

Худо Ўғлининг Ўзи у ерда Бошловчи бўлади,

Ўша учрашувда юқорида.

<sup>618</sup> Ҳа, биз бир-биримизни Ўша Ерда учратамиз. Келинлар, ҳамма: Методистлар ва Баптистлар, сиз ким бўлсангиз ҳам, Худонинг Руҳидан янгидан туғилганлар, келинлар, қўшиқ айтган вақтимизда, бир-биримизни қўлларимизни сиқамиз.

О-о, ўша вақт яқин, ширин учрашув вақти яқин

Юқорида, булутлар устида.

У ерда мен сени учратаман, сизларга салом дейман

Осмондаги ажойиб уйда.

Одамлардан ҳеч бири бунақа қўшиқларни эшитмаган,

Шош-шуҳратини тўлиғича У кўрсатар.

Худо Ўғлининг Ўзи у ерда Бошловчи бўлади,

Ўша учрашувда юқорида.

<sup>619</sup> О-о-о! О-о, бу ажойиб. Кўряпсизми? Хаммаси қандай бўлишини кўряпсизми? Эшитинг.

<sup>620</sup> Дўстлар, биз тугатишимиз керак. Кўряпсиз, соат қарийб икки бўлаяпти, ва бизлар... бўлмасам бу ерда кечгача қолиб кетамиз. Менда шу мавзу бўйича қўплаб саҳифалар бор, кўряпсиз, шу ерда тугатишимизга тўғри келади. Чунки бунинг охири йўқ.

<sup>621</sup> Бу ваҳий. Худо Каломи абадий бўлгани каби, бу ҳам адабий. Қаранглар, Худонинг буюк сирининг уч ёқлама мақсади очик! Худо Масихда намоён бўлди, Масих Черковида, йўқотилган Момо Ҳавони сотиб олиш ва олдинги аҳволдаги Адан боғига яна қайтариш учун, намоён бўлди. О-о, қойил!

<sup>622</sup> О-о, ўша Кун, хаммаси шундай буюк бўлади! Ҳа. Бу тез орада бўлади. Бизлар бунга ишонамиз.

Сиз бунга ишонасизми? [Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.] Ҳар сафар, мен бу ҳақида ўйлаган вақтимда, мен бу қўшиқни эслайман.

<sup>623</sup> У Ўзини Дониёрда, ҳам Мусода, ҳам Еремиёда исботлади. Ким бўлганди улар? Пайғамбарлар эди улар, қайсики уларга Сўз келган, (тушунапсизми?) буюк одамлар эдилар. “Сиз Юсуфнинг туш кўрганлари ҳақида эшитганмисиз”, (кўряпсизми?) ва шерлар уясидаги Дониёр ҳақида, ва қолган хаммалари ҳақида, сизлар биласизлар. Ахир бу... Ким эди улар? Пайғамбарлар. Тушунапсизми? Лекин Ўша Бош... Худо уларда фақат вақтинчагина тимсоллар кўрсатди.

<sup>624</sup> У Одам Ато тимсолида Ўзини кўрсатди. У нима тўғри эканини билган, лекин ўз хотинини қайтариб сотиб олиш учун чиққан эди, чунки у хато қилган эди. Масихда гуноҳ йўқ эди, лекин У чиқди ва Ўзининг йўқолган фарзандини қутқариш учун гуноҳни олди. Тушунапсизми? Кўряпсизми? У Ўзини тимсолларда кўрсатди.

Ва Мусо деган чақалоқ,

Қандай Довуд душман билан жангга палахмон билан борди;

Сиз Юсуфнинг туш кўрганлари ҳақида эшитганмисиз (пайхамбар ҳақида)

Дониёр ҳақида ва бошқаларни саноларини куйлаймиз.

О-о, Каломда қўплаб тасдиқланган қахрамонлар мавжуд.

Кун...

<sup>625</sup> Улар... уларни ўзи Инжил. “Кун...” Бироқ, уларнинг барчаси Унда намоён бўлгандилар.

Тушунапсизми? Усиз - уларнинг барчаси халок бўлади. Тушунапсизми? Мен ҳам Ўша бўлишим учун, Унинг бир қисми бўлишим керак. Омин! Кўряпсизми?

Кун келади, ва ўша одамлар ҳозир бўлишади. (Худди шундай.)

Худо Ўғлининг Ўзи у ерда Бошловчи бўлади,

Ўша учрашувда юқорида.

<sup>626</sup> Ибронийларга Мактубнинг 11-бобида: “Улар бизсиз камолга эришмасин деб, Худо биз учун аълороқ баракаларни кўзда тутган эди”, – деб ёзилган. Қўллар ва оёқлар миясиз, билимсиз, бошсиз ва ҳоказоларсиз, тўла-тўқис баркамол бўлолмайдилар. Тушунапсизми? Шундай экан, биз хаммамиз Унда беками-кўст, баркамол бўламиз: “Шу учун, бир Тана бўлиш учун битта Рухга чўмдирилдик”, – Ҳукмдан озод бўлган, гуноҳдан... ўлимга ўтган... Омин! “Худонинг Ўғлини Ўзи у ерда Бошловчи бўлади, ўша учрашувда, юқорида”. [Бранхам ака беш марта кафедрани қоқади.—Таҳр.] Сиз Уни севасизми?

[Йиғилиш: “Омин”, — дейди.—Таҳр.]

Уни севаман, Уни севаман,

У олдин...

<sup>627</sup> Раббий Исо, Муқаддас Рух мойланиши мана шу даструмолларга тушсин, Раббий, ва касалларни шифоласин. Ха шундай бўлади...?... Исо Масих Номи билан...?...

...-менга нажот.

<sup>628</sup> [Бранхам ака: “Уни севаман”ни хиргойи қилади.—Тахр.] Бир ўйлаб кўринг-а. Очилган Масих ҳозир бизда, бизда ҳозирни ўзида. Қандай ўзи У... У қандай очилди? Чунки У мени олдин яхши кўрди. Нима қилди У?

Ва Гўлготада сотиб олди

Наж-...

<sup>629</sup> Шарафлар бўлсин! Ўша буюк Аҳд Фариштаси, даштда Мусо билан бўлган, Ўша; Ўша, Дамашк йўлида Павлусга келган – Худди Ўшанинг Ўзи бизларга Уни суратга олишимизга руҳсат берган, Худди Ўшанинг Ўзи, яқинда “Ҳаёт” деган ойномадаги суратда: худди ўша Калом, худди Ўша Худодан, худди ўша каналлар, воситалар орқали, худди шу йўл билан, худди ўша ваъдалар билан! “Қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен ўша ерда уларнинг орасида бўламан”. Демак, У шу ерда. “Эгамиздан кўрққанларнинг атрофида эгамиз фариштаси қароргоҳ куради”, – қайсиларки фақат Унинг Сўзида маҳкам турадилар. Ҳеч кимса Худодан кўркмай туриб, бу Каломни ҳурмат қилолмайди. Тушунапсизми? Демак, мана У бугун эрталаб шу ерда, бизлар билан, қачонки бизлар Унга Рухда сиғинар эканмиз.

<sup>630</sup> О-о, мана шундай қаттиқ Мактубдан кейин, мен ўйлайман, биз бир неча вақт Унга Рухда сиғинишимиз керак бўлади. Тушундиргимиз, шундай кўзларингизни юминг ва келинг, яна бир бор Унга кўшиқ айтамыз: “Мен Уни севаман, мен Уни севаман”. Қўлларингизни Унга кўтаринглар.

Уни севаман, Уни севаман

У олдин севган

Ва Гўлготада сотиб олган

Нажот менга.

О-о, биз Уни шунчалар севамыз!

Отага ишонч, Уғилга ишонч

Ва Муқаддас Рухга-учаласи хам битта.

Жин титрайди, гуноҳкор эса туради,

Иеговага бўлган ишонч дунёни ларзага солади!

<sup>631</sup> Омин!Худога Шукур! Уни қанчалик севамыз! Энди шундай юракларингизда Унга сиғининг, шундай завқларинг Ундан, фақат... фақат ўйлаб кўринг бир, У қандай қилиб ҳамма нарсани мукамал қилди. Қаранглар, бизлар учун У нима қилди. Шунча йиллар ичидаги ваҳийлар – уларнинг барчаси бажарилди. У нима деган бўлса, барчаси бажарилади, У қандай айтган бўлса, айнан шундай юз беради.

<sup>632</sup> Мен сизларни севаман. Болалар, Худо берган амрларни унутманглар: “Бир-бирингизни севинглар”. Ҳар бир кишини севинг: яхшими ёки ёмонми, гуноҳқорми ёки солиҳми, барибир уларни севинг. Агар севмасангиз, унда Худо сизга ёрдам беришини илтимос қилинг, чунки Худо гуноҳқорни севди. Сизларда эса-Худонинг табиати. Агар одам хато қилаётган бўлса, барибир уни яхши кўр. Унинг гуноҳларига қўшилманг. Тушунапсизми? Унинг гуноҳларига қўшилманг. Лекин юмшоқлик билан, ёқтирмаслик ва таъна билан эмас, балки нозиклик билан унга Муқаддас Рух билан сизга очилган ва сиздаги, ичингиздаги Исо Масих орқали ўша одамни абадий Ҳаётга бўлган умид ҳақида сўзланг.

Ҳозир Исонинг Исмини

Сен ол, қайғу фарзанди,

Ва ердаги водийда олиб юр,

О-о, У тинчлик беради... (Қаерга борсангиз хам, унутманг.)

О-о, Бу Исм...

<sup>633</sup> О-о, қадрли Бу Исм. О-о, бизлар Унинг Исмидамыз. Бизлар Унинг Исми орқали чақирилганмиз.

Қувонч бу ерда ва юқорида,

Бу Исм менга ёқимли,

Қувонч бу ерда ва юқорида.

<sup>634</sup> Энди мен сизлар билан яна учрашгунимгача, сизларга кичкинагина сирни очмоқчиман. Буни эсингизда тутинг. Келинг, ўрниларимиздан турамыз. Буни эсингизда сақланг.

Биз Шу Исмини шарафлаймиз,

Биз Унинг оёқларига йиқиламыз

Ва биз осмонда тож кийдирамыз, (Биз Унга тож кийдирамыз.)

Уни Шох деб эълон қиламыз.

Бу Исм, (Бу Исм)..(ёқимли менга),

Қувонч...

635 Бу уч каррали ваҳий нима? Унда очилган умид ва Самовий қувонч.

Бу Исм, (Бу Исм), менга ёқимли

Бу ерда ва осмонда Қувонч...

636 Нима? Ер юзида умид ва Самоларда қувонч-барчаси Масихда намоён бўлди. Худо, Черков, қолган ҳаммаси аниқ Масихда ошкор бўлди. Муқаддас Китоб бу Масихдир. Муқаддас Китоб – бу ёзилган Калом. У Каломдир. Унинг намоён бўлиши, Уни кўрсатиш учун Каломнинг танасига киргани – Ҳаётнинг исботидир. О-о, бу ажойиб эмасми ахир! [Йиғилиш: “Омин” – дейди.—Таҳр.]

Муқаддас Исмни сен олгин..

Химоя сифатида (унутманг буни)... кишанлардан.

Агар душман фалокат ила таҳдид солса,

Фақат шу Исмни такрорлагин.

Бу Исм (бу Исм) ёқимли менга, (ёқимли менга,)

Қувонч бу ерда ва юқорида,

Бу Исм (бу Исм) ёқимли менга,

Қувонч бу ерда ва юқорида.

637 Билмас эдим... Албатта, художўй бўлгач, руҳий нарсаларга диққат билан қарайсан. Худо буни биледи, мен бу нарсани билмаган эдим ҳатто. Аммо сиз бурилсангиз ва соатга қарасангиз, ҳозир соат роппа-роса икки – Иккинчи Силтов тугади. Учинчи Силтов жуда яқин! Кўряписизми? [Йиғилиш ҳамдусано айтиб қувона бошлайди.—Тарж.]

Биз Шу Исмни шарафлаймиз,

Биз Унинг оёқларига йиқиламиз

Ва биз осмонда тож кийдирамиз,

Уни Шох деб эълон қиламиз.

Бу Исм...

Иккинчи Силтов аниқ намоён қилинган эди! [Йиғилиш қувонишни давом этади.—Тарж.]

Қувонч бу ерда ва юқорида,

Бу Исм ёқимли менга,

Қувонч бу ерда ва юқорида.

638 Сездингизми, Руҳ худди ўша қўшиқни олдида уни бир октавага кўтарди? Кейинги Силтов яқин! Омин!

Ҳозир Исонинг Исмини

...-ол, қайғу фарзанди,

Ва ердаги водийда олиб юр,

О-о, У сенинг қалбинга тинчлик беради.

Бу Исм (бу Исм) ёқимли менга,

Қувонч бу ерда ва юқорида,

Бу Исм ёқимли менга,

Қувонч бу ерда ва юқо-...

Муқаддас Исмни сен олгин..

Химоя сифатида кишанлардан.

Агар душман (нимадир ҳозир сизни ишончингизни юқотишга мажбур қилади) фалокатга,

(Унутманг фақат) Шу Исмни такрорлагин.

Бу Исм ёқимли менга,

Қувонч бу ерда ва юқорида,

Бу Исм (бу Исм) ёқимли менга,

Қувонч бу ерда ва юқорида.

639 Энди келинлар, ҳаммамиз ҳурмат билан бошларимизни эгамиз.

Шу Исмни шарафлаймиз...

640 [Бранхам ака Исо Исмини ўзинг билан ол қўшиғини яна бир қаторини хиргойи қилади. Бир ака ўзга тилда гапира бошлайди. Лентада очиқ жой. Бошқа ака таъбирлайди.—Таҳр.]

641 Энди, агар сиз тушунаётган бўлсангиз, Раббийнинг Сўзи нотаниш одамга ўзга тилда гапириб ва билмайдиган одам орқали таъбирини бериш учун, йиғилишга Раббийнинг Руҳи тушди! Сизлар

эслайсизми, душман қандай келган эди, ва улар нима қилишни билмасдилар? Раббийнинг Руҳи битта одамга тушиб, нима қилиш кераклигини очган эди. О-о!

<sup>642</sup> Энди итоаткорлик билан бошларимизни эгамиз. Худо дуо қилсин сизларни.

Учрашгунимизга қадар,

Масихнинг оёқлари олдида учрашамиз;

Қадар...

Хуп яхши, пастор.

Худо сен билан, учрашгунимизга қадар!